83866

МУХТОРОВ А.Х., ИСРАИЛОВ А.С.,
ЮСУПОВА Ф.М., АБДУЛХАЕВА Г.М.

МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



633.2
М-68

83866
М-68
633.85

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

****

МУХТОРОВ А.Х., ИСРАИЛОВ А.С., ЮСУПОВА Ф.М., АБДУЛХАЕВА Г.М.

МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Республиканская научная
сельскохозяйственная
библиотека
357319

«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ
Тошкент – 2018

УДК: 338 631.5/633.7/9

Мухторов А.Х., Исраилов А.С., Юсупова Ф.М., Абдулхаева Г.М. "Мойли экинлар етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўллари" *(монография)*. – Тошкент, "TAFAKKUR", 2018. – 164 б.

Ушбу монография Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида ТА-ҚХА-2-003-1-рақамли – "Мойли экинларни етиштириш тизимини такомиллаштиришнинг услубий асослари" мавзусида олиб борилган амалий илмий-тадқиқот доирасида тайёрланган.

Унда мойли экинларни етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари ўрганилган, соҳа иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинган, мойли экинлар етиштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган ва Республикамиз шароитида ундан фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлаш тизимининг ҳозирги ҳолати ҳудудлар ва хўжаликлар мисолида таҳлил қилинган, хусусиятлари очиб берилган, соҳа самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар асосланган.

Монографиядан таълимининг иқтисодиёт йўналиши ўқув жараёнларини ташкил этишда, хусусан, "Иқтисодиёт назарияси", "АСМ иқтисодиёти", "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" ва "Фермер хўжаликлари иқтисодиёти" каби фанларни ўқитиш жараёнида қўлланма сифатида, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, докторант ва мустақил изланувчилар фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар ушбу монографияни тайёрлашда амалий-услубий ёрдам берган барчага ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Монография Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг Илмий кенгашида кўриб чиқилиб, чоп этишга тавсия қилинган (27 ноябрь 2018 йил, 9-сонли баённома).

Тақризчилар: Ф.Назарова – и.ф.д, проф.
Т.Фарманов – и.ф.д.

ISBN: 978-9943-24-188-6

© "TAFAKKUR" 2018
© Мухторов А.Х., Исраилов А.С.,
Юсупова Ф.М., Абдулхаева Г.М.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I БОБ. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг услубий асослари	10
1.1. Республикада мойли экинлар етиштириш ва иқтисодий самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ва даражаси	10
1.2. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг услубий асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари	38
II БОБ. Мойли экинлар етиштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва ундан республикамиз шароитида фойдаланиш	61
III БОБ. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг хусусиятлари	77
IV БОБ. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш асосий йўналишлари	104
4.1. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини "субсидия ва субвенция" асосида оширишнинг айрим масалалари	104
4.2. Мойли экинлар етиштиришда суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида соҳа иқтисодий самарадорлигини ошириш	112
4.3. Мойли экинлар етиштиришда уруғчилик тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида соҳа иқтисодий самарадорлигини ошириш	116
4.4. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари	118
4.5 Мойли экинлар етиштириш самарадорлигини кластер тизими асосида ошириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари	129
4.6. Мойли экинлар етиштиришни инновацин ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўллари	
Хулоса ва таклифлар	140
Фойдаланилган адабиётлар	152
Иловалар	157

КИРИШ

Республикамиз аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичидаги муҳим йўналиш ва жиҳатлардан бири соҳада мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиш асосида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг истеъмол маҳсулотларига, қайта ишлаш соҳаси корхоналарининг хом ашёга нисбатан юқори суръатларда ўсиб бораётган талабини баркарор кондириш ҳисобланади. Бу жараёнда, шунингдек, ҳудудларнинг агро-ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятларидан тежамкорона ҳамда самарали фойдаланган ҳолда ноанъанавий тармокларни ривожлантириш, шу орқали озиқ-овқат маҳсулотлари импорти таркибини диверсификациялаш ва ҳажмини камайтириш ҳамда аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш кўзда тутилади.

Бу мақсадга эришиш учун республикамиз минтақаларининг агро-иқтисодий, табиий-иқлим ва экологик хусусиятлари, ҳудудлар ишлаб чиқаришининг ихтисослашув имкониятлари, шунингдек, мавжуд ер ва сув ресурларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган дастур ва чора-тадбирлар мажмуи изчил амалга оширилмокда. Натижасида, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг барқарор ривожланиши таъминланмокда. Шу боис, етиштирилган айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари ўз эҳтиёжимизни тўла қондирибгина қолмай, экспорт қилиш имконини ҳам бермокда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, жумладан, ёғ-мой маҳсулотлари, айниқса, инсон саломатлиги учун зарур экологик тоза ўсимлик мойига бўлган талабнинг кучайиши, мойли экинларнинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганлиги, уларни етиштириш самарадорлигини ошириш масаласини долзарб қилиб қўймокда. Бу эса мавжуд қишлоқ хўжалиги экин майдонларини минтақалар табий-иқлим ва ишлаб чиқариш шароитларидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тамойиллари асосида диверсификациялашни, унда мойли экинлар етиштириш масаласига алоҳида этибор беришни муҳим вазифага айлантирмокда.

Шу боис Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилиб амалга оширилаётган республикамизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"да юқорида таъкидланган масалага алоҳида ургу берилган. Жумладан, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида " ... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш", шунингдек, " ... экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни . .... жойлаштириш" каби вазифалар белгилаб берилган[1].

"Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлашнинг муҳим йўлларидан бири, мақсади аграр соҳада тармоқ ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган соҳа корхоналари фаолият тури ва тармокларини диверсификациялашга қаратилган дастурларни амалга ошириш ҳисобланади. Бундай дастурлар сирасига охирги йилларда республикамизда мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришга йўналтирилган умуммиллий ва минтақавий, шунингдек тармоқ аҳамиятига молик ҳукумат қарорлари ҳамда улар асосида амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар мижмуи киради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017-2021 йилларда соя ва дуккакли экинлар экишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сонли, 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3182-сонли ҳамда 2017 йил 1 июндаги "2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3027-сонли карорлари "Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган мақсад ва вазифалар ечимига қаратилган.

Дарҳақиқат, Республикамиз Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли карорида мамлакатимизда 2021 йилга қадар асосий экин сифатида етиштириладиган соя майдони ҳажмини 30,0 минг гектарга, такрорий экин сифатида 10,0 минг гектарга етказиш режалари белгиланиши, соя ва умуман, мойли экинлар етиштиришга ҳукумат эътибори юқорилигидан далолат бермокда.

Бу каби тадбирлардар қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан бирга, аҳолининг сифатли ва экологик тоза ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, республикамиз аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган талаби тобора ошиб бораётганига қарамасдан, юртимизда бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш 2000-2014 йиллар мобайнида камайиш тенденциясини намоён этмокда. Чунончи, 2000 йилдаги 245,9 минг тоннадан 2014 йилда 230,0 минг тоннага ёки 6,5 фоизга қисқарди[2]. Ваҳоланки, ушбу йиллар мобайнида барча савдо тармоклари бўйича сотилган ўсимлик ёғи 2 минг тоннага қисқариб, 2000 йилдаги 122 минг тонна ўрнига, 2014 йилда 124 минг тоннани ташкил этди. Чакана товар айланмаси таркибида ўсимлик ёғи улуши 2000-2014 йиллар мобайнида 2,8 фоиздан 1 фоизга қадар қисқарди[3]. Шу билан бирга, 2010-2016 йиллар мобайнида озиқ-овқат мақсадларида ишлатиладиган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги УП-4947-сонли Фармони. http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document/2

[2] Статистический ежегодник Республики Узбекистан, за 2000-2015 гг., – С. 216-217.

[3] Статистический ежегодник Республики Узбекистан, за 2000-2015 гг., – С. 157-159.

барча турдаги мой ва ёғ маҳсулотлари импорти қиймати ҳажми 1,3 маротаба ошди[4].

Демак, республикамизда нафақат мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш, балки уни етиштириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда мойли экинлар – соя, махсар кунгабоқар, кунжут ва зиғир мойи тайёрлашга эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу эътибор туфайли бу турдаги экинлар майдонини ҳам, ялпи ҳосилини ҳам кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, уларни 2016 йилда 107,5 минг га ерга экиб, жами 100,55 минг тонна, шу жумладан, 63,0 минг га махсар, 43,0 минг га ерда кунгабоқар ва 1,5 минг га ерда соя ўстириши ва улардан тегишлича 25,2 минг, 73,1 минг ва 2,25 минг тонна ялпи ҳосил етиштириш режалаштирилган[5].

Дастурга мувофиқ ҳар бир фермер хўжалиги билан камида 5 гектардан кам бўлмаган майдонда мойли экинлар етиштириш бўйича шартномалар тузиш механизми жорий этилиб, 2016 йилда "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги корхоналар билан 2648 та фермер хўжалиги ўртасида маҳсулот етиштириш борсида шартномалар тузилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 5675 тани ташкил этди.

Республикамиз Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли қарори билан тасдиқланган "Соя етиштиришни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар" дастурида соя асосий ва такрорий экин сифатида етиштириладиган майдонларни 2021 йилга бориб, 2017 йилдагига нисбатан 6,1 маротаба ошириш режалаштирилганлиги мойли экинлар етиштиришга эътибор далат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан, уларни етиштириш миллий даражадаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилганлигидан далолатдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги "Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3484 сонли қарори айнан ёғ-мой тармоғини ривожлантиришнинг институционал, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтсодий асосинн такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, "Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ҳамда тармоқ муаммолари ечимига қаратилган.

Ушбу қарор билан Республикамиз ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унда бир-бири билан ўзаро боғлиқ тўртта вазифа ва уларни ҳал этишнинг манзилли ва мақсадли чора-тадбирлар мажмуи белгилаб берилди. "Йўл харитаси"да жумладан, "Республиканинг ёғ-мой саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш", "Ёғ-мой корхоналарининг хом ашё базасини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш қувватлари юкламасини ошириш", "Нархнинг шаклланиши ва ёғ-мой

[4] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[5] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 январдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар)ни етиштириш ва экспорт ҳажмларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича дастур. 2016 й.

маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштириш" ва "Ёғ-мой корхоналари фаолиятида ҳисобга олиш ва назоратнинг замонавий тизимларини жорий этиш" каби йўналишлар бўйича ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирлар ва улурга эришиш механизми белгиланди.

Гарчанд, ушбу қарор ёғ олинадиган экинлар етиштиришни ривожлантиришга йўналтирилган бўлсада, унда соя, кунгабоқар ва бошқа мойли экинлар етиштириш масалалари уларнинг экин майдонларини кенгайтириш, кайта ишлш корхоналарига ушбу экинлар селекцияси ва уругчилигини ташкил этиш учун суғориладиган унумдор (20 га дан кам бўлмаган) ер майдонлари ажратиш каби тадбирлар билан чекланган.

Соя, кунгабоқар, махсар ва кунжут каби асосий турдаги мойли экинларни етиштириш тизимининг глобал муаммолари, жумладан, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлишгини оширишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштириш, ушбу тармоқнинг институционал, ташкилий-иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар эса ҳам миллий, ҳам худудий даражада илмий-назарий жиҳатдан чуқур ҳал этилмаган, ўз илмий-амлий ечимини кутаётган долзарб вазифалар сирасига киради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги "Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фемер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 258-сонли қарори билан жорий йилда такрорий экин экиладиган, ғалладан бўшайдиган 803,3 минг га майдоннинг 32,1 минг гектарида (4,0%) мойли экинлар, жумладан. 18,5 минг га ерга соя (2,3%). 13,6 минг га ерга кунжут (1,7%) экилиши ва 49,5 минг тоннадан кўпрок мойли экинлар (соя 34,7 минг тонна, кунжут – 14,8 минг тонна) дони етиштирилиши белгиланган. Ушбу ҳужжатда белгиланган тадбирлар соя, кунгабоқар, кунжут ва махсар каби мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар етарли эмаслигидан далолат бераётган бўлиб, махсус ёндашув асосида тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда мойли экинлар майдонларининг кенгайтирилиши ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар турларининг кўпайиши импорт ўрнини босувчи товарлар ҳажмини ошириш, аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондириш, шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш имконини бермоқда.

Республикамиз ҳудуд ва минтақаларида мойли экинлар етиштириш ҳажмларини, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари мавжуд. Аммо улардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Соҳани янада ривожлантиришга, самарадорлигини оширишга монелик қилаётган ва ўз ечимини кутаётган ташкилий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий хусусиятдаги катор муаммолар мавжудки, уларни тизимли ва мажмуали ёндашув асосида ҳал этиш республикамизда мойли экинлар етиштириш самарадорлигини ошириш билан бирга, мамлакат озиқ-овқат хавфсиз-

лигини мустаҳкамлашга, аҳолини хилма-хил, сифатли ва экологик тоза ўсимлик мойлари билан, озиқ-овқат саноати корхоналарини эса етарли даражада хом ашё билан таъминлашга имкон беради.

Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион ривожланишини таъминлаш шароитида мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Шунингдек, соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг илмий-услубий ва амалий йўналишларини асослаб бериш, тармоқ самарадорлигини таҳлил қилиш ва уни қиёсий баҳолашга мақбул услубий ёндашувни танлаш, тармокнинг ривожланиш ҳолатини ўрганиш ва унинг самарадорлик даражасини баҳолаш, мойли экинлар етиштириш самарадорлик даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш ва уни оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Танланган мавзунинг долзарблиги шулар билан изоҳланади.

Ушбу лойиҳа Тошкент ДАУ билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳанинг таркибий қисмидир. Шу боис, тадқиқотлар унинг дастурий вазифаларини ҳал этишда бу жиҳат эътиборда тутилган ҳолда олиб борилган.

Мойли экинлар туркими кенг ва қатор экинлардан таркиб топган. Тадқиқот доирасида у амалга ошириладиган давр ва республикамизда мойли экинлар етиштириш амалиётида шаклланган ҳамда бу соҳани ривожлантириш дастурида белгиланган асосий вазифалар йўналишларидан келиб чиққан ҳолда асосан махсар ва қисман соя ва кунгабоқар каби мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлиги ўрганилади.

I БОБ. МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Республикада мойли экинлар етиштириш ва бу жараён иқтисодий самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ва даражаси

Қишлоқ хўжалиги тармоғи самарали бўлиши учун унинг асосий тармоқ, корхона ва ишлаб чиқариш бўғинлари самарали фаолият кўрсатиши даркор. Бунинг учун эса, ушбу бўғинлар пировард натижаси – ўзини-ўзи молиявий ресурслар билан таъминлаган ҳолда фолият юритиши талаб этилади. Бу, бир томондан, ушбу тармоқ, корхона ва ишлаб чиқариш бўғинларида етиштирилаётган маҳсулотга нисбатан шаклланган бозор конъюнктурасига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ушбу бўғинлардаги ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Аграр соҳани либераллаштириш ва модернизациялаш шароитида соҳа ва тармоқлар кўламида ишлаб чиқариш самарадорлигини мавжуд ҳолатга нисбатан мукобил ҳисобланган, янги иқтисодий тизим ва муносабатлар талабларига мос келадиган, унга ҳам-оҳанг бўлган ташкилий-иқтисодий ўзгартиришлар асосида ошириш мумкин.

Бундай ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар йўналишини белгилаш, самарадорлик даражасини ҳисоблаш ва кўламини аниқлашда тармоқ ҳамда етиштирилаётган маҳсулот тури, унинг ҳудудий ихтисослашуви ва етиштириш агротехнологияси хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Мойли экинлар етиштириш қишлоқ хўжалиги соҳасининг муҳим тармоғларидан бири ҳисобланиб, агросаноат мажмуига кирувчи тармоқ ва соҳалар интеграциялашуви жараёнларини чуқурлаштиришга, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга, қишлоқда аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга сезиларли таъсир этади.

Таҳлиллар, республикамизда мойли экинлар етиштиришга давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан эътибор кучаётганлиги, ушбу соҳа миллий иқтисодиётимизда етакчи йўналишлардан ҳисобланганлигидан далолат бермоқда. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг охирларида ўсимлик мойи ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон МДҲ ўртасида учинчи ўринни, пахта мойи ишлаб чиқариш бўйича эса биринчи ўринни эгаллаган[6].

Республикамизда турли мойли экинлар етиштирилсада, бу кунга кадар майдони ва кўлам жиҳатидан, асосан кунгабоқар, махсар ва соя экинларига устунлик берилмоқда[7,8]. Таҳлиллар кўрсатишича, республикамизда 2015-2016 йиллар мобайнида асосий мойли экинлар – кунгабоқар, махсар ва соя


[6] Дадажанова М.М. Пути повышения эффективности маслоэкстракционной промышленности Узбекистана: Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Ташкент, 1997. – С. 17.
[7] Ёрматова Д. Мойли экинлар. – Самарқанд. "Зарафшон", – 240 б.
[8] Amanov Sh. Study Some Biologocal Aspects and Development of pest Management Program for Safflower Weevil, Bangasternus orientalis Cap. // Scholars Academic Journal of Biosciences (SAJB)/ - Bhawor, 2016. – Volume 4(4A). P. 318-319. IF – 4.29, Index Copernicus (12).

майдонлари ўртача 106,3-107,5 минг гектарни ташкил этиб, ҳар йили 98,0-100,0 минг тонна ҳосили етиштирилмоқда (1-жадвал, 1, 2 ва 3-расмлар).

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича мойли экинлар майдони, ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили, 2015-2016 йй.[9]


Кўрсаткичлар	2015 йил				2016 йил			
	Ҳаммаси	шу жумладан			Ҳаммаси	шу жумладан		
		Кунгабоқар	Махсар	Соя		Кунгабоқар	Махсар	Соя
Мойли экинлар майдони, га	106397	42700	62397	1300	107500	43000	63000	1500
Ҳосилдорлик, ц/га	х	16,80	3,90	14,60	х	17,00	4,00	15,00
Ялпи ҳосил, тонна (кондицион вазнда)	97969	7173 6	24335	1898	100550	73100	25200	2250
Рафинатланган мой ишлаб чиқариш, тонна	25200	20189	4707	304	25400	20291	4748	361

1-жадвалга назар ташлайдиган бўлсак, 2016 йилда кунгабоқар майдони 43,0 минг га, махсар – 63,0 минг га ва соя экини майдони 1,5 минг га ни ташкил этган. Уларнинг умумий майдони 2015 йилдагига нисбатан ўртача 0,7-0,9 фоизга ошган. Айнан шундай ўсиш тенденцияларини ялпи ҳосил ва рафинатланган мой ишлаб чиқаришда ҳам кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби ҳосилдорлик ошиши билан изоҳланади.




1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича барча тоифадаги хўжаликларда экилган мойли экинлар майдони, 2015-2016 йй., га[10]

[9] "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар хисоб-китоби.
[10] "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар хисоб-китоби.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича барча тоифадаги хўжаликларда мойли экинлар ҳосилдорлиги, 2015-2016 йй., ц/га[11]




3-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича барча тоифадаги хўжаликларда мойли экинлар ялпи ҳосили ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш, 2015-2016 йй./тн[12]

[11] "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар хисоб-китоби.
[12] "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар хисоб-китоби.

Республикамизда мойли экинлар етиштиришнинг ташкилий механизми моҳияти шундан иборатки, ушбу экинлар асосан фермер хўжаликлари ҳамда "Ўзпахтаёғ" АЖ таркибидаги корхоналар томонидан етиштирилади. Пировард маҳсулот, яъни мойли экинлар уруғидан мой ишлаб чиқариш "Ўзпахтаёғ" АЖ таркибидаги корхоналарида амалга оширилади.

Фермер хўжаликлари ҳар йили "Ўзпахтаёғ" АЖ таркибидаги ҳудудий корхоналар билан "Соя дуккакларини етказиб бериш бўйича контракция шартномаси" тузишади (4-расм).

Масалан, 2015 йилда маҳсар етиштириш бўйича 1669 та фермер хўжалиги билан, кунгабоқар - 5506 та ва соя етиштириш бўйича 259 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилган. 2016 йилда маҳсар етиштириш бўйича 1690 та фермер хўжалиги билан, кунгабоқар бўйича 5521 та ва соя етиштириш бўйича 284 та фермер хўжалиги билан контрактация шартномалари тузилган (шартномалар шакли илова қилинади).




4-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича мойли экинлар майдонлари тузилишининг ўзгариши, 2010-2015 йй., % да[13]

Таҳлиллар кўрсатишича, бугунги кунда (2016 й.) мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларининг 22,3 фоизи маҳсар етиштириш билан банд бўлса, 73,6 фоизи кунгабоқар ва 3,8 фоизи соя дуккаклари етиштириш билан шуғулланишади. Бу кўрсаткич 2015 йилдагига нисбатан мос равишда: 22,4%, 74,1% ва 3,45% ни ташкил этади. Нисбатан ўзгариш, соя дуккаклари етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари сон жиҳатидан ҳам, жами мойли экинлар майдони ва ҳосили жиҳатдан ҳам бир неча карра ошганлигида намоён бўлмоқда.

[13] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

Бунга асосий сабаб, республика Президентнинг 2017 йил 14 мартдаги қабул қилинган "2017-2021 йилларда соя ва дуккакли экинлар экишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2832-сонли қарори ва унинг бажарилишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сонли қарорининг 6-иловасига мувофиқ, бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга кунгабоқар ва соя экинларини экиш прогноз кўрсаткичларига кўра республикамиз бўйича 41,0 минг гектардан ортиқ майдонга мойли экинлар экилиши ва 66,1 минг тонадан кўпроқ ялпи ҳосил йиғиштириб олиниши режалаштирилган.




5-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича мойли экинлар етиштириш динамикасининг ўзгариши, 2010-2015 йй., га[14]


Ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда 6 та вилоятда (Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида) мойли экинлар (соя ва кунгабоқар) жами майдонининг 67,5 фоизи мужассамлашган бўлиб, ялпи ҳосилнинг 70 фоизга яқини етиштирилади.

Мезо даражада қарайдиган бўлсак, фақатгина Бухоро билан Навоий вилоятлари ҳудудларида республика мойли экинлар жами майдонинг 28 фоизга яқини мужассамлашганган бўлиб, республикамизда етиштирилаётган мойли экинлар ҳосилининг 26 фоизи етиштирилмоқда.

[14] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида, муаллифлар ҳисоб-китоби



6-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича мойли экинлар майдони ва ялпи ҳосили динамикасининг ўзгариши, 2010-2015 йй., т/га[15]



7-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича мойли экинлар ҳосилдорлиги динамикасининг ўзгариши, 2010-2015 йй., ц/га[16]

2016 йилда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган мойли экинлар етиштириш дастурининг ўзига хос жихатлари қуйидагилардан иборат:

- жами 107,5 минг га майдонда мойли экинлар режалаштирилган бўлиб, шундан махсар – 63,0 минг га (58,6%), кунгабоқар – 43,0 минг га (40,0%) ва соя – 1,50 минг га (1,4%)ни такшкил этади;

- мойли экинлардан жами 100,55 минг тонна, шу жумладан, махсардан – 25,2 минг тонна (25,1%), кунгабоқардан – 73,1 минг тонна (72,7%) ва соядан – 2,25 минг тонна (2,2%) ялпи ҳосил олиш кўзда тутилган;

[15] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида, маллифлар ҳисоб-китоби
[16] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида, маллифлар ҳисоб-китоби

- мойли экинлар умумий майдонига нисбатан 81,2 фоиз, шу жумладан, махсарни 63,0%, кунгабоқарни 35,5% ва сояни 1,5% майдонда "Ўзпахтаёг" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган Контрактация шартномалари асосида жойлаштириш ҳамда ушбу тизимда мойли экинлар ялпи ҳосилининг 76,2 фоизини, шу жумладан махсарнинг 28 фоиз, кунгабоқарнинг 68,8 фоиз ва соянинг 2,5 фоизини етиштириш режалаштирилган (2-жадвал, 1-илова).

Дастурда:

- мойли экинларини етиштиришда ҳар бир фермер хўжалиги учун ажратиладиган экин майдони ҳажми 5 (беш) гектардан кам бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган;

- қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган ер майдонларини шудгорлаш, экишга тайёрлаш ва экиш жараёнида ёкилги-мойлаш материаллари, уруғлик, минерал ўғит, техника хизмати ва иш ҳаки учун талаб қилинадиган маблағларни аниқлаб, ёғ-мой корхоналари томонидан фермер хўжаликларига ҳисоб-китоблар асосида, биринчи навбатда, экиш учун зарур бўладиган бўнак маблағларини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган фермер хўжаликларини бўнак маблағлар билан таъминлаш мақсадида ёғ-мой корхоналарига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорларда кредитлар ажратиш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида ҳудудлардаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида 23202-махсус ҳисоб рақамини очиш ҳамда ёғ-мой корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномаларга асосан ҳосилни етиштириш учун талаб этилдиган маблағларининг 30 фоизини бўнак сифатида ажратиш ва улар фермер хўжаликларининг махсус ҳисоб рақамларига йўналтирилишини таъминлаш;

- ёғ-мой корхоналарига топширилган хом ашё учун фермер хўжаликлари билан якуний ҳисоб-китобларни жорий йилнинг 31 декабргача амалга ошириш;

- туманлардаги ҳар бир фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган асосий ер майдонларини тайёрлаш ва экиш ишларини амалга оширувчи махсус отрядлар ташкил этиш, уларни етарли миқдорда ҳайдов техникаси ва бошқа механизмлар билан таъминлаш;

- такрорий ер майдонларини тайёрлаш ва экиш ишларини амалга оширувчи махсус отрядлар ташкил этиш, уларни етарли миқдорда ҳайдов техникаси ва бошқа механизмлар билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирадиган фермер хўжаликлари билан "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат" компанияларининг жойлардаги корхоналари, тижорат банклари, ёғ-мой корхоналари ҳамда туман МТП ва ММТПлар ўртасида шартномалар тузишни таъминлаш;

- мойли экинларни ўз вақтида етиштириш, агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш мақсадида фермер хўжаликларига ўртача котировка нархларида дизель ёқилғиси ва минерал ўғитларни босқичма-босқич етказиб бериш;

- туман ҳокими қарорида белгиланган майдонларда сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар экилганлигини ўлчовдан ўтказиш, ўлчов жараёнида кам экилган майдонларда режа асосида ҳақиқий экилишини таъминлаш, экиш якунлари бўйича далолатнома тузиб, туман статистика бўлимига 4-ҚХ ҳисоботини тақдим этиш каби ташкилий-молиявий тадбирлар режалаштирилган.

Мойли экинлар (кунгабоқар, соя. маҳсар) бўйича чекланган шартномавий нархлар ҳар йили мавсум бошланмасдан олдин тасдикланиб, фермер хўжаликларига етказилади (3-жадвал).

3-жадвал. 2016 йил мавсуми учун етиштириладиган 1 тонна мойли экинлар (кунгабоқар, соя, маҳсар) бўйича чекланган шартномавий нархлар, сўм/т

Мойли экинлар	Мойли ўсимликлар синфи	ГОСТ	Чекланган шартномавий нархлар
Кунгабоқар	Олий синф	ГОСТ 22391-89	1562262
	1-синф	ГОСТ 22391-89	1500000
	2-синф	ГОСТ 22391-89	1443924
Соя		ГОСТ17109-88	1500000
Маҳсар		ГОСТ 12096-76	1350000

2017 йил ҳосили учун чекланган шартномавий нархлар: 1 кг соя – 3000,0 сўм; 1 кг кунгабоқар – 2500,0 сўм; 1 кг маҳсар – 2000,0 сўм миқдорида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мойли экинлар таркибида соя ва соя дуккакларини етказиб беришни ташкил этиш, маҳсулотни етиштириш, агротехнологик жараёнларни ташкил этиш, молиялаштириш ва рағбатлантириш тизими ўзгача бўлиб, бошқа мойли экинларни етиштириш тизими ва тартибидан фарқ қилади.

Соя ва соя дуккакларини етказиб бериш тартиби Республикамиз Президентининг 2017 йил 14 мартади ПҚ-2832-сонли қарорида белгиланганлар бўйича тартибга солиниб борилади. Унга мувофиқ соя етиштиришни ташкил этиш, соя ва соя дуккакларини етказиб бериш қуйидаги кетма-кетлик ва боскичларда амалга оширилади:

Республиканская научная сельскохозяйственная библиотека
357319

2-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар)ни етиштириш ва уларнинг экспорт ҳажмларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича "Ўзпахтаёғ" АЖ томонидан амалга оширилаган чора-тадбирлар

Д А С Т У Р И

Кўрсаткичлар номи	Ҳаммаси			Маҳсар		Кунгабоқар		Соя	
	экин майдони, га	%	ялпи хосил, тонна	%	экин майдони, га	ялпи хосил, тонна	экин майдони, га	ялпи хосил, тонна	экин майдони, га	ялпи хосил, тонна
I.Ўзпахтаёғ АЖ	87300	81,2	76650	76,2	55000	22500	31000	52700	1300	1950
Экин майдони, %	100	-	-		63,0	-	35,5	-	1,5	-
Ялпи хосил, %	-		100	-		29,7	-	68,8	-	2,5
II.Озиқ-овқат саноати корхоналари учун	9200	8,6	9100	9,1	5000	2000	4000	6800	200	300
Экин майдони, %	100	-	-	-	54,3	-	43,5	0,0	2,2	-
Ялпи хосил, %	-	-	100	-	-	22,0	-	74,7	-	3,3
III.Вилоятлар ҳузуридаги кичик ёғ-мой корхоналари	11000	10,2	14800	14,7	3000	1200	8000	13600	-	-
Экин майдони, %	100	-	-	-	27,3	-	72,7	-	-	-
Ялпи хосил, %	-	-	100	-	-	8,1	-	91,9	-	-
Жами (I+II+III)	107500	100	100550	100	63000	25200	43000	73100	1500	2250
Экин майдони, %	100	-	-	-	58,6	-	40,0	-	1,4	-
Ялпи хосил, %	-	-	100	-	-	25,1	-	72,70	-	2,2

Соя етиштиришни ташкил этиш, соя ва соя дуккаклари етказиб бериш тадбирларини амалга ошириш кетма-кетлиги ва боскичлари

Боскичлар	Амалга ошириладиган тадбир
Биринчи боскич	Фермер хўжаликларининг "Ўзпахтаёг" АЖ таркибидаги ташкилотлар билан соя дуккакларини етказиб бериш бўйича кнтрактация шартномаларини имзолаш.
Иккинчи боскич	2017 йил 1 апрелга кадар фермер хўжаликларидан сотиб олинадиган соя учун кутилаётган хосилнинг 50 фоиз киймати хажмида бўнак бериш.
Учинчи боскич	Фермер хўжаликларини фақат ивитилган ва сертификати мавжуд бўлган соя уруғи билан таъминлаш, бу билан боғлиқ харажатлар бериладиган бўнак маблағлари суммасига киритилмайди.
Тўртинчи боскич	Етказиб берилган уруғ учун хисоб-китоблар "Ўзпахтаёг" АЖ таркибидаги ташкилотлар билан хосил етказиб берилган кундан бошлаб бир ой мобайнида етиштиришнинг ҳақиқий таннархи асосида амалга оширилади.
Бешинчи боскич	Тижорат банклари белгиланган тартибда "Ўзпахтаёг" АЖ таркибидаги ташкилотларни уруғлик сотиб олиш ва бўнак бериш максадлари учун агротехник тадбирлар муддатларидан келиб чиккан ҳолда кутилаётган хосилнинг 50 фоизи миқдорида бўнак бериш учун пул маблағлари билан таъминлаш.

Соя ва соя дуккакларини етиштиришни илмий асосда ташкил этиш ва барқарор ривожланишини таъминлаган ҳолда сояга бўлган талабни кондириш максадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази қошида "Соя уруғчилиги ва селекциясини ривожлантириш ва соя етиштириш агротехникасини такомиллаштириш бўйича Илмий-техник Кенгаш" ташкил этилган.

Тахлиллар кўрсатишича, мойли экинлар тизими самарадорлигига табиий-иклим ва ташкилий, агротехнологик, технологик, иқтисодий-молиявий ва сиёсий-маъмурий каби омиллар мажмуи таъсир қилади:

-ташкилий омилларга аксарият ҳолларда хўжалик ер майдони ўлчамлари ҳамда фермер хўжаликларини МТР билан, ЁММ, уруғлик, кимёвий воситалар билан таъминлаш тизими;

-агротехнолгик омилларга мойли экинлар етиштириш агротехникаси, ўсимлик билогиясига мос агротехнология, нав ва синф жихатдан фарк киладиган ўсимликларни етиштириш билан боғлиқ омиллар;

-технологик омилларга мойли экинлар етиштириш жараёнига ресурстежамкор техника ва технологиялар жорий этиш билан боғлиқ омиллар;

-иқтисодий-молиявий омилларга у ёки бу турдаги мойли экинларни етиштиришни кўллаб-кувватлаш механизми, маҳсулотни сотиб олиш нархи ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни молиялаштириш билан боғлиқ омиллар;

-сиёсий-маъмурий омилларга у ёки бу турдаги мойли экинларни етиштиришга бўлган аграр сиёсат, чора-тадбирлар мажмуи киради.

Айрим омиллар хусусида батафсил тўхтаб ўтамиз.

Тахлиллар кўрсатишича, мойли экинлар, жумладан, махсар етишришда самардорлик экилаётган майдон хажмига боғлиқ бўлиб, хўжаликда етиштирилаётган махсар майдонининг ошиб бориши билан маҳсулот бирлигига сарфланаётган меҳнат ва моддий ресурслар сарифи камайиб, ҳосилдорликнинг ошиб бориши тенденцияси намоён бўлмокда. Ушбу тенденция, Жиззах вилояти Бахмал туманида махсар етиштираётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилида ўз тасдигини намоён этмокда.

Таъкидлаш жоизки, Жиззах вилоятида "Бўстон олами" ва "Нурли дон" МЧЖлари "Ўзпахтаёг" АЖ такибидаги ташкилотлар хисобланиб, Зомин, Ғаллаорол ва Бахмал туманларида етиштирилган мойли экинлар – кунгабокар, соя ва махсарни кайта ишлаб ёг ва ёг маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

2016 йилда туманларида бўйича 85 феремр хўжалигида жами 521,3 га майдонда (хўжаликлар тасарруфида бўлган экин майдонларининг 3 фоизини ташкил этади) махсар етиштирилиб, ҳосилдорлик ҳар гектардан ўртача 2,33 центнерни, ялпи ҳосил 124,0 тоннани ташкил этди. Эътиборли жихати шундаки, лалми ерларда махсар эккан фермер хўжаликларидан 20 тасида ҳосилдорлик 2 ц/га гача, 42 фермер хўжалигида 2-4 ц/га ва 23 фермер хўжлигида 4-6 ц/га ни ташкил этган. Ваҳоланки, махсар ўсимлигининг ҳосилдорлиги, биологик хусусиятига кўра лалми ерларда ўртача 8-10 ц/га ни ташкил этади. Демак, ҳудудда махсар етиштириш имкониятлари мавжуд, етарли даражадаги ташкилий-иқтисодий ва агротехнологик тадбирларни амалга ошириш ҳудуда қўшимча равишда махсар ҳосили олишга имкон беради.

Гарчанд, лалми ердарда аксарият ўсимликларнинг, шу жумладан, махсар экинининг ҳам ҳосилдорлиги об-ҳаво шароити ва биринчи навбатда қишки ва баҳорги ёғингарчилик миқдорига боғлиқ бўлсада, агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш, экинни қулай об-ҳаво шароитида ҳамда қиска муддатларда ўтказиш, юкори ҳосил олиш, демак, самарадорликни оширишнинг асосий омили ва имконияти ҳисобланади.

Таҳлил ва таққослаш натижалари кўрсатишича, туманлардаги махсар етиштираёган фермер хўжаликларининг 23,3 фоизида ўртача ҳосилдорлик туман ўртача кўрсаткичидан паст бўлган. Бу туманларда махсар ҳосилдорлигини кўтариш, масулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва шу асосда ҳудуд аҳолисини экологик тоза ва сифатли ўсимлик мойи билан

таъминлаш даражасини ошириш билан бир қаторда, уни етиштирувчи фермер хўжаликларида мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-агротехнологик имкониятлари мавжудлигидан далолат беради.

Кўлам самарадорлиги тамойиллари кишлоқ хўжалигида хўжалик фаолияти самарадорлигига, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган махсулот иқтисодий самардорлигига етиштирилаётган экин тури майдонининг ҳажми, қолаверса жойлашган жойи ва рельефи, конфигурацияси, агротехник жараёнларнинг механизациялашганлик даражаси ҳамда тавсиявий характердаги агротехник тадбирларга риоя этилиши, ушбу тадбирларни кўрсатилган муддатларида, меъёр ва даражада амалга оширишга, экинни экиш, вегитация давридаги тадбирларни амалга ошириш, ҳосилни йиғиштириб олиш каби омилларга боғлиқ.

Ушбу омиллардан ҳар бирининг етиштирилаётган махсар иқтисодий самарадорлигига таъсирини инкор этмаган ҳолда, биргина экин майдонининг ҳажми ва ўртача ҳосилдорликнинг махсар етиштириш иқтисодий самарадорлигига, демакки хўжалик иқтисодий-молиявий ҳолатига таъсири хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Махсар етиштираёган фермер хўжаликларини экин майдонлари ҳажми бўйича гуруҳлаш, лалмикор ҳудудларда махсар майдони ўртача ҳажмининг ошиши билан ўртача ҳосилдорлик ҳам мос ва мутаносиб равишда ошиб бориш қонуниятини намоён этмоқда (4 ва 5- жадваллар). Бу қонуният омилар ўртасидаги боғлиқлик таранглигини ифодаловчи омилларнинг карреляцион боғлиқлиги тахлилларида ҳам ўз тасдиғини топмоқда (8-расм.). 1.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳосилдордик ўсиши билан бир гектарга кетган харажатларнинг ўсиш суръатлари секинлашиб, бир гектар махсар майдонидан олинаётган пул тушуми ва фойда миқдорининг ўсиш суръатлари жадаллашмоқда. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, энг катта ижобий натижа 3-гуруҳга кирувчи фермер хўжаликларида кузатилди. Бу гуруҳга кирувчи фермер хўжаликларида махсар ҳосилдорлиги, шунингдек, бир га экин майдонидан олинаётган фойда 1-гуруҳга кирувчи фермер хўжаликлардагига нисбатан 1,9 мартадан кўпроқни ташкил этоқда.

Мойли экинлар етиштириш самарадорлигини аниқлашда биринчи боскичдаги асосий вазифа етиштирилаётган маҳсулот таннархи таркибини тахлил этган ҳолда, уларнинг ўзгариш тенденциясини аниклаш, бундай ўзгаришга сабаб бўлувчи омилларни аниклаштириш ҳамда инновацион ишланма ва илғор технологияларни жорий этиш воситасида маҳсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб чикариш самарадорлигини оширишга эришиш йўлларини белгилаш хисобланади.

Тадқиқот доирасида Жиззах вилояти Зомин туманидаги айрим фермер хўжаликларининг махсар етиштириш борасидаги иш тажрибаси ўрганиш бўйича монографик мадқиқотлар ўтказилди.

4-жадвал. Махсар экин майдони ўлчамининг хосилдорлик ва бир гектардан олинадиган даромадга таъсири, 2016 й.[17]

Махсар экин майдони бўйича хўжаликлар гуруҳи	Гуруҳдаги хўжаликлар сон майдони		Гуруҳ бўйича Ўртача ер майдони		Гуруҳ бўйича хосилдорлик, ц/га		Бир гектарга сарфланган харажатлар		Бир гектардан олинган даромад		Бир гектар махсар майдонидан олинган фойда		Рента-беллик, %
	зона	I-гуруҳга нисбатан	га	I-гуруҳга нисбатан	ц/га	I-гуруҳга нисбатан	минг сум	I-гуруҳга нисбатан	минг сум	I-гуруҳга нисбатан	минг сум	I-гуруҳга нисбатан	
I гуруҳ, 1,0 га дан -2,0 га гача	35	1	1,7	1	2,73	1	266,72	1,0	327,6	1,0	60,88	1,0	18,6
II гуруҳ, 2,01 гадан 4,0 га гача	19	0,54	3,34	1,96	3	1,1	293,1	1,09	360,0	1,1	66,9	1,09	22,8
III гуруҳ, 4,01 гадан 6,0 га гача	16	0,51	6,37	3,75	5,24	1,92	315,57	1,18	628,8	1,9	116,9	1,9	23,0
IУ гуруҳ, 6,01 дан юкори	15	0,4	14,6	8,6	2,03	0,74	197,35	0,74	242,4	0,73	45,05	0,74	22,8
Туман фермер хўжаликлари бўйича ўртача	85		4,9		2,4		234,5		288		53,5		23,0

[17] Жиззах вилояти Бахмал тумани махсар етиштирувчи фермер хўжаликлари маълумотлари асосида муаллифлар хисоб-китоби.

5-жадвал. Махсар хосилдорлигининг ер ресурсларидан фойдаланиш ва махсулот етиштириш самарадорлигига таъсири, 2016 й.[18]

Фермер хўжаликларининг махсар хосилдорлиги бўйича гуруҳи	Гуруҳдаги хўжаликлар сон		Гуруҳ бўйича ўртача ер майдони, га		Гуруҳ бўйича хосилдорлик, ц/га		Бир гектардан олинган даромад	Бир гектар махсар майдонидан олинган фойда
	дона	I-гуруҳга нисбатан	га	I-гуруҳга нисбатан	ц/га	I-гуруҳга нисбатан		
I гуруҳ, 0,01 ц/гадан -1,0 ц/га гача	11	1,0	5,97	1,0	0,59	1,0	70,8	13,1
II гуруҳ, 1,01 ц/гадан 2,0 ц/га гача	17	1,54	7,03	1,18	1,77	3,0	212,4	39,47
III гуруҳ, 2,01 ц/гадан 3,0 ц/га гача	46	3,74	5,7	0,95	2,74	4,64	328,8	61,1
IV гуруҳ, 3,01 дан юкори	11	1,1	5,9	0,99	4,3	7,3	516,0	95,9
Туман фермер хўжаликлари бўйича ўртача	85		4,9		2,4		288,0	53,52

[18] Жиззах вилояти Бахмал тумани махсар етиштирувчи фермер хўжаликлари маълумотлари асосида муаллифлар хисоб-китоби.

8-расм. Мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлигининг омиллар ўртасидаги боғлиқлиги ва таъсири

Шундай хўжаликлардан бири "Ширин" ҚФЙ, "Ширин" СИУ, Қудукча қишлоғидаги "Ўзлик" фермер хўжалигидир. Хўжалик 2002 йилда ташкил этилган. Дастлаб хўжалик ер майдони 60 га бўлган, 2012 йилда хўжалик йириклаштирилиб ер майдони 204 гектарни, 2014 йилда фермер хўжаликлари ер майдонини мақбуллаштириш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида 88 гектарни ташкил этди.

6-жадвал. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида 1 гектар майдонда масхар ва соя етиштириш бўйича таннарх таркиби, 2015-2017 йй., жамига нисбатан %да

Харажат турлари	2015 й.	2017 й.	2015 й.	2017 й.
	Махсар		Соя	
Меҳнат ҳақи қўшимчаси билан	5,7	7,5	10,2	8,8
Минерал ўғитлар	-	-	12,4	23,2
Кимёвий ва биологик ҳимоя	4,1	5,4	3,9	3,3
Уруғлик	9,0	8,4	18,6	18,2
Ёкили-мойлаш материалари	51,3	42,6	37,3	26,0
МТП хизматлари	29,8	36,2	16,1	17,7
Бошка харажатлар	-	-	1,6	2,7
Жами харажатлар	100	100	100	100
Жами харажатлар, минг сўм	488,0	523,0	1290,0	1645,0
Жами пул даромади, минг сўм	600,0	750,0	2025,0	4000,0
Олинган фойда (зарар) +;-., минг сўм	112,0	227,0	735	2355,0
Рентабеллик даражаси, %	22,9	30,2	57,0	59,9
1 тонна маҳсулот етиштириш таннархи	977,0	1047,0	860,0	822,0
1 тонна маҳсулотни ўртача сотиш баҳоси	1200,0	1500,0	1350,0	2000,0
Ҳосилдорлик, ц/га	5,0	5,0	15,0	20,0

Хўжаликда 2016 йилда 4 га лалми майдонга 28 февраль куни махсар экилган, 1 га майдонга 28 кг уруғ сарфлаган, 1 кг уруғлик киймати 2,5 минг сўмини ташкил этган.

Хўжалик моддий-техник базаси катор йиллар давомида модернизация килинмаганлиги боис, моддий-техник воситаларнинг аксарияти маънавий ва физик жиҳатдан эскирган. Хўжаликда иккита "ТТЗ-80" русумли трактор, битта "ОВХ" пуркагичи, 2 та омоч, 2 та трактор тиркамаси (прицеп), биттадан чизель ва мола мавжуд. Хўжаликнинг бундай техник салоҳиятга эгалиги махсар етиштириш билан боғлиқ агротехнологик тадбирларни муддатида ва сифатли бажаришда ижобий самара бермокда.

7-жадвал. Зомин тумани "Ширин" ҚФЙ, "Ширин" СИУ, Кудуқча қишлоғидаги "Ўзлик" фермер хўжалигида бир га майдонда махсар етиштириш харажатлари таркиби ва тузилиши, 2017 й.[19]

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Харажатлар	
			минг сўм	%
	Махсар майдони	га	1	-
	Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	4,0	
	Ялпи ҳосил,	ц	4,0	
	1-навли махсар, %	%	80,0	
	2-навли махсар, %	%	20,0	
1.	**Экишгача бўлган давр**	минг сўм	64,0	24,3
	Ер ҳайдашда ёкилги-мойлаш материаллари харажати (15 л х 2,6 минг сўм)	минг сўм	39,0	14,8
	Тракторчининг иш ҳақи ажратмалари билан (25 м. с.)	минг сўм	25,0	9,5
2.	**Экиш:**	минг сўм	18,0	6,8
	- Сеялкада экишда ёкилги-мойлаш материаллари харажати (5 л х 2,6 м. с./га)	минг сўм	13,0	4,9
	- Тракторчининг иш ҳақи ажратмалари билан (5 м с./га)	минг сўм	5,0	1,9
3	**Вегитация даври:**	минг сўм	59,6	22,6
	- биринчи озиклантириш (суспензия, Касс). 4 +7,8+5	минг сўм	16,8	6,4
	- иккинчи зиклантириш (карбамид: 50 кг/га - 600 сум)+7,8+5)	минг сўм	42,8	16,2
4.	**Йигим-терим даври бўйича жами:**		98,5	37,4
	ҳосилни йигиштириб олиш		86,0	32,7
	ҳосилни ташиш		12,5	4,7
5.	**Амортизация**	минг сўм	0,72	0,3
6.	**Умумий хўжалик харажатлари**	минг сўм	2,5	1,0
7.	**Умумий ишлаб чикариш харажатлари**	минг сўм	2,0	0,8
8.	**Солик**	минг сўм	7,5	1,14
			227,72	86,6
	Бошка харажатлар (15% (235,22 м.с. х 1,15)	минг сўм	35,28	13,4
	ХАММА ХАРАЖАТЛАР	минг сўм	263,0	100
	1 кг махсар етиштириш таннархи	сўм	657,5	х
	1 кг махсарни сотишнинг ўртача баҳоси	сўм	1500,0	х
	1 кг махсардан олинган фойда	сўм	842,5	х
	Махсар етиштириш рентабеллик даражаи	%	128,14	х
	1 га махсар майдонига киликган сарф-харажатлар	минг сўм	263,0	
	1 га махсар майдонидан олинган даромад	минг сўм	600,0	
	1 га махсар майдонидан олинган фойда	минг сўм	337,0	

Республикамиз аграр соҳасида олиб борилаётган иктисодий ислоҳотларнинг навбатдаги боскичидаги мухим йўналиш ва жиҳатлардан бири

[19] Лойиха ижрочиларининг монографик тадкикотлари ва фермер хўжалиги маълумотлари асосида ишлаб чикилган.

соҳада мавжуд ресурс салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланиш асосида республика озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, юқори суръатларда ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини барқарор таъминлаш, қайта ишлаш соҳаси корхоналарининг хом ашёга бўлган талабини қондириш, аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш ҳисобланади.

Бу мақсатларга эришиш учун республикамизда минтақаларнинг агро-экологик хусусияти ва ҳудудлар ишлаб чиқаришининг ихтисослашув имкониятлари эътиборда тутилмаётгани, шунингдек, мавжуд ер ва сув ресурларидан тежамкорона ва самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган дастур ва чора-тадбирлар мажмуини амалга оширилиши натижасида, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг чиқариш қатор йиллар давомида барқарор ривожланиши таъминланмоқда. Шу боис бугунги кунда айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари ўз эҳтиёжимизни тўла қондириши билан бир қаторда, ортиқча қисмини экспорт қилишга ҳам эришилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, глобал иқлим ўзгариши ва экологик ҳолат ёмонлашуви, ер ва сув ресурсларидан етарли даражада самарали фойдаланиш таъминланмаётганлиги оқибатида республикамизнинг қатор ҳудудларида ер ресурслари таназзулга учраб, унимдорлиги пасайиб бормоқда.

Бундай ҳолат юз беришида бошқа омиллар бир қатрда инсон омилининг, яъни антропаген омиллар улушининг кучайиб бораётганлиги ташвишли, албатта. Айниқса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яйловлардан режасиз, табиат қонунлари ва экологик талаб ҳамда қоидаларига риоя этмасдан фойдаланилаётганлиги яйловлар ҳамда лалми ерлар унумдорлиги пасайишига, уларнинг деградацияга учрашига сабаб бўлмоқда, яйлов чорвачилиги соҳаси ривожига салбий таъсир этмоқда.

Иккинчи бир томондан, бу ҳолат яйловлар ва суғорилмайдиган ерлардан фойдаланиш тизимининг ҳозирги шакл ва механизми самараси паст эканлигидан, уни инновацион ёндашув асосида ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалигидан далолат бермоқда.

Лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудлар доирасида лалми ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ физик ва кимёвий таркибини яхшилаш, ушбу ҳудудларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари даромадини ошириш ва энг муҳими, лалми ерлардан фойдаланишнинг инновацион ва самарали тизимини жорий этиш асосида яйловларга кўрсатилаётган босимни пасайтириш мақсадида ресурстежамкор агротехнологиялар жорий этилиб келинмоқда.

Лалми ерлардан фойдаланишнинг инновацион ва самарали тизимини жорий этган ҳолда яйловларга кўрсатилаётган босимни пасайтириш йўлларидан бири лалми ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, мойли экинлар етиштиришни инновацион ёндашув асосида ташкил этган ҳолда ресурстежамкор, универсал уруғ экиш агрегатларидан фойдаланиш ва инновацион агротехнологик жараёнларни жорий этиш ҳисобланади.

Лалми ерларда мойли экинларни етиштириш зарурлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- аҳолининг экологик тоза ва инсон организми учун ўта фойдали ҳисобланган ўсимлик мойига бўлган талабини қондиришга эришилади;
- тиббиёт ва фармакология саноат корхоналарининг мойли экинлар хом ашёсига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, у асосида дори-дармон ишлаб чиқаришни кўпайтиришга муваффақ бўлинади;
- лалми ерларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида экин таркибий тузилиши диверсификациялашуви асосида даромадини ошириш имконияти вужудга келади;
- мойли экинлар иқлим ўзгариши, иссиқ ва совуқнинг тез-тез алмашиниб туриши, қурғоқчилик ва сувсизликка чидамлилиги боис, об-ҳаво нокулай келган йилларда ҳам чорва моллари учун озиқа манбаи бўлиш мумкинлиги;
- мойли экинлар нисбатан кўп қўл меҳнати талаб қилмаслиги, сарф-харажати юқори эмаслиги, агротехник жараёнларни муайян даражада механизация ёрдамида амалга ошириш мумкинлиги, энг асосийси, мойли экинлардан олинадиган маҳсулотларга талаб мавжудлиги ва бу талаб охирги йилларда тобора ортиб бораётганлиги;
- фермер хўжаликлари учун кам моддий ва капитал маблағлари сарфлаган ҳолда юқори даромад олиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш мумкнлиги ва бошқалар.

Буларнинг барчаси лалми ердардан самарли фойдаланишни ташкил этиш эвазига яйловларга босимни камайтиришга, экологик ҳолат ва биохилмахилликни сақлашга имкон бериши билан бир қаторда, лалми ерларда мойли экинлар етиштириш тизими самарадордигини оширишни таъминламоқда. Шу боис республикамизнинг нафақат текислик, балки тоғолди ҳудудларида мойли экинлар етиштирш кўлами ортиб бормоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони аҳолини ёг-мой маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш ва маҳсулот турини кўпайтириш борасидаги ишлар кўламининг кенгайишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Масалан, 2011 йилда республикамиз бўйича кунгабоқар майдонлари 32 минг га, махсар майдонлари 55 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2012 йилда махсар 60 минг га, кунгабоқар 20 минг аг, соя 10 минг га майдонга экилган, 2014 йили 100 минг гектар майдонда етиштирилган мойли экинлардан 75,5 минг тонна ҳосил олинган бўлса, 2015 йилда республика фермерлари 62 минг гектар майдонда махсар, 40 минг гектар майдонда кунгабоқар, 6 минг гектар ерда соя етиштиришни режалаштиришган. 2016 йилга келиб эса кунгабоқар майдонлари 43,0 минг га ни, махсарзор эса 63,0 минг га ни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Мойли ва толали экинлар тажриба станцияси олимлари кунгабоқар, махсар, соя, ерёнғоқ, кунжут, зигир ва бошқа мойли экинларнинг хориждан келтирилган намуналаридан фойдаланиб, юқори хосил берувчи ва

касалликларга чидамли янги навлар яратганликлари ва уларни амалиётга жрий этганлиги боис, мойли экинлар майдони йилдан-йилга ошиб бормоқда[20], [21].

"Евроснар" қўшма корхонаси, "Когон ёғ экстракт", "Учқўрғон ёғ" акциядорлик жамиятлари кунгабоқар, "Учқўрғон ёғ" акциядорлик ва "Бўстон олами" масъулияти чекланган жамиятлари махсар хосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган.

Юртимизда мойли экинлар майдонларининг кенгайтирилиши ва улардан тайёрланадиган маҳсулотларнинг кўпайиши импорт ўрнини босувчи товарлар хажмини ошириш, аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш имконини бермоқда.

Ресурстежамкор техника ва инновацион агротехнологияларни жорий этган ҳолда мойли экинлар етиштириш тизими самарадрлигини ошириш

БМТТД-ГЭФ томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Ўзбекистоннинг тоғли, ярим чўл ва чўл ландшафтларидаги суғорилмайдиган қурғоқчил ерларни рақобатли эксплуатация қилиш натижасида табиий ресурслардан фойдаланиш босимини камайтириш" лойиҳаси маълумотларига кўра хозирги пайтда Зомин туманида барча тоифадаги лалмикор ерлар майдони 255,1 минг гектарни ташкил этади. Шундан 115,5 минг гектарни (45,3 %) табиий пичанзор ва яйловлар, 77,4 минг гектари ўрмонлар (30,3 %), 62,2 минг гектари ҳайдаладиган ерлар (24,4 %), шундан 34,7 минг гектарда (55,8 %) ғалла ва бошқа экинлар экилади.

Тумандаги лалмикор майдонлар қуйидаги 3 та минтақаларда жойлашган:

- намлик билан таъминланмаган текислик 31276 га, фермер хўжаликлари сони 37 та;
- намлик билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақа 26467 га, 225 та фермер хўжаликлари;
- намлик билан таъминланган тоғ олди ва тоғли минтақа 5449 га, 47 та фермер хўжаликлари фаолият юритадилар.

Бу минтақалардаги фермер хўжаликларининг ер майдони (лалми) 50-100 гектардан то 400-500 гектаргачани ташкил этади.

Жиззах вилояти Зомин тумани лалмикор ерларида махсар етиштиришда ресурстежамкор ва тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экишда No-Till тизимини қўллаган ҳолда мойли экинлар етиштириш самарадорлигини "Мирфаёз Ўткирбек", "Бойчибор" ва "Тўлкинбек Мирзо" каби фермер хўжаликлари мисолида кўриб чикиш мумкин (8 ва 9-жадваллар).

Тадқиқотлар, мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлиги агротехник ва технологик жараёнлар таъсири остида ўзгариши ҳамда махсар етиштиришда ресурстежамкор ва тупрокка ишлов бермасдан тўғридан-тўғри

[20] Нурматов Ш., Эшмирзаев К. ва бошқалар. Лалми майдонларда махсар етиштириш агротехнологияси. – Тошкент, 2009. - 15 б.

[21] Соя дони етиштириш агротехнологияси. – Тошкент, 2016, 8 б.

8-жадвал. Жиззах вилояти Зомин тумани лалмикор майдонларида махсар етиштиришда ресурстежамкор ва тупрокка ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллаган фермер хўжаликлари тўғрисида умумий маълумот, август, 2016 й.

№	Кўрсаткичлар	Мирфаёз Ўткирбек	"Бойчибор"	Тўлкинбек Мирзо
1.	Балл бонитети	37,8	35	25
2.	Хўжаликнинг жами ер майдони, га	90	163	70
3.	Махсар майдонининг улуши,%	78,8	27,6	80
4.	Экин майдонидан омборхонагача бўлган масофа, км.	8,0	1,5	10,0

экиш No-till тизимидан фойдаланиш соха иқтисодий самарадорлигини оширишини тасдикламокда (9 ва 10-жадваллар).

9-жадвал. Лалмикор майдонларда махсар етиштиришда ресурстежамкор ва тупрокка ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш no-till тизимидан фойдаланиш афзалликлари[22]

№	Агротехник жараёнлар	Амалдаги	"Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва махсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар" 2016-2020 йиллар учун тавсия этилган [1]	Таклиф этилаётган тупрокка ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-till тизими бўйича	Фарқи (камайиш -; кўпайиш +)	
					Амалдагига нисбатан	2016-2020 йиллар учун тавсияга нисбатан
1	Экишгача бўлган давр	2	9	-	-2	-9
2	Экиш даври	4	2	4	-	+2
3	Вегетация даври	2	3	-	-2	-3
4	Йиғим-терим даври	5	4	2	-3	-2
	Технологик карталар бўйича агротехник тадбирлар сони, жами	13	18	6	-7	-12

Иқтисодий тахлил ва таққослашлар махсар етиштириш учун намунавий "Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва махсулот етиштириш бўйича

[22] Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ҳайъатининг 2016 йил 22 январдаги 1/1сонли карори билан тасдикланган. --Тошкент, ҚХИИТИ (ЎзР ҚСХВ, ЎзҚХИИЧМ). – 2016. – 165-167 б.

намунавий технологик карталар" 2016-2020 йиллар учун тавсия этилган технологик карта (18 та жараён) ҳамда Ғаллаорол ғалла ва бошоқли дон экинлари илмий-тадқиқоти илмий-тажриба станцияси томонидан БМТТД лойиҳалари доирасида ишлаб чиқилган "Лалмикор ерларда махсар етиштиришнинг ресурстежамкор технологик картаси" (13 та жараён), шунингдек, шу техкнологик карта асосида "Тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизими"ни қўллаган ҳолда (6 та жараён) махсар етиштиришнинг соҳа самарадорлиги ҳамда фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларига таъсири аниқланди (10 ва 11-жадваллар).

10-жадвал. Жиззах вилояти Зомин туманида лалмикор майдонларда махсар етиштиришда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллаган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари, 2016 й.[23]

№	Кўрсаткичлар	Мирфаёз Ўткирбек	"Бойчибор"	Тўлкинбек Мирзо
1.	Махсар экилган майдони, га	70	45	56
2.	Ҳосилдорлик, ц/га	1,29	0,933	0,714
3.	Ялпи ҳосил, ц	90,0	42,0	40,0
4.	Шу жумладан 2-сортга, %	100	100	100
5.	Ялпи даромад, млн. сўм	10,8	4,2	6,0
6.	Ўртача сотиш нархи, сўм/кг	1200,0	1000,0	1500,0
7.	Бир гектар махсар майдонидан олинган даромад, минг сўм	154,29	93,33	107,143

11-жадвал. Жиззах вилояти Зомин туманида лалмикор майдонларда махсар етиштиришда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллаган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари, 2017 йй.[24]

№	Кўрсаткичлар	"Шахло-Дилрабо"	"Қошқар агрочорва"	Тўлкинбек Мирзо	"Умматов Улуғбек даласи"
1.	Махсар экилган майдони, га	50	40	40	20
2.	Ҳосилдорлик, ц/га	3,0	3,0	5,0	5,0
3.	Ялпи ҳосил, ц	150,0	120,0	200,0	100,0
4.	Шу жумладан, 1-навга, %	90	95,0	92,0	95,0
5.	Ялпи даромад, млн. сўм	24,0	20,4	34,0	17,0
6.	Ўртача сотиш нархи, сўм/кг	1600,0	1700,0	1700,0	1700,0
7.	Бир гектар махсар майдонидан олинган даромад, минг сўм	480,0	510,0	850,0	850,0

Жадваллар маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳосилдлрлик ошиши билан бир гектар майдондан олинадиган даромад ва фойда мутаносиб равишда

[23] Жиззах вилояти Зомин тумани фермер хўжаликлари маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.
[24] Жиззах вилояти Зомин тумани фермер хўжаликлари маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

ортиб бормоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, лалми ерларда махсар етиштиришнинг намунавий агротехнологик карталарида бир га майдонга 8,864 киши-куни сарфланса, ресурстежамкор агротехнология тизимида 0,705 киши-куни, тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизими асосида махсар етиштиришда эса 0,306 киши-куни сарфланмоқда.

Энг эътиборлиси, лалми ерларда махсар етиштиришнинг намунавий агротехнологик карталари бўйича бир га майдонга 111,79 ёнилғи сарфланса, ресурстежамкор агротехнология тизимида 30,64 литр, тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизими қўллаб махсар етиштиришда эса 17,2 литр ёнилғи сарфланмоқда. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, Зомин тумани бўйича махсар етиштирилаётган лалми ерларда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллаб махсар етиштиришда 23650,0 литр ЁММ захирасини шакллантиришга ҳамда 70,95 млн. сўмни иқтисод килиш ҳисобига нақд пул оқимини бошқаришга, айланма маблағлар ҳажмини оширишга, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга имкон вужудга келади (12, 13 ва 14-жадваллар).

12-жадвал. Лалмикор майдонларда махсар етиштиришда ресурстежамкор агротехнологиялар ҳамда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги, 2016 й., бир га ҳисобига

№	Кўрсаткичлар	Мирфаёз Уткирбек	"Бойчибор"	Тўлкинбек Мирзо
1.	Махсар экилган майдони, га	70	45	56
2.	Ҳосилдорлик, ц/га	1,29	0,933	0,714
3.	Ялпи ҳосил, ц	90	42	40
4.	Шу жумладан 2-навга, %	100	100	100
5.	Ялпи даромад, млн. сўм	10,8	4,2	6
6.	Ўртача сотиш нархи, сўм/кг	1200	1000	1500
7.	Бир гектар махсар майдонидан олинган даромад, минг сўм	154,29	93,33	107,143
8.	Харажатлар. 1 га хисобига. минг сум, жами	265,91	278,41	175,46
	Ш.ж.1. Уруғлик (2,5 минг сум/кг), минг сўм	50	62,5	62,5
	2. Иш хаки ажратмалари билан, минг сўм	30	30	30
	3. ЁММ, (3,0 минг сўм/кг), минг сўм	35,43	35,43	35,43
	4. Ягона ер солиги, минг сўм	103,19	103,19	0,24
	5. Транспорт ташиш харажатлар, минг сум	2,29	2,29	2,29
	6. Хизмат, ишлар ва бошка харажатлар, минг сўм	45	45	45
9.	Режавий хосилдорлик, ц/га:	6,00	6,00	6,00
10.	Бир га майдондан сотилган махсуллот киймати, минг сўм	720,00	600,00	900,00
11.	Бир га майдонга сарфланган жами харажат, минг сўм	265,91	278,41	175,46
12.	Рентабеллик даражаси, %	170,77	115,51	412,94
13.	Бир га майдондан олинган фойда:			
	- минг сўм	454,09	321,59	724,54

13-жадвал. Жиззах вилояти Зомин туманидаги лалмикор майдонларда махсар етиштиришда ресурс тежамкор агротехнологиялар ҳамда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллаш иқтисодий самарадорлиги (бир га ҳисобига)[25]

Кўрсаткичлар	2016-2020 йиллар учун намунавий технологик карта (18 та)	Ресурстежамкор агротехнология (13 та)	Тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизими (6 та)
- меҳнат сарфи, киши-куни	8,864	0,705	0,306
- иш ҳаки, минг сўм	14,140	18,923	6,883
- ёнилғи сарфи, литр	111,79	30,64	17,2

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тавсия этилаётган ресурстежамкор агротехнологиялар ҳамда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллаш технологиясининг аҳамияти ва афзалликлари қуйидагилардан иборат:

ТУПРОҚҚА АНЪАНАВИЙ ИШЛОВ БЕРИШ	ТУПРОҚҚА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ	ТУПРОҚҚА НОЛЛИ ИШЛОВ БЕРИШ
Барча жараёнлар натижасида, тупроққа анъанавий қайта ишлов берилиб уруғ экилгандан кейин ўсимлик қолдиклари камида 10% қолади. Плугда ерни ҳайдаш жараёнида ернинг ишлов бериладиган қисми 135°гача ағдарилади, шунингдек увалланади, кўпиради ва қисман аралашади .	Ҳар қандай тизим анъанавий ишлов билан солиштирганда кам интенсив ва қийин ҳисобланади. Анъанавий тизимга нисбатдан тупроққа ишлов бериш жараёнлари сони камаяди ва майдон бирлигида энергия сарфи камайиши натижасида харажатлар қисқаради.	Тупроққа нолли ишлов берилганда ўримдан экишгача ва экишдан ўримгача тупроқ бутун қолади. Тупроққа механик таъсир этилганда уруғ тупроққа тўғридан-тўғри йўналтирилади. Тўғридан-тўғри экиш учун қўлланилганда, ўсимлик қолдиклари кесилиб, тупроқ юза қисми минимал даражада ўзгаради.

[25] Жиззах вилояти Зомин тумани фермер хўжаликлари маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш тавсия этилаётган ресурстежамкор агротехнологиялар ҳамда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш No-Till тизимини қўллаш технологиясининг камчиликлари:

ТУПРОҚҚА АНЪАНАВИЙ ИШЛОВ БЕРИШ	ТУПРОҚҚА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ	ТУПРОҚҚА НОЛЛИ ИШЛОВ БЕРИШ
1. Тупроқнинг эрозияга учраши ортади. 2. Намликни йўқотиши юқори бўлади. Ҳайдалган ер намликни тез шимиб олади ва тез "йўқотади". 3. Намлик тез йўқотилиши натижасида экишни кеч муддатда амалга ошириш талаб қилинади. 4. Ишчи кучи ва ёқилғига катта харажатлар талаб қилади. 5. Тупроқни текислашда бошқа қўшимча жараёнларни назарда тутади: молалаш ва бошқалар.	1. Эрозия пайдо бўлиш хавфи. 2. Тупрок намлиги йўқолиши мумкинлиги. 3. Далаларда бегона ўтларнинг кўпайиши.	1.Технологияни ўзлаштириш-нинг биринчи босқичида воситаларга юқорилиги 2. Тупрок харорати секин кўта-рилишининг таъминланиши.

ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИШЛАШ НАТИЖАЛАРИ		
ТУПРОҚГА АНЪАНАВИЙ ИШЛОВ БЕРИШ	**ТУПРОҚГА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ**	**ТУПРОҚГА НОЛЛИ ИШЛОВ БЕРИШ**
1. Вақт-вақти билан чўлланиш ва намгарчилик даражаси пасайиши натижасида ўсимликлар қурийди. 2. Тупроқ хароратининг кескин ўзгариши. 3. Механик таъсир туфайли тупроқ физик холатининг ўзгариши. 4. Тупроқ биологик тузилишинг ўзгариши. 5. CO_2 ажралиб чиқишининг ортиши. 6. Тупроқнинг эрозияга юз тутиши 7. Тупроқ юқори қатлами эрозиясининг тезлашуви. 8. Тупроқнинг устки қисми қотиши натижасида уруғнинг униб чиқиши секинлашади, қобиғи ва экиш микроиқлими бузалади. 9. Озуқа моддаларининг кўп ювилиши.	1. Дала доимо ўсимлик билан қопланиши. 2. Тупроқ хароратининг равон ўзгариши. 3. Ёмғир чувалчангларининг кўпайиши, ўсимлик илдиз тизимининг эркин ривожланиши ва тупроқ яхши юмшашин таъминланади. 4. CO_2 ажралиб чиқишини секинлаштиради. 5. Тупроқнинг эрозияга учраш хавфи мавжуд бўлади. Тупроқ устки қатламидан сув окимининг мавжудлиги. 6. Тупроқ қуртқучиликка чидамлирок бўлади. 7. Антъанавий ишлов бериш билан солиштирганда озуқа моддаларининг сув билан ювилиши миқдори пасаяди.	1. Доимий ўсимлик қоплами мавжуд бўлади. 2. Ҳарорат ўзгариши равонлиги таъминланади. 3. Ёмғир чувалчангларининг кўпайиши ўсимлик илдиз тизимининг эркин ривожланиши, тупроқ яхши юмшашини таъминлайди. 4. Ер хайдашга ҳожат қолмайди. 5. CO_2 ажралиб чиқишини камайтиради. 6. Тупроқнинг эрозияга учраш хавфи камаяди. 7. Экишнинг ёпиқ тизими табиат ҳаракатини такрорлайди. 8. Сув ҳавзалари ифлосланиши хавфини камайтиради. 9. Озуқа моддаларининг сув билан ювилиши кескин камаяди.

9-расм. Мойли экинлар етиштириш тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида таклиф қилинаётган агро-технология ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш натижалари

Ушбу омиллар мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлигини оширишни таъминлаши сабабли республикамиз минтақа ва ҳудудлари бўйлаб мойли экинлар етиштиришни ташкил этишда инобатга олиниши мақсадга мувофик.

Таҳлиллар мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларида мойли экинлар майдони экин турига ҳамда ҳудудий жойлашуви, ишлаб чиқариш йўналишига қараб фаркланишидан далолат крмокда.

2017 йил маълумотларга қараганда, соя етиштираётган фермер хўжаликларининг ўртача майдони республика бўйича 3,6 га ни (асосий экин сифатида эккан фермер хўжаликларида), ҳосилдорлик гектаридан 1,78 центнерни, ялпи ҳосил 6,4 центнерни ташкил этмокда.

Дастлабки маълумотлар асосидаги хисоб-китобларимизга кўра, бир фермер хўжалигида экилган соя майдонидан ўрта хисобда 1,92 млн. сўм ёки бир гектар майдондан ўртача 532,8 минг сўм даромад олинмокда.

Таҳлиллар республика вилоятлари бўйича бу кўрсаткич ўзгача хусусиятга эга эканлигидан далолат бермокда. Масалан, соя етиштираётган фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони Сирдарё вилоятида 28,6 га бўлса, Сурхондарёда – 21,7 га, Жиззахда – 15,5 гектарни ташкил этмокда. Бу кўрсаткич Қашкадарё вилояти бўйича – 1,8 га, Наманганда – 2,4 га, Қорақалпоғистон Республикасида – 3,6 гектар. Хос бўлмаган омилларни хисобламаганда, республикда фермер хўжаликларининг соя экин майдони бўйича фарқланиш коэффициенти индекси 7,9 дан 0,5 қадар ўзгармокда. Ер майдони ўлчамларининг ўзгариши хўжалик даромадининг шаклланишига, демак, ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этади.

Таҳлил ва хисоб-китобларимиз кўрсатишича, асосий майдонларда соя етиштираётган 1526 та ёки соя етиштираётган жами фермер хўжаликларининг 69 фоизида экин майдони ўлчами, республиканинг ўртача ер майдонидан кичикдир.

Шу билан бирга 9 та вилоятдаги феремер хўжаликларида соя ҳосилдорлиги республиканинг ўртача ҳосилдорлигидан паст бўлиб, вилоят фермер хўжаликлари ҳосилдорлиги бўйича коэффициент индикси 0,83-0,85 ни ташкил этмокда. Соя ҳосилдорлиги республика даражасига кўтариш биргина Қорақалпғистон Республикасида қўшимча равишда 162 ц соя етиштиришга, хар бир фермер хўжалиги 130-140 минг сўм даромад килишига имкон беради (14-жадвал).

Демак, мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлигини оширишга йўналтирилгна чора-тадбирлар белгилаганда фермер хўжаликларининг ер ўлчамларини йириклаштиришга эътибор қаратиш лозом. Шунингдек, мойли экин майдонилари ўлчамини оширишга интилаётган фермр хўжаликларини ташкилий-технлогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

14- жадвал. Ўзбекистон Республикаси вилоятларида асосий экин сифатида "Ўзпахтаёғ" АЖ ҳудудий ёғ-мой корхоналари билан контрактация шартномалари асосида соя етиштираётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичлари (2017 йилнинг дастлабки 9 ойи)

№	Ҳудудлар	Фермер хўжаликлари сони, дона	Экилган соя майдони, га	Ялпи хосил, ц	Бир фермер хўжалигига тўғри келади					
					Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи хосил, ц	Пул тушуми, минг. сўм		Бўнак пули, млн. сўм
								1 га майдонга	Жами	Жами	1 га ҳисобига
1	Қорақалпоғистон Республикаси	156	563	840	3,6	1,49	5,4	447,6	1611,4	3,17	0,88
	Вилоятлар										
2	Андижон	162	528	925	3,3	1,75	5,8	525,5	1734,3	3,41	1,03
3	Бухоро	72	355	584	4,9	1,65	8,1	493,5	2418,2	4,40	0,9
4	Жиззах	34	527	898	15,5	1,7	26,35	511,2	7923,4	13,00	0,84
5	Қашқадарё	594	1068	2056	1,8	1,93	3,47	577,5	1039,5	2,03	1,13
6	Навоий	63	344	637	5,5	1,85	10,17	555,5	3055,4	6,09	1,11
7	Наманган	505	1237	2263	2,4	1,83	4,39	548,8	1317,2	2,47	1,0
8	Самарқанд	265	624	1123	2,4	1,8	4,32	539,9	1295,8	2,33	0,97
9	Сирдарё	14	400	701	28,6	1,75	50,0	525,7	15036,5	25,03	0,9
10	Сурхондарё	17	369	608	21,7	1,65	35,8	494,3	10726,5	18,23	0,84
11	Тошкент	192	1038	2076	5,4	2	10,8	600	3240,0	6,24	1,16
12	Фарғона	132	526	791	4	1,5	6,0	451,1	1804,6	3,65	0,91
13	Хоразм	1	110	165	110	1,5	165	450,0	49500,0	106,00	0,96
14	Бошқалар	4	334	583	83,5	1,75	146,1	523,6	43724,8	83,75	1,0
	Республика бўйича	2211	8023	14250	3,6	1,78	6,4	532,8	1918,2	3,61	1,0

1.2 Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг услубий асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари

Республикамизда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, жумладан, инсон саломатлиги учун зарур ҳамда экологик тоза ҳисобланган ўсимлик мойига бўлган талаби ошиб, шунингдек, унинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганлиги мойли экинлар етиштириш билан боғлиқ масалаларни концептуал жиҳатан қайта кўриб чиқишни, мойли экинларни етиштириш, уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш, маҳсулотни истеъмолчиларга етказиш, соҳада фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби масалаларни мажмуали тадқиқ этган ҳолда соҳа самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни зарурият айлантирмоқда.

Мамлакатимизда ушбу соҳа смарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, мойли экинлар етиштириш тизимини такомиллаштиришнинг услубий асосларини концептуал жиҳатдан кўриб чиқиб, глобаллашув, модернизация ва инновацион ривожланиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир соҳа бўйича мақсад ва манзили аниқ кўрсатилган дастурлар асосида барқарор ривожланишни таъминлаш амалиёти кенг авж олаётганлиги бошқа соҳалар каби, мойли экинлар етиштириш тармоғи самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, охирги 10-15 йил мобайнида республикамиз аҳолисининг ўсимлик ёғига бўлган талаби ошишига қарамасдан, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча қисқариш тенденцияси намоён бўлмоқда. Бундай ҳол барча савдо тармокларида сотилаётган ўсимлик ёғи ҳажмининг кискаришига олиб келди. Шу билан бирга, 2010-2016 йиллар мобайнида озиқ-овқат мақсадларида ишлатиладиган барча турдаги мой ва ёғ маҳсулотлари импорти қиймати ҳажми 1,3 маротаба ошган[25].

Аҳоли истеъмоли учун талаб қилинадиган ёғ ишлаб чиқариш учун хом ашё ёки тайёр ёғнинг катта қисми хориждан валютага олиб келинмоқда. 2010-2016 йиллар мобайнида соя ва махсар ёғи сотиб олиш учун сарфланган валюта миқдори 1,4 маротабага якин ортиб, 2016 йилда 112,74 млн. АҚШ долл. ёки уларнинг республика озиқ-овқат маҳсулотлари импорти таркибидаги улуши 8,15 фоизни ташкил этди (2010 й. 9%). Шунингдек, шу йилларда кунгабокар уруглиги сотиб олиш озиқ-овқат маҳсулотлари импорти таркибида 0,16% дан

[25] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2,18% га кадар ортган, уни сотиб олиш учун ажратилган валюта эса 2,18%га кўпайиб, 2016 йилда 30,21 млн. АҚШ долл.ни ташкил этган.

Демак, республикамизда мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамият касб этиши билан бирга, соҳа экспорт потенциали таркибини диверсификациялаб, республика валюта захирасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу боис республикамизда охирги йилларда мойли экинлар – кунгабоқар, соя ва махсар, кунжут ва зигир етиштириш ва улардан мой олиш масалаларига эътибор йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 январдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар)ни етиштириш ва экспорт ҳажмларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича" дастурга мувофиқ ҳар бир фермер хўжалиги билан камида 5 гектардан кам бўлмаган майдонда мойли экинлар етиштириш бўйича шартномалар тузиш механизми жорий этилиб, ўша йилнинг биринчи чорагида "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги корхоналар билан 2648 та фермер хўжалиги ўртасида маҳсулот етиштириш борсида шартномалар тузилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2016 йилда шартнома асосида 107,5 минг га майдонга мойли экинлар экилиб, 100,5 минг тоннадан ортиқ ҳосил (кунгабоқар – 73,1 минг тонна, махсар – 25,2 минг тонна, соя – 2,25 минг тонна) етиштирилди. 2015–2016 йиллар мобайнида мойли экинлар майдони бир фоиздан кўпроқ, ялпи ҳосил эса 2,6 фоизга ошган. Шу даврда "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан мой ишлаб чиқариш 0,8 фоизга ошиб, 2016 йилда 25,4 минг тоннани (кунгабоқар – 20,29 минг тонна, махсар – 4,74 минг тонна, соя – 0,36 минг тонна) ташкил этди.

Республикамиз Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПП-2832-сонли қарори билан соя етиштиришни ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури қабул қилиниши ва унда 2021 йилга бориб, асосий экин сифатида 30,0 минг га, такрорий экин сифатида 10,0 га майдонда соя етиштириш режалаштирилганлиги, мамлакатимизда мойли экинлар етиштиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан ҳамда мойли экинларни етиштириш миллий даражадаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилганлигидан далолатдир.

Дарҳақиқат, юртимизда мойли экинлар майдонлари кенгайтирилиши ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар турлари кўпайиши импорт ўрнини босувчи товарлар ҳажмини ошириш, аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш имконини бермоқда.

Республикамизда мойли экинлар ҳам асосий, ҳам такрорий экин сифатида етиштирилиши ушбу соҳа самарадорлигини ҳисоблашда, тармоқда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда инобатга олиниши лозим.

Маълумки, кишилик жамияти тараққий этиб борган сари, одамлар ўзларини ўраб турган борлиқни, мавжудотни, унда содир бўлаётган турли жараёнларни нафақат ўз амалий хато ва ютуқлари билан, балки назарий жиҳатдан маълум бир ёндашув, услуб, услубият ва усулларга асосланган билимлар асосида англаб, идрок этиб борган. Назарияга асосланган ҳолда амалий таклиф ва тавсияларни шакллантириб, кечаётган жараёнлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга, уларни шу мақсадда қўллашга, тасарруф этиш ва ўзлаштиришга, ўзгартиришга эришганлар. Ушбу жараёнларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари, самара ва самарадорлигини аниқлаб, хулосалар чиқаришган, уларга асосланган ҳолда жараёнларни, жараёнлар кечаётган тизимни такомиллаштириш, ривожлантириш, барқарорлаштириш ҳамда модернизациялашга йўналтирилган қарорлар қабул қилиб, шу асосда тегишли чора-тадбирларни амалга оширишган.

Шу маънода услубият назарий ва амалий фаолият тузилиши ва уни ташкил этишнинг тамойиллари ва усуллари тизими, шунингдек, ушбу тизим тўғрисидаги таълим ҳисобланади.

Жаҳон хўжалик юритиш тизимида қишлоқ хўжалиги соҳаси алоҳида аҳамият касб этиб, соҳа тармоқлари самарадлрлигини ошириш, кўп жиҳатдан ушбу тармоқларда маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштиришнинг услубий асослари билан камарбаста масалаларни ҳал этишга боғлиқ бўлади. Фан ва техника тараққиёти авж олиши, илм-фан янгиликларини қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этиш кўламининг кенгайиб бориши, ишлаб чиқариш тизими услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигида ўзига хос тармоқ ҳисобланган мойли экинлар етиштириш тизимини такомиллаштиришнинг услубий асослари деганда, ушбу тармоқнинг ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий-меъёрий, хизмат кўрсатиш ва таъминот, бошқариш ва рағбатлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, уни ҳисобга олиш ва самарадорлигини ҳисоблаш билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олган тизим тушинилади.

"Самарадорлик" хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ҳар бир экин турини етиштириш ёки ишлаб чиқариш хусусиятларини (асосий ва қўшимча маҳсулот чиқишини, ундан фойдаланишни) ҳисобга олиш, харажатлар такибига аниқлик киритиб, ҳар бир харажат турини тўлиқ ва мос равишда таннарх таркибига киритиш самарадрликни тўғри ва тўлиқ ҳисоблашга имкон беради.

Мойли экинлар самарадорлиги хусусида фикр юритилганда уни икки йўналишда ҳисоблаш ва сўнгра хулоса қилиш мақсадга мувофиқ:

- мойли экнларни етиштириш йўналиши – фермер ва деҳқон хўжаликлари ёки бошқа тадбиркорлик субъектлари кўламида;

- мойли экинлар ҳосилини хом ашё сифатида қайта ишлаш (бирламчи ва иккиламчи қайта ишловчи) корхоналари кўламида.

Мойли экинлар етиштириш тизимида маҳсулотни қайта ишлаш жараёни бахо занжирининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Мойли экинлар самарадорлигини ҳисоблашда унинг иқтисодий, ижтимоий, технологик ва экологик самарадорлигини ҳам ҳисоблаш тармоқни

барқарор ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизими ва механизмини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ва экологик жиҳатдан самарадорлик юкори бўла туриб, иқтисодий ва технологик самарадорлиги нисбатдан паст бўлса, ушбу соҳани қўллаб-қувватлашнинг турли шакл, дастак ва механизмлари жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Ҳудуд ва минтақалар бўйича табақалаштирилган ҳамда камида 10 йилга мўлжалланган молиявий қўллаб-қувватлаш дастакларини шундай қўллаб-қувватлаш механизмлари жумласига киритиш мумкин.

Тадқиқотлар ва моногорафик кузатувларимиз, республикамиз ҳудуд ва минтақаларида мойли экинлар етиштириш ҳажмларини ва соҳа экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари мавжудлиги, улардан, демак, тармоқ салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигидан далолат бермоқда. Шундай имкониятлардан бири мойли экинларни лалми ерларда етиштириш кўлами ва микёсини кўпайтириш ҳисобланади.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни белгилашдан олдин, танлаб олинган хўжалик субъекти ёки тармоқда ушбу маҳсулот турини етиштириш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб этилади.

Бундай таҳлил ва баҳолаш иқтисодиёт фани назарияси ва таълимотида қабул қилинган иқтисодий кўрсаткичлар тизими ва самарадрлик мезонларига асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг умум қабул қилинган ёндашув ва услубиятидан фойдаланиш билан бир қаторда, етиштирилаётган экин ва унинг тури (махсар, соя, кунгабоқар) ва айниқса, ушбу экин турини етиштираётган хўжалик юритиш шаклининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ва унга таянган ҳолда самарадорликка баҳо бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Чунки, хўжалик юритиш шаклига қараб меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шакли ва тартиби, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва у билан боғлиқ ресурс ва хом ашё сарф-харажатлари, молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ундан фойдаланиш имкониятлари ҳамда даромадларнинг шаклланиши турли ўзига хос хусусият касб этадики, бу хўжаликда ушбу экин турини етиштириш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда ҳисобга олиниши зарур.

Фермер хўжалигида мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинганда "мойли экинлар етиштириш самарадорлиги" билан "мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлиги" каби кўрсаткичларни фарқлаш даркор.

Республикамиздаги аксарият аграр иқтисодчи олимлар[27] фикрига қўшилган ҳолда қайд этиш жоизки, "самара", бу жараён (айни дамда мойли экинлар етиштириш жараёни) оқибати ҳисобланиб, ўз маъно ва моҳияти жиҳатидан "иқтисодий самарадорлик" тушунчасидан бирмунча кенгдир.

[27] К.Чориев, А.Абдуғаниев, Ў.Умурзоков, А.Юсупов, А.Қалқаров, Н.Хушматов, О.Муртазаев ва бошқалар.

"Иқтисодий самарадорлик" (айни дамда мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадрлиги) тушунчаси эса, ушбу жараёнда (яъни, мойли экинлар етиштириш жараёнида) қилинган барча-сарф-харажатлар эвазига олинган натижа ҳисобланади.


Ушбу кўрсаткичнинг умумийлиги шундаки, уларнинг иккаласи ҳам иқтисодий категория ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўратасида вужудга келадиган муносабатларни акс эттиради.

Қуйида мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг амалий-услубий асосларига оид айрим қарашларга тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодий назария ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги, ишлаб чиқариш тизими ёки бошқарувнинг ўзига хос шакли сифатида самарадорлик тоифасини белгилайди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги бозор ишлаб чиқаришининг асосий тоифаларидан бири бўлиб, у умумий ижтимоий ишлаб чиқаришни ва хар бир корхонани якка тартибда ривожлантиришнинг асосий максадига эришиш билан бевосида боғликдир. "Самара" ва "самарадорлик" тушунчаларини фарклаш керак. Самара – мутлақ киймат, муайян фаолиятни амалга ошириш натижасидир. Самара ҳар хил қиймат ва табиий кўрсаткичлар билан тавсифланади, масалан, ишлаб чиқариш ҳажми, даромад, харажларни алоҳида манбалари бўйича тежаш. Самара ҳосилдорликнинг ошиши, таннархнинг камайишида ифодаланиши мумкин. У ресурс харажатлари қўшимча ўсишининг рентабеллигини баҳолаш имконини бермайди. Фаолиятни таҳлил қилиш иқтисодий самарадорликнинг нисбий кўрсаткичини яратишга имкон беради. Энг умумий шаклда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги – бу иккита миқдорнинг ўзаро нисбатини, хўжалик фаолияти натижаларини ва ишлаб чиқариш харажатларини ифодалайди. Фаолият натижаларида кўпинча иқтисодий самара тушунилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги – ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадларига эришиш даражаси билан тавсифловчи иқтисодий категорясидир.

Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг моҳияти харажатларнинг ҳар бир бирлигига мавжуд ресурсларни қўллаш жараёнида иқтисодий натижалар оширилишидан иборат. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга истеъмол қилинадиган манбаларни тежаш ва ресурслардан янада яхшироқ фойдаланиш орқали эришилади. Шубҳасиз, керакли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш йўллари ва воситаларини танлашда миллий иқтисодиёт ва якка тартибда ижтимоий меҳнатнинг энг кам сарф-харажатларидан ишлаб чиқариш, яъни ушбу харажатларнинг энг юқори иқтисодий самарадорлиги билан таъминланишини керак.

Бозор амалиётида иқтисодий самарадорликнинг турли шакллари мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёни ушбу тизимнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи томонидан тавсифланган технологик, иқтисодий,ижтимоий ва экологик қуйи тизимларидан иборат мураккаб тизимдир. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш-технологик, ишлаб чиқариш-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик-иқтисодий кўрсаткичлар тўрт турга ажратилади (10-расм).



10-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги турлари, даражалари ва кўрсаткичлари

Самарага эришиш билан боғлиқ барча харажатлар қуйидагилардан иборат:

- жорий – меҳнат тўлови, истеъмол қилинадиган материаллар, хам ашё ва бошқа моддий ресурсларнинг нархи, амортизация тўловлари, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва саноат маҳсулотлари умумий қийматига киритилган бошқа харажатлар;
- бир марталик – асосий ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уларнинг тузилмаларини такомиллаштиришга йўналтирилган харажатлар.

Харажатларнинг умумий ва киёсий самарадорлигини фарклаш зарур. Ҳар иккаласи ҳам нисбий катталик бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблашда қўлланилади. Улар иқтисодий афзалликларини бошқаларга нисбатан характерлайди.

Ишлаб чиқариш ва технологик самарадорлик ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради..

Ишлаб чиқариш ва технологик самарадорлик табиий ўлчаш бўйича кўрсаткичлар мажмуи билан тавсифланади. Бунда ишлаб чиқариш жараёнида ердан, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш даражасини акс эттириб, амалдаги маълумотларни стандарт даража билан таққослаш мумкин.


Шу боис, юқоридаги билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини маҳсулот етиштириш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ҳисобига олинган даромаддан келиб чиққан ҳолда баҳолаш максадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Илмий-амалий жиҳатдан ҳамда юқорида билдирилган фикрларга таяниб, мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг услубий асосларини қуйидаги ёндашув ва босқичларда ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳисоблаш таклиф этилади..

Мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг услубий асосларини ҳисоблашда қуйида келтирилган услубий ёндашув ва кетма-кетликдан (11-расм) ҳамда кўрсаткичлар тизимидан (15-жадвал) фойдаланиш мақсадга мувофик.

Бизнингча, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда иқтисодий самарадорликни келтириб чикарувчи омилларнинг ўзига хос ҳисобланган мойли экинлар етиштириш соҳасида даромад шаклланишининг бошқа соҳалардан қуйидагилар билан фаркланиши ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш керак:

- меҳнат натижасининг об-ҳаво шароити ва биологик жараён билан кучли боғликлиги;
- ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги;
- баҳолар номутаносиблиги;



11-расм. Мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг услубий асослари[28]

[28] Тадқиқот натижалари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

15-жадвал. Мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичлар	Аниқланишининг эмперик кўриниши	Мазмуни ва моҳияти
I. Натурал самарадорлик кўрсаткичлари тизими		
1.Фермер хўжалигида мойли экинлар етиштиришда банд бўлган ўртача бир ишчи ҳисобига етиштириштирилган маҳсулот ҳажми (ЕМҲ $_{бир\ ишчи}$), кг, ц,тонн/киши	ЕМҲ $б_{ир\ ишчи}$ = ЕЖМЭ/ МЭЕББИ	ЕЖМЭ – жами етиштирилган мойли экинлар хом ашёси миқдори/ц, тон; МЭЕББИ - мойли экинлар етиштиришда банд бўлган ўртача ишчилар сони, киши
2. Ҳосилдорлиги, ц/га	Ҳ = ЯҲ/ЭМ	Ҳ-ҳосилдорлик, ц/га; ЯҲ – ялпи ҳосил, ц.т.; -ЭМ - экин майдони,га
3.Биринчи навга топширилган маҳсулот улуши, %	ЯҲ $_{1\text{-нав}}$ = ($БНС_{1\text{-нав}}$/ЯҲ) х 100	ЖСТМ – жами сотилган товар маҳсулот, тон; $БНС_{1\text{-нав}}$ - биринчи навга сотилган товар маҳсулот, тон; ЯҲ $_{1\text{-нав}}$ биринчи навли маҳсулот улуши %.
4. Бир ц мойли экин хом ашёси етиштиришга кетган меҳнат сарфи, киши/куни	Монографик тадқиқотлар асосида ҳисоблаш мумкин	
5. Бир га мойли экин майдонидан олинган поя, сомон кг	Монографик тадқиқотлар асосида ҳисоблаш мумкин	
6.Бир га мойли экин майдонидан олинган поя, сомоннинг озиқа бирлиги кг	Монографик тадқиқотлар асосида ҳисоблаш мумкин	
II. Қиймат самарадорлик кўрсаткичлари тизими		
1.Мойли экин етиштиришда банд бўлган ўртача бир кишига тўғри келадиган товар маҳсулот қиймати, сўм,		
Мойли экин етиштиришда банд бўлган ўртача бир кишига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати, сўм,		
2. Бир га мойли экин майдонидан олинган поя, сомон қиймати, сўм/га		
3. Бир га экин майдонидан олинган поя, сомон озиқа бирлиги қиймати, сўм/га		
4. 1 ц маҳсулот таннархи, сўм/ц		
5. 1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, сўм/ц		
6. Рентабеллик даражаси,%		

- хўжалик раҳбари ёки ишчиси айни бир дамда ҳам пахтакор, ҳам чорвадор, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ходими бўлиши;

- мойли экинлар етиштириш бозори ва инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- мойли экинларни етиштирувчи аксарият фермер хўжаликлари ер майдонининг кичиклиги;

- мойли экинларни қабул қилувчи ва қайта ишловчи корхоналар таркоқ жойлашганлиги боис, етиштирилган маҳсулотни узоқ масофаларга етказиб бериш лозимлиги;

- мойли экинлар етказиб берилгандан сўнг иккиламчи маҳсулот – шрот, кунжарани олалмаслик;

- ҳосилдорликнинг пастлиги ва ҳосилни нобудгарчиликларсиз, тез ва тоза йиғиштириб олиш учун ихтисослашган техника воситалари тақчиллиги;

- мойли экинлар касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш ва чора-тадбирларни олиб борувчи махсус хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилмаганлиги;

- мойли экинлар етиштириш бўйича малакали мутахассислар етишмаслиги;

- меҳнат юкори даражада жадаллашганлиги, оғир қўл меҳнати салмоги камлиги ва бошқалар.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлиги услубий асослари хусусида фикр юритилганда мамлакатимизда амалиётда ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларни ҳисобга олишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдикланган "Маҳсулотлар (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" барча ҳисоб-китобларнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади ва ушбу Низом асосида иш юритилади.

Мойли экинлар етиштириш бўйича фермер хўжаликларининг даромад ва харажатларини ушбу тартиб асосида ҳисоблаб топиш тегишли маълумотлар чекланганлиги, мавжудларини олиш кийинлиги, айримлари ҳатто, йўқлиги сабабли амалий жиҳатдан ўта мушкул.

Шунингдек, мойли экининг у ёки бу турини етиштирувчи фермер хўжалиги нафақат мойли экин, балки, қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги фаолияти билан ҳам шуғулланиши мумкин. Шу боис улар даромадини ҳисоблашда ушбу фаолият туридан олинадиган даромад ва қилинадиган сарф-харажатларни ҳам юқорида келтирилган Низомдаги услубият асосида ҳисоблаб топиш мақсадга мувофик.

Мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларининг даромади ва харажатлари ҳақида услубиятга кўра, статистик маълумотлар, анкета сўровлари, фермернинг банкдаги ҳисоб рақами бўйича олиб борилган тушумлар (тўловлар), шунингдек, бошқа соҳаларга сарф-харажат, шу соҳалардан тушадиган тушумларни бир-бирига таққослаш ва чукур таҳлил қилиш оркалигина хулоса чиқариш мумкин.

Маълумки, бугунги кунда фермернинг даромади, маҳсулот сотишдан тушган тушум, қишлоқ хўжалиги билан боғлик бўлмаган соҳалардан тушумлар,

грантлар, дотация, компенсация, қарз олиш, давлат томонидан ҳар хил харажатларни қоплаш, қўшимча қиймат солиги ва бошқа турдаги тўловлардан озод қилиниш ҳисобига келадиган маблағлардан шаклланади. Агар фермер даромади ва харажатлари тизимига бугунги фермер фақат шартнома асосида давлат эҳтиёжларига маҳсулот етиштирувчи, деган тушунча билан ёндашилса, унинг даромад манбалари ва харажат турлари тўлиқ таҳлил қилинмайди.

Бизнингча, мойли экин етиштираётган фермер хўжалигининг даромади биргина етштираётган мойли экин ҳосилини сотишдан тушган тушум эмас, балки, маҳсулотни қайта ишлашдан, ички ва ташқи бозорда сотишдан, ўрилмай қолган ёки ўриб, экин майдонида қолдириб кетилаётган ва кейинчалик чорва моллари томонидан истеъмол қилинадиган қўшимча маҳсулот миқдори (қиймати, озука бириги ҳисобидаги қиммати), давлат томонидан берилаётган субсидиялар, имтиёзлардан ва ниҳоят, ноқишлоқ хўжалик фаолиятидан шаклланмоқда.

Бошқача сўз билан айтганда, бугунги фермер реал аграр бозор субъектининг фаол иштирокчиси сифатида фаолият юритмоқда. Чунки, мойли экин етиштирувчи фермер тузган шартномасига асосан етиштирган маҳсулотининг асосий қисмини олган мажбуриятлари ҳисобига топширса, қолган бир қисмини ўзида олиб қолиб, уни ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тасарруф этади. Яъни, ёки расмий-норасмий уюшган тадбиркорларга сотади ёки ўзи қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб, қўшилган қиймат занжирини давом эттирган ҳолда юқори даромадга эга бўлади. Иккала ҳолатда ҳам у, яъни мойли экин етиштирувчи фермер нафақат ўзига ва оила аъзоларига иш жойи яратиб қолмасдан, балки бошқалар учун ҳам иш жойи яратиш, уларни иш билан ва даромад билан таъминлаш, ижтимоий масалалар бўйича муаммолардан бир қисмини давлат зиммасидан ўз зиммасига олувчи субъект сифатида намоён бўлади.

Демак, хўжалик даромад ва харажатларини ҳисоблашда бу ҳолни инобатга олмоқ лозим. Фермер қишлоқ хўжалигига янги технология олиб келувчи, етиштирилаётган маҳсулотига қўшимча қиймат яратувчи, фан ва техника янгиликларини амалиётга жорий қилувчи, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ва қишлоқ ижтимоий ҳолатини яхшилашда бевосита қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг малакасини оширишда иштирок этувчи субъект сифатида ҳам намоён бўлади.

Унинг ижтимоий йўналишдаги сарф-харажатлари кенгайтирган такрор ишлаб чиқариш ҳажмига, даромади шаклланиши ва харажатлари таркибига бевосита таъсир кўрсатади. Агар фермер ўзи етиштирган мойли экин ҳосилини ўзига тегишли бўлган саноат корхонаси ёки саноатлашган цехда қайта ишлашни ташкил этса, ўзи ва бошқаларни ҳом ашё билан таъминлаш билан бир қаторда, саноат маҳсулотларини сотиб олувчи/сотувчи ҳамда солик тўлаш билан давлат бюджетига ҳисса қўшишда ҳам фаол иштирок этувчи субъект ҳисобланади. Шундай экан, фермер даромадининг шаклланиши кўп омиллар билан боғлик ва бу жараёнга кенг микёсда ёндашиш лозим. Аксинча, унинг харажатлар тизимида биргина маҳсулот таннархи, солик ва бошқа тўловларгина эмас, бир қатор бошқа харажатлар ҳам мавжуд.

Фермер даромадини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$Ф_д = М_{и.т.} + М_{и.т.к.м} + М_{к.т.} + С_и + Г_р + Г_т + Д + М_д + С_д + И + И_т + Д_ф \quad (1)$$

Бу ерда: $Ф_д$ – фермер даромади;

$М_{и.т}$ – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан тушум;

$М_{и.т.к.м}$ – етиштирилган/ишлаб чиқилган асосий турдаги маҳсулотлан олинган қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган тушум;

$М_{к.т}$ – маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишдан тушум;

$С_и$ – солиқ ва тўловлардаги имтиёзлар;

$Г_р$ – грантлар;

$Г_т$ – ҳомийлик ёрдамлари;

$М_д$ – фермер мулкидан келадиган даромад;

$С_д$ – давлат томонидан бериладиган субсидиялар;

$Д_т$ – дотация ва субсидиялар;

И – инвестиция (чет эл ва ички) тушумлари;

$И_т$ – фермер оила аъзоларининг нофермерлик иш жойларидан оладиган иш ҳақи ва даромад;

Дф – фан ва техника янгиликлари амалиётга жорий этганлиги (синовдан ўтказганлиги) учун келадиган даромад;

Фермернинг харажатларини эса қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$Ф_т = М_т + М_{к.т.} + С_т + К_ф + Х_{кел} + О_т + Б_{об} + Б_{кур} + Б_{хай} + Б_т \quad (2)$$

Бу ерда: $Ф_т$ – фермер харажати;

$М_т$ – маҳсулот етиштириш учун харажат (маҳсулот таннархи);

$М_{к.т}$ – маҳсулотни қайта ишлаш харажатлари;

$С_т$ – солиқ ва бошқа тўловлар;

$К_ф$ – кредит фоизи;

$Х_{кел}$ – келгуси йил ҳосили учун кузги дала ишлари харажатлари;

$О_т$ – фермернинг оилавий харажатлари;

$Б_{об}$ – фермернинг ободончилик харажатлари;

$Б_{кур}$ – фермернинг уй-жой ва ишлаб чиқариш ишлари учун харажатлари;

$Б_{хай}$ – фермернинг хайрия мақсадларига сарфлаган харажатлари;

$Б_т$ – кўзда тутилмаган бошқа харажатлар (ободончилик, қурилиш, хайрия ёрдами ва ҳоказо);

Даромад ва харажат механизмига бундай ёндашиш "соф даромад" тушунчасига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритишни тақозо этади. Соф даромад фермернинг келгуси йил харажатларига йўлланиши ёки банкка қўйиб, фоизини олиши мумкин бўлган маблағи бўлиши керак. Иқтисодиёт қонунида маълумки, агар корхона келгуси йили ҳосили харажатларининг камида 40 фоизини ўз

маблағи билан таъминламас экан, бундай корхонанинг самарали фаолият кўрсатиши қийин.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида фермерларга олдин харажатларини ҳисоб-китоб қилиб, сўнгра етиштирадиган маҳсулот турлари, уларни сотиш баҳолари ва кутилаётган тушум миқдорини ҳисоблаши, экинлар таркибини ўзгартириш ёки маҳсулотни қайта ишлаш ҳисобига қўшимча қиймат яратиб, даромадларини оширишга шарт-шароитларни янада кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда уни қуйидаги кўламларда баҳолаш ва сўнгра хулоса ҳамда таклифларни шаллантириш мақсадга мувофиқ:

- **миллий иқтисодиёт миқёсда**, яъни макроиқтисодий кўламда – бу мойли экинлар етиштириш ва самарадорлигининг миллий иқтисодиёт, шу жумладан, аграр соҳадаги иқтисодий-ижтимоий ўрни ва аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолашни билдиради;
- **мезо, ҳудудлараро миқёсда**, яъни ҳудудлар иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашни билдиради;
- **тармоқ миқёсида**, яъни ҳам қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам мойли экинлар уруғини қайта ишлаш ҳисобига мойли экинлар соҳаси манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;
- **хўжалик юритиш субъекти миқёсида**, яъни фермер ва деҳқон хўжалиги, МЧЖ ёки бошқа мулкчиликнинг бир шаклига асосланган хўжалик ёки корхона манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;
- **экологик ҳолат** ва табиий био-хилма-хилликни сақлаш ва муҳофаза қилиш тамойиллари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳолаш;
- **технологик самарадорлик** нуқтаи назаридан баҳолаш.

Мойли экинлар асосан фермер хўжаликларида ҳамда МЧЖ типидаги ёғ-мой саноати тизимидаги корхоналар тасарруфидаги ер майдонларида, шунингдек, "Ўзпахтаёғ" АЖ буюртмаси ҳамда моддий ва молиявий кўмаги асосида етиштирилиши, унинг тасарруфидаги қайта ишловчи корхоналар томонидан маҳсулот етиштирувчилар ЁММ, уруғлик ва минерал ўғит билан таъминланиши, имтиёзли молиявий маблағлар билан молиялаштирилиши боис, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини юқорида кўрсатиб ўтилган кўламлар асосида ҳисоблаб топиладиган интеграл кўрсаткич воситасида баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ҳисолаймиз.

Мойли экинлар етиштириш натижаларига иқтисодий баҳо беришда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини тавсифловчи қуйидаги кўрстакичлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- ялпи маҳсулот қиймати;
- товар маҳсулоти қиймати;
- ишлаб чиқариш харажатлари;
- маҳсулот таннархи;
- сотиш баҳоси;
- меҳнат унумдорлиги (бир киши куни/кг, ц,тон, вақт бирлиги/кг, ц,тон);
- ялпи даромад;

- асосий маҳсулотдан ташқари иккиламчи маҳсулотдан олинадиган даромад (фойда), масалан, маҳсар сомони, пичанини сотиш (ёки ундан фойдаланган ҳолда қўшимча қиймат яратиш)

- фойда;

- бир сўмлик харажат ҳисобига олинган маҳсулот миқдори;

- рентабеллик даражаси.

Амалиёт кўрсатишича фермер хўжалигида мойли экинлар етиштириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу кўрсаткичларнинг барчасини ҳисоблаш топиш учун кўп вақт талаб қилганлиги, статистик маълумотлар тўлик бўлмаслиги ҳамда уларни олиш мушкуллиги боис, бир мунча оғир. Чунки, аксарият фермер хўжаликлари қайта ишлаш корхоналари билан тузилган контрактация шартномаси асосида маҳсулот етказиб бериб бўлингандан сўнг, колган қисмини хусусий тақдиркорлик субъектларига ёки хусусий кичик ҳажмли қайта ишлаш корхоналарига сотадики, бу жараён аксарият ҳолларда ҳеч қаерда акс эттирилмайди. Натижада хўжаликда мойли экин етиштириш самараси ва иқтисодий самарадорлигини тўлик баҳолаш имкони бўлмайди.

Бундай баҳолашни фақат монографик тадқиқотлар, мониторинг ва анкета сўровномалари асосида амалга ошириш имкони мавжуд.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда инобатга олиниши лозим бўлган иккинчи бир жиҳат шундаки, республикамизнинг аксарият туманларида мойли экинлардан маҳсар комбайнларда ўриб олинганда, унинг сомони йиғиштирилмай, экин майдонига колдирилади. Республикамизнинг айрим жанубий вилоятларида эса, аксинча, улар ўриш жараёнида ғарамланиб, чорва молларига тўйимли озука сифатида берилади.

Мутахассислар маълумотига караганда, маҳсар ўсимлигидан поя (сомони) чиқиши 1:2 нисбатни ташкил этади. "Класс" русумидаги комбайинларда маҳсар ўриб олинганда ҳосил нобудгарчилиги 35 фоизни ташкил этади. Россияда ишлаб чиқарилган комбайнларнинг ўрим пайтидаги йўқотишлар бирмунча паст. Шунингдек, 100 кг маҳсар пичанида 15 кг озука бирлиги мавжудлиги мутахассислар томонидан тасдиқланган[29].

Демак, маҳсар ҳосилдорлиги гектаридан 3,0 ц бўлганда, бир гектарда 6 ц поя, бошқача сўз билан айтганда, 0,9 ц озука бирлиги тўпланади. Қиймат жиҳатидан, 1 га маҳсар майдонидан, турли йўқотиш ва нобудгарчиликларни инобтга оладиган бўлсак, ўртача 300-350 кг поя-сомон чиқади. Ўрта ҳисобда маҳсар поянинг бир трактор "тележка"си – 250-300 минг сўм туради. Шу боис, бу жараёнда мойли экинлар, жумладан, маҳсар етиштириш иқтисодий самарадорлигини хўжалик ва ҳудудлар кўламида аниқлаш услубиятида қўллашни таклиф этамиз.

Ушбу таклиф ва фикр қуйидаги мисоллар билан асосланади: ҳосилдорлиги 3,0 бўлган 1 га маҳсар майдонида ўртача 0,9 ц озука бирлиги колади. Об-ҳаво инжиклиги, шамол ва бошка омиллар таъсирида 15 фоиз маҳсар сомони йўқотилишини инобатга оладиган бўлсак, 1 га маҳсар майдонида 0,77 ц (0,9 ц х 0,85) озука бирлиги колади. Ушбу майдондаги озука бирлиги оғирлиги 30 кг келадиган ёш кўзиларнинг 0,33 фоизлик (77 кг : 236 кг/йил/бош) йиллик озука сарфи меъёрини ташкил этади. Бошқача сўз билан айтганда, 1 га маҳсар майдонидаги 77 кг озука бирлиги ҳисобига ўртача 13-15 кг кўй гўшти етиштириш мумкин. Бозор баҳоларида оладиган бўлсак, 1 га маҳсар майдони қўшимча равишда 260,0-300,0 (13 кг х 20,0 минг сум/кг; 15 кг х 20,0 минг сум/кг) маҳсулот яратиб, даромад келтирмоқда.

Шунингдек, 2017 йилда бир кг маҳсар донини сотиб олиш нархи ўртача 2,0 минг сўм килиб белгиланганлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳосилдорлиги 3,0 ц бўлган майдондан жами 900,0 минг сўм ((300 кг х 2000 сўм)+300,0 минг сўм) даромад қилинади.

Бизнингча, айнан ушбу ҳолат услубий жиҳатдан мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашда инобатга олиниши, шунингдек, якуний самарадорликни ҳисоблаш ва баҳолаш услубиятига жорий этилиши лоим, деб ҳисоблаймиз.

Амалиётда бундай ҳисоб-китобларни юритиш бирмунча мушкул бўлса-да, хўжалик ва ҳудуд кўламида бундай ҳисоботларни амалга оширган ҳолда тармоқ самарадорлигини моногарфик тадқиқотлар асосида ҳисоблаш, улар асосида хулосалар қилиш ва тармоқнинг ривожланиш истикболлари хусусида карорлар кабул қилишда асос қилиб олиш максадга мувофик.

Фермер хўжаликларида мойли экинлар етиштириш самарадорлигига баҳо беришда асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи сифатида натурал ва қиймат кўринишидаги: ялпи маҳсулот миқдори, товар маҳсулот миқдлри, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотнинг доварлилик даражаси, қўшимча маҳсулот киймати, каби кўрсаткичлардан фойдаланиш максадга мувофик.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари

Натурал кўрсаткичлар: ялпи ҳосил; ҳосилдорлик (катор йиллар давомида); банд бўлган ўртача бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот миқдори ва унинг катор йиллар давомида ўзгариш тенденцияси; бир бирлик маҳсулот етиштириш учун сарфланган меҳнат (киши-куни ёки киши-соат) миқдори ва унинг катор йиллар давомида ўзгариш тенденцияси; олий навга мансум маҳсулот миқдори (ялпи ҳосилга нисбатан улуши, %) ва унинг йиллар давомида ўзгариши; маҳсулотнинг товарлилик даражаси (% да) ва унинг катор йиллар давомида ўзгариши; мойли экиннинг мой чиқиш даражаси (% ҳисобида) ва унинг катор йиллар давомида ўзгариши; бир га мойли экин майдонидан олинган поя, сомон (кг), бир га мойли экин майдонидан олинган поя, сомондаги озука бирлиги (кг озука бирлиги) ва бошкалар.

Қиймат кўрсаткичлар: бир гектар майдонондан олинган маҳсулот киймати ва унинг катор йиллар давомида ўзгариши (жорий баҳоларда, таккослама баҳоларда); бир бирлик маҳсулот етиштириш учун кеган-сарф харажатлар ва уларнинг катор йиллар давомида ўзгариш тенденцияси; экин майдони ҳисобига олинган ялпи фойда миқдори ва унинг йиллар давомида ўзгариш тенденцияси; экин майдони ҳисобига олинган соф тушум миқдори ва унинг йиллар давомида ўзгариш тенденцияси; бир га мойли экин майдонидан

[29] Раббимов А., Мухимов Т ва бошкалар. Латимкор ерларда маҳсар - Carthamus tinctorius L. Ўсимлигини етиштиришга оид тавсиялар. – Самарканд, – 2011. – 8 б.

олинган поя, сомон қиймати (сўм/га); бир га экин майдонидан олинган поя, сомон озика бирлиги қиймати (сўм/га); махсулот етиштиришнинг рентабеллик даражаси ва унинг катор йиллар давомида ўзгариш тенденцияси ва бошқалар.

Мойли экинлар етиштириш самарадорлиги баҳоланаётганда фақат натурал кўрсаткичлар билан чекланиб қолиш, ушбу экин турини етиштириш самарадорлигиҳақида тасаввур тўлик бермаслиги мумкин. Чунки, якин вақтларгача мойли экинларнинг асосий тури махсар асосан лалми ерларда экилиб келинган, хосил хажми эса кўп жиҳатдан ёғингарчилик миқдорига боғлик бўлган. Об-ҳаво қулай келиб, ёғингарчилик миқдори ўртача кўп йиллик меъёрлардан ортик вақтларда махсар хосилдлорлиги 7-10 ц/га бўлган бўлса, охирги йилларда бу кўрсаткич ўртача 3-5 ц/га ни ташкил этмоқда.

Шу боис бундай шароитларда мойли экинлар самарадорлигини қиймат кўрсаткичларидан хам фойдаланиб баҳолаш тўғри хулосалар чикаришга, асосланган карорлар қабул қилишга имкон беради. Тармоқ истиқболини белгилашда қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш заруратга айланган ҳамда иқтисодий самарадорликни акс эттирувчи кўрсаткичларнинг динамик каторларини шакллантириш таққослама баҳолардан ёки амалиётда ўлчов бирлиги сифатида қабул қилингна пул бирлигидан фойдаланиш максадга мувофик.

Юкорида билдирилган фикрларга мувофик фермер хўжаликларида мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини аниклашнинг таклиф этилган услубияти асосида махсар етиштириш иқтисодий самарадорлигини хисоблаймиз (16-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган "Ўзлик" фермер хўжалигида махсар етиштириш иқтисодий самарадорлиги ўзгача намоён бўлмоқда. Агарда хўжаликда хисобот йилида амалдаги услубий ёндашув асосида ҳисоблаганда 1 га махсар майдонидан олинган ялпи фойда 337,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, таклиф этилаётган услубият бўйича эса, бу кўрсаткич 667,0 минг сўмга етган ёки 2 маротабага якин ошган, шунга мос равишда махсар рентабеллиги 253,6 фоизни ташкил этди.

Бу фермер хўжалигига ва умуман, хўжаликка кандай манфаат ёки фойда келтириши мумкин:

- биринчидан, хўжалик махсарни йиғиштириб олгандан сўнг туман ёки маҳалладошлари чорва молларини экиндан бўшаган майдонида ўтлатишига монелик қилмас эди. Аммо, ушбу майдонда ўзининг чорва молини ўтлатса, чорва молини озиклантириш учун сарфланадиган харажатни тежашга эришади;
- иккинчидан, ушбу майдонда чорва молларини 2 - 3 соат ўтлатиш тупрокка органик ўғит киришига, пировард натижада лалми ерлар унумдрлигини оширишга шароит яратилади;
- учинчидан, мулкдор ва тадбиркор мойли экин майдонларидан оладиган даромадининг юкрилиги уни ушбу майдонга яна инвестициялар киритишга, хосилдорликни оширишга имкон берувчи ресурстежамкор агротехнологиялар ва техника русумларидан кўпрок фойдаланишга ундайди ва илхомлантиради.

16-жадвал. Зомин тумани "Ширин" ҚФЙ, "Ширин" СИУ, Кудукча кишлоғидаги "Ўзлик" фермер хўжалигида махсар етиштириш иқтисодий самарадорлиги, 2017 й. бир га хисобига[30]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Амалдаги услубият бўйича	Таклиф этилаётган услубий ёндашув бўйича
1	**Махсар майдони**	га	1	1
2	**Ўртача хосилдорлик**	ц/га	4,0	4,0
3	**Ялпи хосил**	ц	4,0	4,0
4	**1-навли махсар, %**	%	80,0	80,0
5	**2-навли махсар, %**	%	20,0	20,0
6	**ҲАММА ХАРАЖАТЛАР**	минг сўм	263,0	263,0
7	1 кг махсар етиштириш таннархи	сўм	657,5	657,5
8	1 кг махсарни сотишнинг ўртача баҳоси	сўм	1500,0	1500,0
9	1 га махсар майдонига қилинган сарф-харажатлар	минг сўм	263,0	263,0
10	1 га махсар майдонидан олинган сомон/пичан (даромад усули бўйича)	кг	-	400-450
		минг сўм	-	500,0-600,0
11	1 га махсар майдонидан олинган сомон/пичан озика бирлиги (даромад усули бўйича)	кг	-	120
		минг сўм		340,0-400,0
12	1 га махсар майдонидан пул тушуми	минг сўм	600,0	600,0
13	1 га махсар майдонидан ялпи фойда	минг сўм	337,0	667,0 (337,0+340,0)
14	1 кг махсардан олинган фойда	сўм	842,5	1667,5
15	Махсар етиштириш рентабеллик даражаси	%	128,14	253,6

Айнан шундай услубий ёндашувни соя етиштириш самарадорлигини аниклашда хам қўллаш мумкин. Бунда соя ўсимлиги хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўрсаткичлар тизимини шакллантириш соя етиштириш иқтисодий самарадорлигини тўғри аниклашга хизмат килади (17-жадвал).

Тадкикот доирасида Андижон вилояти Асака тумани Г.Ёкубов СИУ ҳудудидаги "Asaka oil plant seeds" илмий йўналишдаги фермер хўжалигида 2015 - 2017 йилларда соя етиштириш бўйича харажатлар таркиби ўрганилди (17-жадвал).

[30] Тадкикот натижалари асосида муаллифлар хисоб-китоби.

17-жадвал. Андижон вилояти Асака тумани Г.Ёкубов СИУ ҳудудидаги "Asaka oil plant seeds" ИЙУ фермер хўжалигида 2015-2017 йилларда соя етиштириш бўйича харажатлар таркиби тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т

Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	2015 й.		2016 й.		2017 й.	
		миқдори	сумаси	миқдори	сумаси	миқдори	сумаси
Экин майдони	гектар	3	-	3	-	3	-
Ҳосилдорлик	ц/га	15	45	17	51	22	66
Ялпи ҳосил	тонна	4,5		5,1	-	6,6	
Харажат турлари:							
1.Меҳнат ҳақи қўшимчаси билан	минг.сўм	-	368	-	414	-	529
2.Минерал ўғитлар, жами	минг.сўм		112		129,0		149,4
ш.ж.: - азот (соф ҳолда) миқдори	кг	50	1000	50	1200	50	1400
- сумаси	минг.сўм		50		60		70
- фосфор (соф ҳолда) миқдори	кг	29,4	2100	29,4	2350	29,4	2700
- сумаси	минг.сўм		61,7		69		79,4
3.Кимёвий ва биологик ҳимоя	минг.сўм	3	215	3	245	3	270
4.Ўруғлик: - миқдори	кг	50	3700	50	4200	50	5000
- сумаси	минг.сўм		185		210		250
5.ЁММ: - миқдори	кг	114	2550	114	2770	114	3174
- сумаси	минг.сўм		290		316		362
6.МТП хизматлари	минг.сўм		375		475		630
7. Солиқ, жами	минг.сўм		180		250		300
10.Умумхўжалик ва умумишлаб чиқариш харажатлари	минг.сўм		175		195		253
Жами харажатлар	минг.сўм		1900		2234		2726
Жами пул даромад	минг.сўм		3000		4080		6600
Фойда, зарар (+/-)	минг.сўм		2100		1846		3874
1 тонна маҳсулот етиштириш таннархи	минг.сўм		1266		1314		1239
1 тонналик ўртача сотиш баҳоси	минг.сўм		2000		2400		3000
Рентабеллик даражаси	%		58,0		82,7		142,1

Эслатма: 2017 йилда: Бир кг: азот 1400 сўм, бир кг. фосфор 2700 сўм. бир кг. уруғлик 5000 сўм, бир кг. дорилги 3600 сўм бўлган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ўрганилаётган хўжалик узоқ йиллар мобайнида соя уруғчилиги билан шуғулланиб келмоқда. Хўжаликда соя уруғи етиштириш илмий асосда, замонавий агротехнология ва инновацион ишланмалар жорий этилганлиги боис, ҳосилдорлик 2015 - 2017 йиллар мобайнида 1,4 мартадан кўпроқ ошиб, 2015 йилдаги 15,0 ц/га га нисбатан 2017 йилда 22,0 ц/га ни ташкил этди. Натижада, таҳлил қилаётган йиллар мобайнида етиштирилган соя танархи 2,1 фоиздан кўпроққа пасайиб, 1 тоннаси 2017 йилда 1239,0 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси шу йиллар мобайнида 2,4 мартадан кўпроққа ошиб, 2015 йилдаги 58,0% ўрнига 2017 йилда 142,1% ни ташкил қилди.

Мойли экинлар етиштириш тизими иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда фақат мойли экинлар етиштириш жараёни таҳлили билан чекланмасдан, маҳсулотни қабул қилиб олиб, қайта ишловчи корхоналари фаолиятини ҳам таҳлил этиш тармоқ самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлашга имкон беради (18-жадвал).

18-жадвал. "ПАХТАКОР СИФАТ ЁҒ" МЧЖ ҚКда кунгабоқарни кайта ишлаш харажатлари таркиби, жамига нисбатан % да, 2017 й.

№	Харажатлар турлари	%
1.	Уруғ нархи	84,3
2.	Амортизация ажратмалари	1,9
3.	Иш ҳақи ажратмалари билан	4,7
4.	Ягона ижтимоий тўлов	0,7
5.	Бошқа харажатлар	0,1
6.	Асосий воситарни таъмирлаш	0,6
7.	Электр энергия	2,3
8.	Моддий харажатлар (мато, экстра бензин), жами	1,4
	- мато	0,1
	- экстра бензин	1,3
9.	Таъмирлаш	0,1
10.	Газ	2,4
	Жами харажатлар	100

Шунингдек, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини хисоблашда мойли экинлар уруғ ва дуккакларидан ёғ олиш жараёни ва ушбу жараён самарадорлигини ҳам ўрганиш умуман, мойли экинлар етиштиришда муҳим аҳамият касб этади.

1.3.Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар.

1.Мойли экинларни етиштириш "Ўзпахтаёғ" АЖ таркибидаги ёғ-мой корхоналарининг фермер хўжаликлари билан тузган шартномалари асосида ташкил этилмоқда.

Жиззах вилояти Бахмал ва Ғаллаорол туманларида ўтказилган монографик тадқиқотлар кўрсатишича, шартономалар етиштирилаётган мойли экин турига ва шартнома предметига мувофиқ турли ҳудудларда турли мазмун ва шаклларда тузилмоқда.

Айрим ҳудудларда махсар етиштириш бўйича шартномаларда шартнома тарзида предмет деб "... тайёрловчи топширилган маҳсулотни қайта ишлаш хизмат ҳақини ушаб қолган ҳолда қайта ишлаб, қайтариб беради (давальческий)", деб қайд этилган.

Бизнингча, "давальческий" тоифасидаги шартнмалар амалиётда уч шаклда қўлланиб келинади: "иш-пул(ҳақ)" – кўрсатилган хизмат ёки ишга пул шаклида ҳақ тўланади; , "иш-маҳсулот - кўрсатилган хизмат ёки ишга маҳсулот шаклида ҳақ тўланади; "иш-хом ашё" - кўрсатилган хизмат ёки ишга товар маҳсулот шаклида ҳақ тўланади.[31]

2. Маъно моҳияти жиҳатидан олганда фермер хўжалиги ушбу шартномага мувофиқ, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашга топширади. Унда у қонунда белгиланган тартибдаги солиқ шаклини қўллаган ҳолда соликларни тўлайди. Қайта ишлаш корхонаси (ёғ-мой корхонаси) соддалаштирилган солиқ тизими шаклида фаолият юритади. Қайта ишлаш корхонасининг монопол мавқеи хом ашёни қайта ишлаш хизмат ҳақини энг юқори қилиб кўрсатиб, юқори даромад ва фойда олишга имкон беради. Шундай қилиб, фермер хўжалиги маҳсулот етиштиришда қўшилган қиймат яратилиш занжирида энг кўп харажат қилади, тўлов ва соликлардан сўнг энг кам даромад ва фойда олади. Қайта ишлаш корхонаси эса, монопол ҳолат, соҳада рақобат йўқлиги ҳамда бошқа солиқ енгилликлари (соддалаштириган солиқ тизими ва бошқалар)ни қўллаган ҳолда қўшилган қиймат яратилиш занжирида энг кўп фойдага эга бўлади.

Шу боис фермер хўжаликлри учун мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларидан бири фермер хўжалиги билан ёғ-мой саноати тасарруфидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида иқтисодий муносабатларни ва айниқса "...Маҳсулотни қайта ишлаш хизмат ҳаки ушаб қолган ҳолда маҳслотни қайта ишлаб қайтариб ..." бериш борасидаги шартномаларга аниқлик киритишни таклиф этамиз.

Бунда юқорида қайд этилган "давальческий" шартномаларнинг қайси бир шаклидан фойдаланилаётганлиги тузилаётган шартномаларда аниқ кўрсатилиши лозим ва бу ҳолат шартнома шартлари ҳамда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида ўз аксини топиши даркор.

[31] https://biznes-prost.ru/davalcheskij-dogovor-podryada.html

3. Фермер хўжаликларининг мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларидан бири хом ашё етказиб берувчи билан уни қайта ишловчи корхона ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришдир. Бунда мойли экинлар етказиб бериш бўйича шартномаларда фермерлар ҳуқуқ ва манфаатларига аниқлик ва ойдинлик киритиш муҳим ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, махсар етиштириш бўйича тузилган шартномаларнинг II."Тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" бўлимининг 2.1 - Хўжлик ҳуқуқлари қисмидаги а) бандида "Тайёрловчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги Давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш" ҳамда ушбу бўлимнинг 2.2 - Хўжаликнинг мажбуриятлари қисмидаги а) бандида "Тайёрловчига .... кечиктирмай шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда сифатли маҳсулот топшириш" деб кўрсатилган. Аммо, ушбу шартноманинг бирон бир бандида етказиб бериладиган маҳсулот (айни дамда махсар)нинг ассортименти ва сифати тўғрисида аниқ бир ҳолат қайд этилмаган.

Шу билан бирга, шартноманинг ушбу бўлими 2.3 - Тайёрловчинигг ҳуқуқлари қисмидаги а) бандида "Маҳсулотнинг шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, ҳажмлар ва ассортиментда ҳамда томонлар келишган жадвалга мувофиқ ўз вақтида топширилишини талаб қилиш", деб кўрсатилган, холос.

Ушбу шартномага мувофиқ, тайёрловчи, қабул қилувчи, қайта ишловчи корхона, хўжаликни амалдаги Давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлаш мажбуриятини олмайди.

Бизнингча, хўжалик томонидан топшириладиган маҳсулот сифати нисбатан тайёрлов ташкилотининг ҳам масъуллигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулот сифати учун манффатдорлигини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш мақсадида, шартноманинг тайёрловчи мажбуриятлари қисми "Тайёрловчи хўжаликнинг шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги Давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлайди", деб алоҳида бир банд киритиш мақсадга мувофик.

4. Шартноманинг II бўлим 2.3 - қисмининг а) бандида кўрсатилган ҳолатлар "Хўжалик" ҳуқуқ ва манфаатлари акс эттирилган бўлимдаги ҳолатлар ва шартларга икки жиҳатдан мос келмайд.

Биринчидан, "Тайёрловчи" маҳсулотни шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, ҳажмлар ва ассортиментда талаб қилиш ҳуқуқига эга. Аммо, "Хўжалик" мажбуриятларида (2.2 - қисмнинг а) банди) ҳечқандай "ҳажм" сўзи йўқ. У қандай, қанақа ҳажм, нимада ўлчанади ва ҳоказо ҳолатлар. маҳсулот етказиб берувчи билан кабул қилувчи, қайта ишловчи корхона ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккиҳичидан, шартноманинг "Хўжалик" мажбуриятлари бўлимида маҳсулотни топшириш кўрсатиб ўтилган. Аммо, ҳуқуқий нуқтаи назардан "Маҳсулотни топшириш" ва "Маҳсулотни етказиб бериш" ҳуқуқий жиҳатдан икки турли йўналишдаги тушунча бўлиб, уларни турлича талқин қилиш

мумкин. Шунингдек, шартноманинг ГУ бўлими 4.6 бандидаги ҳолатлар ҳам аниқлик киритишни талаб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, етказиб бериладиган уруғлик, унинг сифати ва сифат кўрсаткичлари, уруғликни ким қандай ҳолатда, қаердан олади, ким етказаиб беради, маҳсулотнинг сифат белгилари ва таркибий жиҳатдан кўрсаткичлари каби омиллар ҳам шартномада аниқ ва тушунарли акс эттирилса, томонларнинг ҳамкорлик борасидаги самарадорлиги янада ошган бўлар эди.

Шу жиҳатдан шартномада ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш ҳар иккала томон учун ҳам мойли экинлар етиштириш ва қайта ишлаш иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

5. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш услубий асосларини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири мойли экинлар хом ашёсини етказиб бериш шартномалари ва умуман, мойли экинлар етиштиришда қўшилган қиймат занжири шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи омил мойли экинлар етиштиришнинг **"Давлат стандартлари ва бошқа норматив-меъёрий ҳужжатлар билан" боғлиқ ҳолатдир.** У нафақат мойли экинлар, хусусан, махсар балки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ ҳолат ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамиз аграр соҳасида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, етказиб бериш ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ бўлган ва янгидан ишлаб чиқилиши, такомиллаштирилиши, модернизацияланиши ҳамда шароитларимизга мослаштирилиши лозим бўлган 200 га якин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ва стандартлар мавжуд.

Шундай меъёрий ҳужжат ва стандартларнинг мойли экинлар етиштириш тизимида, хусусан, кунгабоқар (ГОСТ 22391-89, ГОСТ 22391-89, ГОСТ 22391-89), соя (ГОСТ17109-88) ҳамда махсар етиштиришда қўлланиладиганлари ҳам мавжуд. Аммо улар 1976 - 1989 йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, шу кунга қадар қайта ишлаб чиқилмаган, ўзгартирилмаган ва туб ўзгаришлар кечаётган ҳозирги шароитда мослаштирилмаган.

Демак, республикамизда мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлигини оширишнинг усулий асосларини такомиллаштириш учун мойли экинлар етиштириш билан боғлиқ Давлат стандартлари ва бошқа норматив-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, янгиларини асослаш ва ишлаб чиқиш, мавжудларига ўзгартиришлар киритиш ёки мослаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бу вазифани "Ўзпахтаёғ" АЖ, республика қишлоқ ва сув хўжалиги тизими доирасида манфаатдор ташкилт ва муассасалар ҳамкрлигида амалга ошириш мумкин. Бизнингча, бу тадбирларнинг тармоқ ва аграр соҳа кўламидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда икки йўл билан:

- "Ўзпахтаёғ" АЖ ҳамда бошқа манфаатдор ташкилот ва муассасалар буюртмаси асосида;

- Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот интситутининг минтақавий "Меъёрлаш-тадқиқот" бўлимлари оркари инновацион лойиҳалар асосида амалга ошириш мақсадга мувофик.

6. Республикамизда мойли экинлар етиштириш соҳасидаги каби туб ўзгаришлар жараёни соя ва соя дуккаклари етиштириш соҳасида ҳам кечмокда.

Республикамизда соя етиштиришни янада ривожлантиришда Республика Президентининг 2017 йил 14 мартади ПҚ-2832-сонли қарорига асосан 2017 йилда "Ўзпахтаёғ" АЖ томонидан 2211 фермер хўжалиги билан такрорий экин сифатида экилган "соя дуккакларини етказиб бериш ... , етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш" бўйича "Соя дуккакларини етказиб бериш бўйича контракция шартномаси" тузилган. Шартномаларда соя етиштириладиган майдон 8023 гектарни ташкил этилгани кўрсатилган. Дастлабки маълумотларга мувофик 14,25 минг тонна соя дуккаклари йиғиштириб олинган. Шартнома тузган фермер хўжаликлари соя экини ер майдони республика бўйича ўртача 3,6 гектарни ташкил этган. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон ва Фарғона вилоятларида ўртача 3,3 -3,6 вп 4,0 гектарни, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида 4,9-5.3 ва 5,4 гектарни, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида 15,5-21,7 ва 28,8 гектарни ташкил қилган.

Ўрта ҳисобда ҳар бир фермер хўжалигига 3,85 млн. сўмлик бўнак маблаги берилган.

Мойли экинлар, хусусан, махсар етиштириб бериш шартномасидан фаркли ўлароқ, соя етиштириш бўйича шартнома "контракция шартномаси" макомини олган.

Тахлиллар кўрсатишича, "Соя дуккакларини етказиб бериш бўйича контракция шартномаси"да махсар етказиб бериш бўйича тузилган шартномалардан фаркли ўлароқ, маҳсулот етиштириб берувчи ва уни кабул килувчи томонлар ҳукук ва манффатлари бирмунча кенгроқ қайд этилган. Аммо, унда уруғлик соя ва унинг сифати ҳамда Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулот борасидаги ҳолатларни аниқлаштириш ва ойдинлаштириш мақсадга мувофик.

II БОБ. МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШ

Аҳоли сони ошган сари, уларнинг турли хил озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам ортаверади. Аҳоли сонининг ошиши ва истеъмол таркибининг диверсификациялашуви жараёнига мос ва қонуний равишда озиқ-овқат маҳсулотларининг тур ва хиллари ҳам ўзгариб боради[32]. Чунки инсон оранизми фаолият кўрсатиши учун ёғ, оқсил ва углеводлар энг муҳим элементлар ҳисобланади. Бир гр ёғ 9,5 килокаллория иссиқлик ишлаб чиқариши мумкин, бу оқсил ва углеводларга ишлаб чиқарадиган иссиқликка нисбатан 2 марта кўпдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида мойли экинлардан олинадиган ёғ ўз таркиби ва тиббий хислатларига кўра, инсон организми учун энг зарур ва эҳтиёж юқори ёғ ҳисобланади. Шундай мойли экинларлдан бири соядир. Бугунги кунда соя ошиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, очлик муаммосини ҳал қилиши билан бирга, ер шарида ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик барқарорликни сақлаш ва таъминлашдек, масъул вазфани бажариб келмоқда[33].

Шу боис, аксарият давлатларда мойли экинлар, хусусан, соя етиштиришни тартибга солишга йўналтирилган турли ташкилий-иқтисоодий ва ижтимоий-сиёсий тадбирлар амалга оширилмоқда. Соя ва пальма ёғи жаҳон ёғ бозорида узоқ даврлардан буён етакчи мавқени эгаллаб келмоқда[34].

Бугунги кунда АҚШ, Бразилия ва Аргентина соя етиштирувчи асосий давлатлар ҳисобланади. Биргина АҚШ ҳиссасига дунёда етиштирилаётган соянинг 33,85% тўғри келмоқда. 2015 йилда АҚШда 108,354 млн. тонна ёки 2014 йилдагига нисбатан 1,38% кўп соя етиштирилди. Шундан 46,675 млн. тоннаси экспорт қилинди. Бу жаҳон экспорт ҳажмининг 50% га яқинини ташкил этади. АҚШда етиштирилаётган соянинг асосий қисмини Хитой, Мексика ва Япония каби давлатлар харид килмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2015 йилда соя Бразилияда 100,0 млн. тонна ёки 2014 йилдагига нисбатан 4% кўп етиштирилган бўлган бўлса, Аргентинада 57,0 млн. тонна ёки 2014 йилдагидан нисбатан 7,16% кам етиштирилди. Шунингдек, 2015 йилда Хитой – 11,5 млн. тонна, Ҳиндистон – 8.0, Парагвай – 8.8, Канада – 6.2 ва Украина 3.8 млн. тонна соя етиштирган.

Бразилия, Аргентина, АҚШ, Канада, Жанубий ва Шимолий Америка қитъасидаги айрим мамлакатлар дунёдаги соя етиштирувчи асосий давлатлар


[32] Rudel TK, Schneider L, Uriarte M, II BLT, DeFries R, et al. (2009) Agricultural intensification and changes in cultivated areas, 1970–2005. Proceedings of the National Academy of Sciences 106: 20675–20680. DOI: 10.1073/pnas.0812540106 [PMC free article] [PubMed]

[33] Mattsson B., Blix L., Cederberg C. Agricultural land use in life cycle assessment (LCA): case studies of three vegetable oil crops // JOURNAL OF CLEANER PRODUCTION. № 4. 2000. p. 283-292 DOI 10.1016/S0959-6526(00)00027-5

[34] Andrianasolo F.N., Casadebaig P., Maury P., Debaeke P., Mara F., Champolivier L. Prediction of sunflower grain oil concentration as a function of variety, crop management and environment using statistical models // EUROPEAN JOURNAL OF AGRONOMY. 2014. p. 84-96. DOI: 10.1016/j.eja.2013.12.002

ҳисобланса, Малайзия ва Индонезия пальма ёғи ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлардан саналади. Соя, рапс, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан, хусусан, ёнғоқ, гуруч, кунжут, маккажўхори, шунингдек, дарахт симон мойли экинлар камела ва бошқа мойли экинлардан ёғ олишда Хитой етакчиик қилмоқда.

Умуман олганда, жаҳон миқёсида ҳар йили ўрта ҳисобда 320,0 млн. тонна соя етиштирилмоқда (2014 й. – 3019,0 млн. тонна, 2015 й. 320,1 млн. тонна) (12-расм).



12-расм. Дунё мамлакатлари бўйича соя етиштириладиган майдон, соя ва соя донларига бўлган талаб ва ишлаб чиқариши

Жаҳон бозорига етказиб бериладиган соянинг 95% генетик жиҳатдан ўзгариши мумкин бўлган маҳсулотдир. Унинг асосий етказиб берувчилари АҚШ (50%) Жанубий Америка (50%). Табиий соя (жаҳон истеъмолининг 5%) фақат Испания, Ҳиндистон, Болгария, Францияда етиштирилади.


Америка Қўшма Штатлари мойли экинлар етиштириш борасида жаҳонда ўзининг устунлик мавқеини бирмунча пасайтирган бўлса-да, бугунги

кунда у соя етиштириш ва экспорт қилиш бўйича йирик давлатлардан бири ҳисобланади[35].

2010–2012 йилларда биоэтанолга бўлган талабни қондириш мақсадида АҚШда фермерларни маккажўхори етиштиришга йўналтириш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида соя ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги бирмунча пасайиши кузатилди. Агар 2006 йилда биодизел саноатини ривожлантириш учун рапс, соя ва кунгабоқардан фойдаланилган бўлса, 2007–2010 йиллардан бошлаб пальма мойидан фойдаланишга устуворлик берилди. Бу эса, ўз навбатида, дунё соя бозори конъюнктурасининг бир мунча ўзгаришига олиб келди.

АҚШда соя ўсимлиги асосан унинг Ўрта Ғарбида жойлашган штатларида, айниқса, Айова, Иллинойс, Миннесота, Индиана ва Небраска каби штатларида етиштирилади (13, 14-расмлар).

АҚШда Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илм-фан ва технологиялар Кенгаши ташкил этилган. Бу Кенгаш, ўз навбатида, мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқлари йўналишида ташкил этилган турли Кенгашлар билан ҳамкорликда тармоқлар барқарор ривожланишини таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда.




13-расм. Америка Қўшма Штатларида соя етиштириш динамикаси, 2006–2016 йй.

Шундай Кенгашлардан бири Соя ишлаб чиқариш бўйича Кенгаш ҳисобланиб, у мамлакат миқёсида соя етиштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга кўмаклашиб келмоқда. Ушбу Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- соя етиштирувчилар манфаатларини ҳимоя этиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганган ҳолда уни қондиришга йўналтирилган ишларни олиб бориш;

[35] Corn and Soybean Production Costs and Export Competitiveness in Argentina, Brazil, and the United States, EIB-154 Economic Research Service/USDA. www.ers.usda.gov/publications/eib-economic-information-bulletin/eib-154

- соя етиштиришда ҳосилдорлик ва унумдорликни оширишни таъминловчи инновацион ва илғор ҳамда экологик жиҳатдан самарали ҳисобланган технологияларни амалиётга жорий этишга кўмаклашиш;
- аҳолини экологик тоза ва саломатлиги учун хавфсиз ҳамда организми учун фойдали ҳисобланган маҳсулот билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ва бу соҳада банд бўлган инсонларнинг иқтисодий-ижтимоий фаровонлигини оширишга кўмаклашиш;
- соя ишлаб чиқарувчилар манфаатларини корпоратив ёндашув асосида ҳимоя қилиш ва фаолиятларини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;
- соя ўсимлигида учрайдиган турли хил касаллик ва зараркунандаларга қарши курашни ташкил этиш;
- соя етиштирувчиларни ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктура тўғрисидаги маълумот ва ахборотлар билан таъминлашга кўмаклашиш;
- соя етиштириш соҳасини модернизация қилиш йўналишларини белгилаш ва соя етиштирувчилар муаммо ва талабларини ҳукуматга етказиш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш (ёки бундай ҳужжатни ишлаб чиқишнинг ташаббускори бўлиш) ва бошқалар.



14-расм. Америка Қўшма Штатларида соя экспорти ва уни қайта ишлаш динамикаси, 2006-2016 йй.

Тарихан соя АҚШда икки асрдан кўпроқ давр мобайнида етиштириб келинмоқда. Соя дастлаб чорва моллари учун озуқа, ем сифатида етиштириладиган ўсимлик ҳисобланган. Унга унчалик катта харажатлар талаб қилинмаган. Йиллар ўтиши билан, соя донли эканлар даражасигача ривожланиб бориб, ҳайвонлар рационидаги асосий оқсил ҳамда инсонлар учун ўсимлик мойи манбаига айланди. Бугунги кунда соя АҚШнинг 31 та штатида, мамлакат суғориладиган ерларининг 22 фоизи ёки 78 млн. акрда етиштирилмоқда.

АҚШда соя етиштириладиган ҳудудлар ўз иқлим шароитига кўра, 3 ҳудудга бўлинган. Ҳар бир ҳудудда унинг хусусиятларига мос келадиган ва соя етиштиришни барқарр ривожлантиришга йўналтирилган ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилган, шароитлар яратилган.

Тахлиллар кўрсатишича, АҚШда 1970–2010 йиллар мобайнида соя етиштириш ҳам интенсив, ҳам экстенсив омиллар натижасида ривожланган. Ҳудудларда соя асосан икки марта, ёғингарчилик паст бўлган ҳудудларда эса ҳосилдорлиги унчалик юқори бўлмай, асосан бир марта экилган.

Соя етиштиришдан ҳукумат ва етиштирувчилар манфаатдорлиги ва қизиқишнинг моҳияти ва аҳамияти ўсимлигининг биологик хусусиятидадир.

Соя етиштиршнинг атроф-муҳит ҳамда жамиятдаги ижтимоий-иқтсодий ва экологик самрадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- соя экилган майдонларда тупроқнинг эрозияга учраш жараёнини пасайтиради;
- соя етиштириладиган майдонларнинг 65%да тупроққа ишлов берилмасдан "No-Til" тизими қўлланилмоқда (охирги 30 йил мобайнида бундай усулда етиштириладиган соя майдони 35%га кўпайган). Бунинг натижасида:
- тупроқнинг эрозияга учраши 93 фоизга пиçайиши таъминланади;
- шамол эрозиясининг 31 фоизга пасайиши таъминланади;
- пистицидлар билан ифлосланадиган ва зарарланадиган ариклар миқдори 70 фоизга камаяди;
- сув юзасининг фосфор билан ифлосланиши 80 фоизга пасаяди;
- фойдаланилаётган ЁММлар 50 фоизга камаяди;
- бугланишдан тупроқ сатҳининг йиллик йўқотишини 5,9 дюмга пасайиши таъминланади;
- ерга ишлов бериш ва ҳайдаш жараёнлари сони ва майдонни айланиб чиқиш зарурати камайиши натижасида моторлашган агротехника томонидан CO_2 чиқариши ва ишлатиладиган ЁММ миқдори камайиши таъминланади. Атмосферага CO_2 чиқариш ҳажмининг камайиши тупроқни ҳайдамаслан қайта ишлашдан фойдаланиш ҳисобидан 2008 йилдан йилига 125750 та автомобилни олиб ташлаш таъсири билан тенгдир. Тупроққа ишлов берилмаган жойларда 17 йилдан сўнг тупроқ қуртлари сони анъанавий қайта ишлашдагига нисбатан 3,5 дан 6,3 баробарга ошган. Бугунги кунда АҚШда бошқа мойли экинлар қатори[36] (махсар, пахта) соя етиштиришнинг барқарор ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этмоқда:
- соя етиштириш асосан тупроққа тўғридан-тўғри ишлов бермасдан "No-Til" тизими асосида ташкил этилган;
- бозор талабидан келиб чиққан ҳолда соянинг органик тизим (экологик тоза) асосида етиштирилган махсулотига бўлган талаб ортиб бормоқда;
- соя ўсимлигининг юқори ҳосилли навларини яратишда биотехнологияларни қўллаш соя етиштириш соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади;
- мамлакатда соя етиштириш усули ва бу жараённи бошқаришнинг мақбуллаштириган усуллари жорий этилганлиги ва бошқалар.

[36] Bassil E.S., Kaffka S.R., Hutmacher R.A. Response of safflower (Carthamus Tinctorius L.) to residual soil n following cotton (Gossypium SPP.) in rotation in the San Joaquin valley of California // THE JOURNAL OF AGRICULTURAL SCIENCE. № 4. 2002. p. 395-402 DOI: 10.1017/S0021859602002204

Қўшма Штатларда соя етиштириш кўлами кенгайиши кўп ҳолларда асосан турли штатларда тупроқ-иқлим шароитларига мослашган ва яшашга ва касалликларга чидамли бўлган, юқори ҳосилдор навлар селекцияси ва иклимлаштириш муваффақиятлари билан боғлик.

Бу худудда 130 дан ортиқ юқори ҳосилдор навлар етиштирилиб, пишиб етишиш даражасига кўра, 10 гуруҳда таснифланади. Биринчи олтита гуруҳга шимолий Хитой районларидан келтирилган намуналардан олинган эрта, ўрта ва ўрта-кечпишар навлар тегишли. Улар АҚШнинг шимолий қисмида етиштириш учун мослаштирилган. Бошқа тўртта гуруҳга узун кун шароитида жанубий штатларда етиштириладиган тез пишишига кўра, ҳар хил пишар навлар гуруҳлари киради. Ҳар бир штатда соя экинларини етиштиришда нафақат тупроқ-иклим, балки об-ҳаво шароитларига мос мақбул тизим ишлаб чикилган. Ушбу тизимда тупраққа пухта ишлов бериш; экинларни оптимал жойлаштириш; юқори сифатли уруғлардан фойдаланиш; деҳкончиликни кимёлаштириш, штатнинг энг яхши навларидан фойдаланишга катта эътибор каратилган. АҚШ тажрибаси шуни кўрсатдики, тупокнинг сув ва шамол эрозиси кучайиб бораётганлиги сабабли, тупроққа плуглар билан анъанавий ишлов бериш самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Юкорида кайд этганимиздек, мойли экинлар – махсар, соя ва бошқа экинлар ўтмишдош экинлар – пахта ҳосилдорлигини оширишни таъминлайди[37].

Тупрақга минимал ишлов беришда ерга ишлов беришлар сони камаяди ёки улар бирлаштирилади, механик ишлов бериш қисман кимёвий билан алмаштирилади, бунда чизель плуглашдан фойдаланилади ёки хатто дисклаш ва культивациялаш билан чегараланилади.

Соя экиш учун тупроққа нолли ишлов бериш уни механик аралаштиришсиз ёки тор йўлакларни тайёрлаш билан амалга оширилади. Уруғлар сомонга аралаштирилади, ёриқ, арикчалар ёки ишлов беришсиз экилади (тўғридан-тўғри экиш). Бегона ўтлар асосан гербицидлар ёрдамида йўк килинади.

Тупроққа минимал ва "нол" ишлов беришни жорий этиш нафақат АҚШ жанубида, балки унинг шимолидаги маккажўхори етиштириладиган минтақаларида ҳам экинларни турли комбинациялаш ёрдамида улардан йилига икки ва уч марта ҳосил олиш имконини беради. Ўсимлик вегитация даврининг мавсумлар бўйича давомийлигига караб соя навлари тор ва кенг каторларда экиладиган экинларни ўсиши ва тупроқ унумдорлигининг сифат кўрсаткичларига таъсир этиши мумкин. АҚШда тўпланган ой тажриба шундан далолат бермокдаки, қатор оралиғини қискартириш, одатда, барча районларда экин майдонларида соя ҳосилдорлигини оширишга олиб келган, эртапишар навларнинг ҳосилдорлиги ортган. Иллинойс штатининг марказий худудида ўтказилган тадқиқотларда, суғориш шароитида эртапишар навлар ҳосилдорлиги 30-40 фоизгача ўсиб, 50 ва 75 сантиметр оралиғида экилганларга

[37] Bassil E.S., Kaffka S.R., Hutmacher R.A. Response of safflower (Carthamus Tinctorius L.) to residual soil n following cotton (Gossypium SPP.) in rotation in the San Joaquin valley of California // THE JOURNAL OF AGRICULTURAL SCIENCE. № 4. 2002. p. 395-402 DOI: 10.1017/S0021859602002204

нисбатан 17 см оралиғида экилган 9 хил навнинг ўртача ҳосилдорлиги 10-12 % га ортган.

Тор қаторларда экилган сояни ўстиришда асосий муаммо бегона ўтлар билан курашиш ҳисобланади. Кенг қаторлаб экилган, культивация ва бегона ўтларни йўқотиш учун бир марта гербицид билан ишлов берилган соя ҳосилдорлиги тор қаторда экилганларига нисбатан 8% ортган. Муҳим шартлардан бири ўсимликнинг зичлиги ҳисобланади. АҚШда 1 кв.мга 20-40 дона уруғ экиш тавсия этилади. Бунда ўсимлик 30,5 сантиметрдан 2 қаторга 17 см қатор оралиғида ва 9 ўсимлик 75 см дан жойлаштирилади. Ҳосил кўпинча экин мавсумига боғлиқ. Огайо штати университети тадқиқотлари кўрсатганидек, соя экинларини экиш бир ойга кечикиши ҳосилдорликни 50% камайтиради. Ўртача кўп йиллик маълумотларга кўра, 10 майдан кейин экиш кечиктирилган ҳар бир куни 0,2 ц/га доннинг йўқолишига олиб келади.

Соянинг суғориш тартибини белгилашда мавсумий сув истеъмоли ҳисобга олиниши керак. Канзас штати университети тадқиқотларига кўра, соя экинларигамавсумда 533-610 мм намлик сарфланади. Уларнинг 75% экинларни униб чиқа бошлаган 8-ҳафтадан бошлаб 60 кун давомийлик даврига тўғри келади.

Ўрим-йиғимда комбайнлардан фойдаланиш 10 фоиз ҳосилнинг йўқотишига сабаб бўлади. Ўришни такомиллаштириш учун кесиш аппарати панжаларидаги бармоқлар кенглигини камайтириш, айланиш тезлигини ошириш, кесиш баландлигини пасайтириш йўли билан кесиш аппарати сузувчанлигидан фойдаланиш юқори самара бериши АҚШ амалиётида ўз тасдиғини топмоқда. Иллинойс штати тажриба станциясида дон ўрувчи комбайн пневматик тизим билан такомиллаштирилгач, йиғим-терим вақтида ҳосил нобудгарчилиги 3 фоизга камайган.

Таъкидлаш жоизки, 1990 йиллар охири ва XX аср бошларида соя етиштириш АҚШда бирмунча пасайди, Жанубий Америка давлатларида, айниқса, Бразилияда мойли экинлар, хусусан, соя етиштириш жадаллашиб борди.

Бразилияда соя етиштиришнинг юқори суръатларда ўсиши ер майдонлари асосан текисликлардан иборат бўлган Серрадо каби ҳудудларда бу турдаги экин майдонларининг экстенсив тарзда ривожланиши билан изоҳланади. Мамлакатнинг соя етиштириладиган йирик штатлари қаторига Мато Гроссо[38], Пара ва Рио-Гранде дель Суль каби штатларни киритиш мумкин[39].

Бразилияда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга йўналтирилган снёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар, мойли экинлар, шу жумладан, соя етиштиришни янада ривожлантиришга омил бўлиб хизмат қилди. Бундай иқтисодий ислоҳотлар сирасига фермер хўжаликлари экспорт салоҳиятини ошириш, фермерларни соя уруғи ва соя шроти ишлаб

[38] VanWey LK, Spera S, Sa Rd, Mahr D, Mustard JF (2013) Socioeconomic development and agricultural intensification in Mato Grosso. Philosophical Transactions of the Royal Society of London Series B20120168 DOI: 10.1098/rstb.2012.0168 [PMC free article] [PubMed]

[39] IBGE (2014) Produção Agrícola Municipal (Municipal Agricultural Production) 1990–2010. São Paulo: Instituto Brasileiro de Geografia e Estatística [Brazilian Institute of Geography and Statistics] DOI: 10.1016/S0176-1617(85)80065-1.

чиқариш ва экспорт қилишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида соя уруғи ва шроти экспорти бож тўловлари даражасини табақалаштиришга йўналтирилган иқтисодий механизмни киритиш мумкин. Соя маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш борасидаги ушбу иқтисодий механизм соя уруғини қайта ишлайдиган саноат корхоналари монопол мавқеини пасайтирган ҳолда, соҳада рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилди. Пировард натижада соя етиштирувчи якка ва кичик ҳажмли фермер хўжаликлари кучли рақобат шароитида фаолият кўрсатиш, рақобатбардош бўлиш учун ишлаб чиқариш соҳасига инновацион ғоя, илғор техника ва технология, ресурстежамкор агротехнологияларни, касалликларга чидамли ва ҳосилдорлиги юқори соя навларидан фойдаланишга инвестицияларни жалб эта бошладилар.

Бу эса, фермер ва хусусий тадбиркрлар манфаатдорлигини оширишга, уларнинг даромадлари кўтарилишига хизмат қилди. Демак, республикамизда хам мойли экинлар, жумладан, соя, авволамбор бор, уруғлик соя етиштиришни янада рағбатлантириш мақсадида нафақат мамлакатимиз ҳудуд ва минтақалари бўйича, балки туманлар ичида ҳам табақалашган сотиб олиш нархларини, шунингдек, минтақавий табақалашган иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлаш механизм ва дастакларини жорий этиш мақсадга мувофик.

Бразилияда соя етиштиришни ташкил этишни рағбатлантириш борасидаги муҳим жиҳатлардан бири мамлакат бўйича ёг-мой саноати тизимидаги қайта ишлаш корхоналарини кенг кўламда модернизация ва реконструкция қилиш хамда қайта жиҳозлашга инвестицияларни жалб этиш, бу жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ жараёнлар бўлди. Буларнинг барчаси Бразилиянинг соя етиштирувчи ва экспорт қилувчи етакчи давлатлар қаторидан жой олишни таъминлади.

Жанубий Америка қитъаси давлатларида соя етиштиришни қўллаб-қувватлаш борасида давлат дастурлари ва фермерларга кўмаклашиш чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида, қитъа мамлакатларида соя етиштириш юқори суръатлар билан ошиб борди.

Аргентинада соя етиштиришнинг ўсиш суратлари ўтган аср бошларида 18 фоизни ташкил этган эди, бунда қишлоқ хўжалиги йилларидаги пасайишни инобатга олмасак, ҳозирга қадар соя етиштириш кўлами ва даражаси бирмунча юқори. Шу боис Аргентина дунё микёсида соя етиштирувчи йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади, жаҳонда етиштирилаётган соянинг 19 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатда соя етиштиришда кузатилаётган юқори ўсиш суръатлари асосан соя мойи ва шроти экспорти бўйича бож тўловлари миқдорининг бошқа дукакали экинлар мойи ва шротига ўрнатилган даражага нисбатан пастлиги билан изоҳланади. Шу боис Аргентинада етиштирилаётган соянинг 70 фоизи мамлакат ичарисида қайта ишланиб, сўнгра экспорт қилинади.

АҚШ, Бразилия ва Аргентинадан кейин соя етиштирувчи ва экспорт қилувчи йирик давлатлардан бири Хитой ҳисобланади. XXI аср бошларидан то ҳозирга қадар **Хитой соя уруғини қайта ишлаш ва уни экспорт қилишда** етакчи ўринлардан бирини эгаллаши билан бир қаторда, сояни импорт қилувчи

асосий мамлакатлардан биридир. Мамлакат ҳар йили ўрта ҳисобда 40,0 млн. тонна соя ва соя донларини импорт қилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2004 йилдан кейин мамлакат миқёсида мойли экинларни қайта ишлаш корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш, технологик жиҳатдан модернизация қилиш борасида инвестицион узоқ муддатга мўлжалланган давлат дастури ва давлатнинг қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлари натижасида Хитойда мойли экинлар, хусусан, соя ёғи ишлаб чиқарувчи турли қувватдаги корхоналар сони кескин ошди. Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда ташкилий жиҳатдан бундай корхоналарнинг йириклашуви кузатилмоқда.

Бугунги кунда фақат 100 дан ортқ қайта ишлаш корхоналарининг ўзи 14,0 млн. тонна мой ишлаб чиқариш қувватига эга. Хитойда бир кунда 3000 тонна мойли экинлар ёғи ишлаб чиқарилади.

Мойли экинлар етиштириш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш соҳадаги бундай сифат ўзгаришларнинг асосий омиллари қуйидагилардир:

- мойли экинлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш давлат дастурининг амалга оширилиши;

- мойли экинларни қайта ишлаш корхоналарини жаҳон стандартлари даражасидаги техника ва технологик ускуналар билан модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашни молиялаштиришга йўналтирилган давлат дастурининг амалга оширилиш.

Бугунги кунда (2016 й.) Хитой давлатининг озиқ-овқат учун зарур бўлган ёғга бўлган йиллик талаби 34,265 млн. тоннани, бир йилда киши бошига истеъмол қилинаётган ёғ эса 24,8 кг ни, ёки 2015 йилдагига нисбатан 0,7 кг кўпрокни ташкил этмоқда[40].

Таъкидлаш жоизки, бир йилда киши бошига истеъмол қилинган ёғ: Ақшда – 34 кг, Малайзияда 32 кг, ЕИ давлатларида 29 кг ва Аргентинада 27 кг ни ташкил этмоқда.

Хитойда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари таркиби диверсификацияланиши натижасида мойли экинлар, хусусан, соя етиштириш ҳажми бирмунча ошганлиги боис, донини қайта ишлайдиган саноат корхоналари юкори суръатларда ўса бошлади. Дарҳақиқат, Хитойда 2016 йилда 13,1 млн.тонна ёки 2015 йилдаги нисбатан 11,2% кўп соя етиштирилган.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатда фаолия кўрсатаётган мойли экинларни қайта ишлайдиган корхоналардан 34,9 фоизни кунига тонна ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга (мавжуд қувватлардан фойдаланиш 78-80%).

Тадқиқотлар кўрсатишича, Хитойда мойли экинлар майдони, шу жумладан, соя экини майдонлари йил сайин ошиб боришига мойли экинлар етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизмининг, хусусан, солиқ ва моддий-техник таъминот йўналишлардаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сабаб бўлди.

[40] Hunan Agricultural Group Co., Ltd. China Aid Training Programs Sponsored by Ministry of Commerce of People's Republic of China, 2017. http://www.exchangecenter99.com

2016 йилда Хитой мойли экинларга бўлган ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида 89,529 млн. тонна мойли экинлар (2015 й. – 87,57 млн. тонна), жумладан, 2015 йилда 83,91 млн. тонна соя, 3,566 млн. тонна рапс ва 932,0 минг тонна кунжутни импорт қилган.

Шу билан бирга, мамлакатда соя истеъмоли сезиларли даражада ошди, соя етиштирувчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш эса Хитой изолятларининг сотиш нархлари сезиларли даражада камайишига олиб келди.

Хитойда соя оқсиллари сифатини яхшилаш ва бу жабҳани кенгайтириш ҳозирги тенденциялари ва ишлаб чиқариш арзонлиги ҳисобга олинса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бозорда Хитой ишлаб чиқарувчилари билан ракобатлашиши қийин.

Европа Иттифоқи мамлакатларида соя экиладиган майдонлар дунёда соя етиштириладиган экин майдонларининг 1,5 фоизини ташкил қилди. Бу жаҳонда етиштирилаётган соя ҳосилини 1 фоизини беради.

Кунгабоқар

Россия, Украина ва Аргентина бу дунёдаги асосий кунгабоқар етиштирувчилар ва бу турдаги маҳсулотни қайта ишловчилар, шунингдек, уни жаҳон бозорига асосий етказиб берувчилар ҳисобланади.

Мазкур ўсимлик мойининг улуши жаҳондаги мой истеъмолининг 8 фоизини ва жаҳон ўсимлик мойлари озиқ-овқат истеъмолидан 10 фоизни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, охирги 20 йил мобайнида дунё миқёсида кунгабоқар етиштириш 20 фоизга ошган бўлса, кунгабоқар мойини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш 25 фоизга ошди.

Аргентина,Украина ва Россия жаҳон бозорига кунгабоқар ва унинг қайта ишланган маҳсулотларини асосий ишлаб чиқарувчилари ва етказиб берувчилари ҳисобланади. Уларнинг жаҳон бўйича кунгабоқар етиштиришдаги улуши 53 фоизни, кунгабоқар уруғи экспорт бўйича ҳиссаси эса 41 фоизни ташкил этади.

Мойли экинлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш

АҚШда 1996 йилда қабул қилинган Қишлоқ хўжалигига онд қонунда бошқа экинлар қатори мойли экинлар етиштирувчилар "қайтарилмайдиган кредитлар"ни олишлари назарда тутилган. Бу йўналишдаги дастурлар ижроси 1933 йилда ташкил этилган давлат товар кредит корпорацияси (ТКК) оркали таъминланмоқда.

"Қайтарилмайдиган кредитлар" дастурининг моҳияти шундаки, у нокулай бозор вазиятларида фермерга етиштирган маҳсулотларини сотмасдан туриб зарур тўловларни амалга ошириш имконини беради (19-жадвал).

19-жадвал. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида тўловлар миқдори, 2010-2012 йй. /АҚШ долл. хисобига

Товар	Йиллар				
	2002–2003	2004–2007	2008	2009	2010–2012
Соя, бушель	5,00	5,00	5,00	5,00	5,00
Бошқа мойлилилар, фунт	0,096	0,093	9,30	9,30	10,09
Америка пахтаси, фунт	0,52	0,52	0,52	0,52	0,52
Пахта (ELS), фунт	0,7977	0,7977	0,7977	0,7977	0,7977
Ер ёнғоқ, тонн	355,0	355,0	355,0	355,0	355,0

Фермер маҳсулот етиштиришини молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилар ҳисобланади:

Тўғридан-тўғри тўловлар: қуйидаги маҳсулотларнинг ҳар бирига тўғридан-тўғри тўловлар тўланади: бўғдой, маккажўхори, арпа, сорго, пахта,гуруч, ерёнғоқ, соя ва бошқа мойли экинлар.

Бозор шароитлари ва тайёр маҳсулот сотиш каналларидан қатъий назар, тўғридан-тўғри тўловлар фермерлар даромадларини оширишга қаратилган.

Антициклик мақсадли нархлар – мавсум бошида давлат томонидан белгиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг дастлабки нархлари ҳисобланади. Агар бозор нархи ёки кредитнинг нархи ўрнатилган мақсадли нархдан паст бўлса, давлат фермерларга фаркни тўлаш мажбуриятини олади.

Антициклик тўловлар механизми, бозор баҳолари (одатда, мавсумий баҳолар) аграр товар ишлаб чиқарувчилар фойда кўрмасдан, зарар кўраётганда қўлланилади.

Бозорга кўмаклашиш кредитлари – кредит меъёрлари ёрдамида, минимал нархлар даражасини қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш мақсадида қўлланилади. Давлат зарур бўлганда, ишлаб чикарилган маҳсулотлар учун кредитлар ажратади ва шу тарика нархларни баркарорлаштиради. Кредитлар гаровга караганда анча паст даражади қайтирилиши мумкин.

Бозор нархлари ўзгаришидан даромадни йўқотиш хафини камайтирувчи бозорга кўмаклашиш кредитлари фермерга етиштирилган маҳсулотнинг аниқ ёки мумкин бўлган гаров эвазига ҳукуматдан карз олиш имкониятини беради. Давлат ёрдамини олиш ҳуқукини қўлга киритиш учун фермер хўжалигининг асосий майдони ва ҳосилдорлиги аникланган ҳолда, дастур қатнашчилари рўйхатидан ўтиши лозим.

Тўғридан-тўғри ва антициклик тўловлар миқдори ушбу параметрлар ва аниқ маҳсулот тури ставкаларига нисбатан аниқланади (20-21-жадваллар).

20-жадвал. Етиштирувчиларга тўғридан-тўғри тўловлар, АҚШ доллрида

Маҳсулот тури	2002 йилги қонунга асосан	2008 йилги қонунга асосан
Пахта,фунт	0,0667	0,0667
Ерёнғоқ, тонна	36,0	36,0
Соя,бушель	0,44	0,44
Бошқа мойли экинлар, фунт	0,008	0,008

Антициклик тўловларни амалга оширишда, соя ва мойли экинларга онд ўзгартирилган қонунда 2010–2012 маркетинг йиллари учун ставкалар ўзгартирилган эди (21-жадвал).

21-жадвал. Бозорга кўмак берувчи кредитлар (гаров ставкалари), АҚШ доллари

Маҳсулот тури	2002 йилги қонунга асосан		2008 йилги қонунга асосан		
	2002-2003 йй.	2004-2007 йй.	2008 й.	2009 й.	2010-2012 йй.
Пахта,фунт	0,724	0,724	0,7125	0,7125	0,7125
Ерёнғоқ, тонна	495	495	495	495	495
Соя,бушель	5,80	5,80	5,80	5,80	6,00
Бошқа мойли экинлар, фунт	0,098	0,101	10.10	10,10	12,68

Ўсимликларни суғурталаш бўйича Федерал конун қабул килиниши билан 1980 йилда хусусий компанияларни жалб қилиш учун субсидиялар жорий килинди ва суғурта қопламларини кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, 1994 йилда ҳосилни суғурталашни ислоҳ этиш, ҳукуматнинг тасодифий табиий офатлардан кўриладиган зарарларни тўлаши, ҳосилни суғурталаш кафолатини бирлаштирди ва Multiple – Peril Crop Insurance (Ҳосилнинг кўплаб хавфларини суғарталаш) дастурини яратиш имконини берди.

Суғурта дастури қурғоқчилик, ҳаддан ташқари намлик, сув тошкини, дўл, кучли шамол ва бошқа ҳалокатли тадиий офатлардан ҳимоялашни таъминлайди. Дастур қишлоқ хўжалик экинларининг 70дан ортиқ турини камраб олади, бироқ иклим ва бошқа омиллардан келиб чикиб, бу ҳамма ҳудуд ва турлар учун қопланилиши таъминланмайди.

Суғурта дастурининг уч хил шакли мавжуд:

Catastrophic Risk Protection (Ҳалокатли хавфлардан ҳимоя қилиш)

Ушбу сиёсат доирасида фермерлар суғурталашнинг минимал даражасини оладилар.Давлат томонидан субсидияланадиган барча бошқа дастурларда катнашиш ушбу полисга эга бўлишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўсимликларни суғурталашни фаоллаштириш мақсадида ўхшаш мамлакат суғурта амалиётини жойрий этиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Дастур фермер ўртача ҳосилдан 50 фоиз нархини, кутилаётган бозор нархининг 55 фоизга тенг даражада қоплайди. Шундай қилиб, 100% зарар кўрганда фермер кутилаётган даромадининг 27,2% зарарини қоплаши мумкин.

Ушбу қоплаш учун тўланадиган ҳақ тўлик давлат томонидан тўланади. Фермерлар ҳудудларда етиштириладиган ҳар бир экин учун 300 $ миқдорида маъмурий харажатларни тўлайди (2008 Farm Bill).

Buy-up Coverage (Ўсимликларни қоплаш) дастури

Ушбу дастурда фермер биринчи дастурга қараганда ҳосилнинг кўпроқ қопламини (5% ораликда) ва унинг нархини (реал бозор қийматининг 100% гача) танлаши мумкин.

Суғурта мукофоти ҳар бир ҳудуддаги ҳар бир экин учун ҳисобланган тарифларда фермер хўжалиги ҳосилининг миқдори ҳақидаги маълумотга асосланади, қаерда ҳосилнинг йиллик ўзгарувчанлик даражаси юқори бўлса, ўша ерда тариф миқдори ҳам кўпроқ. Суғурта компаниясининг маъмурий харажатлари, шунингдек, суғурта мукофотининг бир қисми давлат субсидиясидан қопланади.

Бу йўналишдаги дастурларининг яна бир тури ***Group Risk Plan (группали хатарлар) дастуридир. Унинг*** Buy-up Coverage дастуридан фарқи шундаки, суғурталаш маълум бир фермер хўжалигига эмас, балки ҳудудда суғурталанадиган қишлоқ хўжалиги ўсимлигининг ўртача ҳосилдорлигига асосланади, яъни ҳудуддаги ҳосилдорлик суғурта даражасидан пастроқ бўлса, фермер хўжалиги олган ҳосилдорлик ўртача даражадан юқори бўлса ҳам, етиштирувчи товон олади.

Non – insured Assistance Program (Суғурта ёрдами) дастури

Бу дастур стандарт дастурлардан чиқарилган экинларни: цитрус мевалар, нок, қалампир, олхўри, ва зиғир етиштирувчиларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.Ушбу дастур бўйича қоплаш САТдаги ўхшаш, лекин жараён бошида қоплаш тўлови зарур, муайян ҳудудда йўқотишлар миқдори камида 35%га тенг (одатда, тахминан 5 зарар кўрган ишлаб чиқарувчи) бўлиши керак. Аниқ экинга мувофиқ ҳудуд округ катталигига тенг бўлиши мумкин, 320 000 акр (130 000га) майдон ёки бир неча округ, ёхуд майдондан йиғиладиган ҳосил йиллик 80 миллион $. Ҳар бир ҳудудда етиштириладиган ҳар бир экинга учун 300 $ миқдордаги зарар учун тўловлар ёки ҳар бир ҳудудда ишлаб чиқарувчилар учун 750 $ 1875 доллардан ошмайди.

Етиштирувчи ушбу дастур учун тўламайди, лекин унда қатнашиш учун ўсимликни ўстириш максимигача ёзма равишда ўз розилигини бериши зарур.

Қишлоқ хўжалик суғуртасининг маъмурий дастури, қишлоқ хўжалиги рискини бошқаришнинг бошқа усуллари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун ўқув дастурларини, рискларни бошқариш Агентлиги олиб боради.

Суғурта компаниялари Агентлик орқали ўзларининг зарарларини тартибга солиш ва маъмурий харажатларини қоплаш учун субсидиялар олади. Қайта суғурталаш ҳам қайта суғурталаш фондига мувофиқ мукофот ва рискнинг бир

қисмини ўтказиш йўли билан Агентлик орқали амалга оширилади. Дастур қатнашчилари суғурта компаниялари билан қайта суғурталашнинг стандарт битимида субсидиялар даражаси ва шартлари келишиб олинади.

Бундай тизимнинг айрим жиҳатларини ўзимизда ҳам жорий этиш мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, табий-иқлим шароит ҳамда об-ҳаво каби омилларга боғлиқ бўлган ҳудудлар – тоғ олди ҳудудлари лалми ерларида мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларини кучли табақалашган суғурталаш тизими орқали қўллаб-қувватлаш тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун миллий миқёсда мойли экинлар етиштираётганларни тасодифий табиий офатлардан кўриладиган зарарларини тўлаб бериш, ҳосилини суғурталаш Дастурини ишлаб чиқиб, жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу дастур мойли экинлар етиштирувчи хўжалик юритиш субъектларини қурғоқчилик, ҳаддан ташқари намлик, сув тошқини, дўл, кучли шамол ва бошқа ҳалокатли тадиий офатлардан ҳимоялашни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Хорижий давлатларда, айниқса, ривожланган ва юқрри суръатларда ривожланаётган давлатларда мойли экинлар етиштириш бўйича илмий асосланган амалий тажриба тўпланган. Республикамизда мойли экинлар етиштириш тизимини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш борасида ушбу тажрибалардан фойдаланиш, соҳа ривожини таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий база ва иқтисодий асосни янада бойитишга, асосланган хулоса в таклифлар шакллантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, хориж тажрибасидан шундай бир нусха олиб амалиётга жорий этиш, ҳеч бир вақтда самара бермайди ва қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминламайди. Шу боис, республикамизда мойли экинлар етиштириш тизимининг услубий асосларини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишда фақатгина хориж тажрибасига таяниш ҳам, услубий жиҳатдан нотўғри. Бунда республкамиз амалиётида ўзини оқлаган, самарали ҳисобланган бой тажрибани ҳам чуқур таҳлил этиш асосида уни мамлакат ҳудуд ва минтақалари бўйилаб оммалаштириш муҳим бўлиб, бу қўйилаган мақсадларга эришишнинг оқилона йўлларидан ҳисобланади.

Бу жиҳатдан республикамизда амалга оширилаётган ва Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган янги иқтисодий сиёсатда хориж тажрибаси билан бир қаторда ўзимиздаги бой илғор тажрибани ҳам оммалаштириш муҳим вазифалар сирасига киритилганлиги бежиз эмас, албатта.

Шунинг учун, мойли экинлар етиштириш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида хориж тажрибаси ўрганилаётганда уларнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- мойли экинлар етиштириш бўйича ривожланган ва дунё миқёсида етакчи ҳисобланган ва турли табиий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлатлар (АҚШ, Бразилия, Аргентина ва бошқалар) тажрибасини ўрганишга устуворлик бериш;

- мойли экинлар етиштиришнинг мақсадли ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тажрибасини ўрганиш;

- мойли экинларни етиштирувчи хўжалик юритиш субъектларини давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг иқтисодий-молиявий ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асосларини чуқурроқ ўрганишга, улар манфаатларини ҳимоя этувчи ва ҳуқукларини кафолатовчи дастакларни шакллантириш тажрибасини ўрганишга эътиборни қаратиш;

- мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқикотлар натижаларини ўрганиш ва бошқалар.

Хорижий давлатларнинг мойли экинлар етиштириш тизими борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида уларни бу соҳани ривожлантириш бўйича республикамизда амалга оширилаётган тадбирлар билан таққослаш услубий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади (22-жадвал).

22-жадвал. Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда мойли экинлар етиштириш тизимининг тамойиллари, ёндашувлари ва механизмлари

№	Хорижий давлатларда	Ўзбекистонда
1	Мойли экинларни етиштириш бўйича махсус қонун ҳамда қонун ва меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар тўплами мавжуд	Қонун қабул қилинмаган, аммо ЎзР Президентининг фармон ва қарорлари, ЎзР ВМнинг карорлари қабул қилинган
2	Мойли экинлар етиштиришнинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ривожлантириш дастурлари қабул қилинган	Айнан шундай дастур ва чора- тадбрлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган (ЎзР Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли, 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сонли қарорлари ва бошқалар)
3	Мойли эикинлар етиштириш соҳасини қўллаб-кувватлашнинг иқтисодий-молиявий дастаклари ишлаб чиқилган, механизми амал қилмоқда	Бундай механизм ва дастаклардан тўлиқ фойдаланилмаяпти
4	Мойли экинлар етиштирувчи фермерларга субьвенция ва дотациялар бериш тизми мавжуд	Фойдалнилмайди
5	Мойли экинлар етиштириш тизимини (айрим давлатларда экин турлари бўйича) ташкил этиш бўйича махсус давлат комисияси (Кенгаши), тармокларараро кенгаш ташкил этилган	Ташкил этилган, ваколати тўлиқ шакллантирилмаган
6	Мойли экинлар етиштиришни (мойли экинлар турлари бўйича ишлаб чиқариш, экспорт қилиш) қўллаб-қувватлаш бўйича молиявий дастаклар жорий этилган (бюджет, махсус фонд, халқаро грант ва бошқалар.)	фойдалнилмайди.
7	Мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларини қулай ишлаб чиқариш ва фаолият юритиш муҳити яратиш, уларни ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш	Мавжуд эмас, ташкил этилмаган
8	Мойли экинлар етиштирувчилар уюшмаси (“Соя етиштирувчилар ассоциацияси”)	Ташкил этилмаган
9	Мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари бўйича статистик маълумотлар базаси, ҳисоб-ҳисоботларнинг компьютерлашган тизими	Мавжуд эмас, ташкил этилмаган

Мойли экинлар етиштириш бўйича хориж тажрибасидан келиб чиқиб, республикамиз шароитида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

- мойли экинларни етиштириш бўйича махсус Қонун қабул қилиш;

- мойли экинлар етиштиришнинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ривожлантириш дастурларини минтақалар ва ҳудудлар бўйича аниқ манзили ва молиявий манбаалари кўрсатилган чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш;

- мойли экинлар етиштирувчи фермерларга субьвенция ва дотациялар бериш тизмини жорий этиш;

- мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларни ахборот ва маълумотлар билан таъминловчи махсус Марказлар ташкил этиш;

- мойли экинлар етиштирувчилар уюшмаси (масалан, “Соя етиштирувчилар ассоциацияси”)ни тузиш;

- мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари бўйича статистик маълумотлар базаси, ҳисоб-ҳисоботларнинг компьютерлашган тизимини юритишни ташкил этиш.

III БОБ. МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мойли экинлар етиштиришнинг глобаллашуви ўсимлик мойи ишлаб чиқариш суръатлари ҳамда улар истеъмоли таркиби ва даражасига таъсир этмоқда. Агарда XX аср охири ва XXI аср бошларида ишлаб чиқарилган ўсимлик мойининг 90 фоизи истеъмолга йўналтирилган бўлса, 10 фоиздан саноатда, ёқилғи ва мойлаш материаллари, мойли бўёқлар, совун ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда фойдаланилган. XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида эса, ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойининг 23 фоиздан кўпроғи саноат соҳасида фойдаланилмоқда[41].

Бугунги кунга қадар давом этаётган ўсимлик мойи истеъмолидаги бундай таркиий ўзгаришлар, мойли экинлар майдони ва уни ривожлантириш тенденциясининг шаклланишига, мойли экинлар бозоридаги нарх-наво ва ўсимлик мойи коънюнктурсига кучли таъсир этмоқда.

Республикамизда мойли экинлар етиштиришни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда жаҳон мойли экинлар бозоридаги бундай ўзгаришларни инобатга олиш, ушбу соҳани ривожлантириш тадбирларининг окилона таркиини шакллантиришга ва инвестициялар самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.


Республикамиз озиқ-овқат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳолини сифатли, экологик тоза ва инсон организми учун зарур бўлган маҳсулотлар билан таъминлашда мойли экинларнинг ўрни ва аҳамияти юқори бўлиб. Охирги йилларда бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида мойли экинлар майдонлари таркибида диверсификация жараёнлари амалга оширилиб, улар ялпи ҳосили ортиб бормоқда[42,43,44] (15-расм, 23-жадвал, 2-илова). Мустақиллик йиллари давомида мойли экинлар майдони 6,0 мартадан кўпрок ортиб, республика жами экин майдонларининг 2,9 фоизини (такрорий экилган майдонларни ҳисобга олган ҳолда) ташкил этмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат қишлоқ хўжалиги, балки агросаноат мажмуи тизимида ҳам етакчи тармоклардан бирига айланди.

[41] Обзор мирового рынка растительного масла."РБК.research". http://www.foodmarket.spb.ru/current.php?aticle=1811

[42] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2832-сонли карори.

[43] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги "2017 йилда бошокли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида ажратиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3027-сонли карори.

[44] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 январдаги "2017 йилда мойли экинларни етиштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда "Ўзпахтасаноат" АЖ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар" дастури; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги "Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 105-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги "Ем-хашак тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3484-сонли карорлари ва бошқалар.



15-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мой ишлаб чиқаришнинг ўзгариши[45], 2015-2018 йй.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2015 йилда соя 1,3 минг, махсар – 63,0 минг гектар майдонда етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда мос равишда 18,5 минг ва 50 минг гектарни ташкил этди. 2015-2018 йиллар мобайнида махсар етиштириш 2,7 фоизга, соя дони етиштириш салкам 17,1 мартага ошди. Буни соя майдонлари 14,1 маротаба, ҳосилдорлиги 20 фоизга яқин кўпайиши ва махсар экиладиган майдонлар камайишига карамасдан унинг ҳосилдорлиги 28 фоздан кўпроққа ошгани билан изоҳлаш мумкин.

Дунё амалиётида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида фойдаланилаётган мой таркибида ўсимлик мойи, хусусан, соя ва кунгабоқар уруғидан тайёрланаётган мой улушининг ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боис жаҳоннинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида бу соҳани ривожлантириш масаласи давлат аҳамиятидаги масала сифатида эътироф этилиб, турли дастаклар ёрдамида қўллаб-қувватланмоқда. Бундай қўллаб-қувватлаш тизими давлатнинг турли дастак ва механизмлари асосида амалга оширилмоқда. Улардан мойли экинлар етиштиришни инновацион усуллар асосида ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш тизими кенг қўлланилмоқда. Республикамизда ушбу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришда дунё амалиётидаги илмий-услубий ва амалий тажрибалардан кенг фойдаланилаётганлиги мойли экинлар етиштириш соҳасининг инновацион ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

[45] "Ўзпахтаёғ" АЖ маълумотлари асосида муаллиф хисоб-китоби.

23-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича мойли экинлар майдони, хосилдорлиги, ялпи хосили ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш[46], 2012-2018 йй.

	Ўлчов бирлиги	2012-2014 йй.			2015-2017 йй.			2018 йй. (дастлабки)		
		кунгабокар	махсар	соя	кунгабокар	махсар	соя	кунгабокар	махсар	соя
Мойли экинлар майдони	минг га	24,13	56,02	2,72	31,54	58,47	5,03	11,0	24,0	18,5
Хосилдорлик	ц/га	13,2	3,9	10,5	16,0	4,4	13,6	13,0	5,0	17,5
Ялпи хосил (кондицион вазнда)	минг тонна	33,32	22,32	3,39	52,49	25,36	5,934	14,245	120,0	32,37
Рафинатланган мой ишлаб чиқариш	тонн	5605,1	4432,7	185,1	14734,5	4432,7	935,7	4146,1	24520,6	5120,2

[46] "Ўзпахтаёғ" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар хисоб-китоби.

Дархақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ҳамда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларда кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хусусан, соҳа ва тармокларни қўллаб-қувватлаш масаласига алохида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас, албатта[47].

Бу маслага бирмунча кенгроқ ва чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан мойли экинлар етиштириш занжирининг барча жараёнларини ислоҳ килишни қўллаб-қувватлаш йўналишида белгиланган чора-тадбирлар, муболағасиз, "инкилобий" деб, баҳоланиши мумкин.

Бунга қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- мойли экинлар майдонининг кўпайиши ва таркибининг диверсификациялашуви;

- мойли экинлар етиштириш географиясининг ўзгариши ва уларни иклим ва шароити кулай бўлган ҳудудларда кўпроқ жойлаштиришга устуворлик берилиши;

- мойли экинлар уруғчилик тизими инновацион ёндашув асосида қайта ташкил этилиши ва қўллаб-қувватланиши йўлга қўйилиши туфайли хориждан мойли экинлар уруғини олиб келиш ҳажмлари ва унга сарфланаётган валюта ресурсларининг қисқариб бориш тенденцияси тобора кўпроқ намоён бўлаётганлиги;

- мойли экинлар етиштириш борасида узоқ муддатга мўлжалланган, ўзида минтақавий ва тармоқ хусусиятларини мужассам этган мойли экинлар етиштириш давлат сиёсати шаклланганлиги, унинг асосида мойли экинлар етиштириш давлат дастурлари ва концепциялари амалга оширилиши;

- мойли экинлар етиштирувчи, айниқса, мойли экинлар уруғчилиги билан шуғулланувчи хўжаликлар сони бирмунча кўпайиши ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг жорий этилиши;

- мойли экинлар етиштириш ва мойли экинлар уруғчилиги масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институти, марказ ва лабораториялар шаклланганлиги, уларнинг қўллаб-қувватланиши ва соҳани инновацион ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши;

- ёғ-мой саноати корхоналари техник-технологик жиҳатдан қайта қурилиши ва модернизация қилиниши;

- мойли экинлар етиштириш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлашни ташкилий-иқтисодий, бошқарув-мувофиқлаштириш, таъминот ва молиявий қўллаб-қувватлаш, соҳа экспорт салоҳиятини ошириш тизимининг мутлақ янги ташкилий тузилмаси ҳудудлар ва минтақалар бўйича босқичма-босқич шаклланганлиги;

[47] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги " фармони.

- мойли экинлар етиштириш инфратузилмасининг жаҳон мойли экинлар бозорига боскичма-боскич кириб боришини таъминловчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари шаклланганлиги;

- соҳа илмий-техник салоҳиятини техник-технологик жиҳатдан модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва фан-техника ютқларини жорий этиш тизими шаклланганлиги ва бошқалар.

Бугунги кунда республикамизда қатор анъанавий ва ноанъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва бу жараён самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва механизми қўлланиб келинмоқда.

Мойли экинлар қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва унинг хусусиятлари мойли экинлар етиштиришда ўзгача намоён бўлади.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари хусусидаги таклиф ва тавсияларни баён қилишдан олдин қуйидаги иккита саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз:

1. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги нимада?

2. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

• Иқтисодий жиҳатдан:

- ҳудудлар ишлаб чиқариш ва агро-иқтисодий салоҳияти ва имкониятларидан мумкин қадар тўлиқ фойдаланган ҳолда ҳудуд тармоқ тузилишини диверсификациялаш ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари, жумладан, мойли экинлар етиштириш соҳаси барқарорлигини таъминлаш зарурияти;

- фермер хўжаликларининг мавжуд ер ва моддий-техник ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишини таъминлаш, шу асосда уларнинг кўп тармоқли хўжалик сифатида шаклантиришга иқтисодий шароит яратиш ва даромадини ошириш;

- фермер хўжаликларида мойли экинлар етиштириш инновация ва илғор технологияларни жорий этиш асосида ривожланишини таъминлаш ва бу жараённи жадаллаштириш;

- фермер хўжаликларини қайта ишлаш корхоналарига сифатли мойли экинлар дони етказиб беришга бўлган қизиқишини рағбатлантириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий манфаатдоригини ошириш механизмини шакллантириш;

- фермер хўжаликларининг мойли экинлар донини қайта ишлайдиган корхоналар билан ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш, ресурс таъминоти борасидаги муносабатлар тизимини тубдан қайта ташкил этиш;

- фермер хўжаликларини мойли экинлар етиштиришда ишлаб чиқариш, таксимот, айрибошлаш ва истеъмол жараёнларида вужудга келадиган муносабатларни такомиллаштириш, соҳада иқтисодий муносабатларни "меҳнатга яраша даромад" тамойили асосида ташкил этишга шароит яратиш ва уни рағбатлантириш;

- мойли экинлар маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг хом ашёга бўлган талабини қондириш асосида қайта ишланган маҳсулотдан олинадиган иккиламчи қўшимча маҳсулотлар шартномага мувофиқ мойли экинлар етиштириб берган фермер хўжаликларига тўлиқ қайтариб берилишини таъминлаш механизмини ва мониторинги тизимини такомиллаштириш;

- қайта ишлаш корхоналари учун хориждан импорт қилинадиган мойли экинлар дони ва дуккаклари миқдорини камайтириш, валютани иқтисод қилиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсуллотлари экспорти ва импорти таркиби ва тузилишини такомиллаштириш ва бошқалар.

• Ижтимоий жиҳатдан:

- мойли экинлар етиштириш, ҳосилни йиғиштириб олиш ва қайта ишлаш корхоналарига топширишгача бўлган жараёнлардаги меҳнат муносабатлари ва унга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

- ҳудудларда мойли экинларни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизациялаш ҳисобига янги иш жойларини ташкил қилиш, аҳоли бандлигини ва даромадини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш;

- аҳолининг экологик жиҳатдан тоза ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш ва ҳудудлар озиқ-овқат таъминотини барқарорлаштириш.

• Сиёсий жиҳатдан:

- мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари импорти географияси ва таркибий тузилишини такомиллаштириш, маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш;

- мамлакатнинг мойли экинлар уруғлик донига бўлган талабини ўзимизда етиштирилган уруғлик билан қондиришга йўналтирилган аграр сиёсатни изчил амалга оширишни таъминлаш;

- мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқаришнинг жаҳон талабларига мос келадиган стантартларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

- дунё аграр бозорларида рақобатбардош ўсимлик мойи олишни таъминлайдиган мойли экинлар етиштиришнинг инновацион технологик карталарини ишлаб чиқиш, мавжудларини янгилаш ва жаҳон андозалари билан уйғунлигини таъминлаш;

- мамлакатимизда мойли экинлардан олинадиган ўсимлик мойига бўлган талабни қондириб, ўсимлик мойи бўйича мустақилликка эришиш ва бошқалар.

• Экологик жиҳатдан:

- экологик тоза ўсимлик мойи етиштиришни барқарорлаштириш асосида мамлакат аҳолисининг турли хил ўсимлик мойларига бўлган талабини тўларок қондириш;

- экологик жиҳатдан тоза ўсимлик мойи етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги тармоқ тузилишини диверсификациялаш асосида ҳудудлар био-хилма-хиллиги ва ранг-баранглигини таъминлаш ва бошқалар.

Бугунги кунда республикамизда мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва механизми пахта ва ғалла, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қўлланилаётган тизим, механизм ва усуллардан бирмунча фарқ қилиб, ўз хусусиятларига эга.

Бизнингча, асосий ўзига хос хусусияти шундаки, республикамизда мойли экинларни бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан фарқли ўлароқ, узоқ танаффусдан сўнг, яқин 2-3 йиллардан бошлаб давлатнинг махсус мақсадли дастурлари асосида кенг кўламда ва катта ҳудудларда етиштиришга киришилган бўлса, уларнинг биологияси ва етиштириш агротехнологияси ўзгачалиги, иккинчи бир хусусияти ҳисобланади.

Умумийлик шундан иборатки, соҳа ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосан икки усул – маъмурий ва иқтисодий усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Республикамизда илмий-назарий ва махсус адабиёт ҳамда дарсликларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шакллари, механзм ва дастаклари хусусида турли фикр, ёндашув ва таклифлар билдирилаётган бўлса-да[48], қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадрлигини, хусусан, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш масаласи ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан олим ва амалиётчилар эътиборидан четда қолмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, бугунги кунда давлат мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари фаолиятига бевосита ва билвосита воситалар асосида таъсир этиб келмоқда. Уларни шартли равишда маъмурий; меъёрий-ҳуқуқий; иқтисодий; ижтимоий; экологиек, агротехнологик; таркибий-институционал усулларга ажратиш мумкин. Бунда, маъмурий, меъёрий, ҳуқуқий, сифат ва стандарт ҳамда агротехнологик усуллар ёрдамида мойли экинлар етиштириш жараёни тартибга солинса, молиявий-иқтисодий, ижтимоий ва экологик механизм ва усуллар, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма тизимлари ҳамда мақсадли дастурлар кўмагида уларни етиштириш ва самарадорлигини ошириш қўллаб-қувватланади.

Бевосита воситалар кўмагида давлат мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар ёрдамида таъсир этиб, тартибга солиб туради. Бошқача сўз билан айтганда, давлат фермер хўжаликларнинг хўжалик фаолиятига оид қарор қабул қилиш жараёнига тўғридан-тўғри аралашмайди, аксинча, хўжалик фаолиятига оид қабул қилинаётган қарорларнинг давлат томонидан аграр соҳада юритилаётган агро-иқтисодий сиёсатга мос бўлишини рағбатлантиради.

Бевосита ва билвосита воситалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, кодекслари, Республика Президенти ва ҳукуматининг фармон, қарор, фармойиш, йўриқнома ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади ва мониторинги юритилади.

[48] Салимов С., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. илмий монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011 й., 45 б. ва бошқалар.

Бизнингча, бугунги кунда республикамизда мойли экинлар етиштиришни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш давлат томонидан билвосита воситалар кўмагида қўллаб-қувватланмоқда. Бунда асосий эътибор мойли экинлар, хусусан соя ва қисман кунгабоқар етиштиришнинг экстенсив ривожланишига қаратилган, деб эътироф этиш ва баҳоланиши мумкин.

Бу воситалар ва қўллаб-қувватлаш дастаклари мойли экинлар етиштиришнинг инновацион ривожланишини таъминлаши ва соҳа иқтисодий самарадорлигини ошириши учун давлатнинг иқтисодий жараёнларни бевосита, мақсадли ва манзилли ҳамда узоқ муддатларга мўлжалланган дастак ва механизмларидан ҳам фойдаланиш лозим.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ҳозирги ҳолатининг моҳияти бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бири билан боғлиқ икки жараён: мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу жараёнларни фаоллаштириш, йўналишларини аниқлаш, амалга ошириладиган дастур ва чора-тадбрлар мажмуини шакллантириш, ташкилий-иқтисодий асосини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш усулларини белгилаш мойли экинлар етиштириш соҳасидаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш шакли, моддий рағбатлантириш тизими, таъминот ва тўлов ҳамда маҳсулотга ҳақ тўлашнинг ҳозирги усули ҳолати, соҳада мавжуд муммолар ва уларни ҳал этишга йўналтирилган ташкилий-иқисодий тадбирлар самарадорлиги билан белгиланади.

Мойли экинлар республикамизнинг турли минтақа ва ҳудудларида етиштирилиши боис, соҳа ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни умумий кўринишда қуйидагича шакллантириш мумкин:

- вилоят ва туманлар кесимида мойли экинларни экиш учун ажратилаётган ер майдонларининг асосий қисми мелиоратив ҳолати ёмон, сув таъминоти яхши бўлмаган, унумдорлиги паст ҳудудлар хисобига тўғри келмоқда;

- мойли экинларни экиш ва етиштириш учун ер майдонларини ажратиш экиш мавсумига нисбатан кечиктириб юборилиши ҳолатлари кузатимоқдаки, натижада экилган мойли экинларнинг бир қисми тулиқ пишиб етилмай, ялпи ҳосил камайишига сабаб бўлмоқда;

- давлатнинг мойли экинлар етиштириш бўйича белгиланган мақсадли дастурий вазифалари ижросини таъминлашга нафақат туманлар, балки вилоятлар даражасида ҳам етарлича эътибор беримаётганлиги боис, улар етиштириш агротехник жараёнлари тўлиқ бажарилмаяпди, хўжаликларни мойли экинлар уруғлиги балан таъминлаш борасидаги муаммолар туфайли ялпи ҳосил бўйича прогноз параметрларга эришилмаяпди;

- мойли экинлар уруғчилиги тизими ҳамда фермер хўжаликларини маҳаллий шароитларга мослашган, сифатли ва ҳосилдорлиги юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли уруғлик материаллари билан таъминлаш тизимини тўлиқ шаклланмаган;

- мойли экинларни етиштириш ва уларнинг хом ашёсини сотиш билан боғлиқ меҳнат ва моддий ресурслар сарфи ҳисоб-китоби талаб даражада эмас;

- мойли экинларни етиштириш учун дизель ёқилғиси ва минерал ўғитлар пахта ва ғалла учун ажратилаётган бу турдаги ёқилғи ва минерал ўғитларнинг имтиёзли нархларидан юқори нархларда биржа оркали сотиб олиниши ҳолатлари кузатилмоқда;

- вегетация даврида мойли экинларни озиклантириш учун талаб этиладиган минерал ўғитларни етарли миқдорда ажратиш номутаносиб ва уларнинг нархи бирмунча киммат;

- мойли экинлар ҳосилини йиғиштиришга ихтисослашган махсус техника воситаси ва механизмларининг етишмайди, мавжудлари эса маънавий ва жисмонан эскириб, таъмирталаб ҳолатда келган;

- юқори унумли ва бир йўналишда 3-4 агротехнологик жараёнини бажарадиган сеялкалар етишмайди, бундай сеялкаларни лизинг асосида олиш масалаларига устуворлик бериш мақсадга мувофик;

- мойли экинлар етиштиришни инновацион ёндашув асосида ривожлантириш, соҳага инновацион ғоя ва илгор технологияларни жорий этиш ягона бир тизим асосида амалга оширилмаяпти ва бу борадаги ишларни амалга оширишда мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликалрининг иктисодий-молиявий имкониятлари чекланган ва бошкалар.

Мойли экинлар етиштириш иктисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимининг ҳозрги ҳолати ва хусусиятлари мойли экинлар хар бир турини етиштиришда иштирок этадиган ишлаб чикариш омиллари, агротехник жараёнлар ва уларни амалга оширишда таъминланиши, ташкил этилиши ва инобатга олиниши лозим бўлган жиҳатлар уларни муҳайё килиш, шароит яратиш, шунингдек, меҳнат, ишлаб чикариш, таъминот, бошкариш ва махсулотни сотиш тизимида намоён бўлади (24-жадвал).

Мойли экилар етиштириш иктисодий самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи омил – соҳани уруғлик билан таъминлаш ва уруғчилик тизими ҳисобланади. Бу тизимни шакллантиришда давлат билвосита йўллар ва дастаклар билан иштирок этаётганлиги, бунда давлатнинг қўллаб-кувватлаш тизими кўламидан катъи назар, мойли экинлар соҳасига нисбатан аҳамиятли деб, баҳолаймиз.

Дарҳакикат,Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-2832-сонли қарорига асосан "Ўзпахтаёғ" АЖ томонидан асосий майдонга экиш учун жорий йилнинг март ойида Россиянинг Краснодар ўлкасидан 420 тонна соя уруғи олиб келиниб, 8043 гектар майдонга экилиши фикримиз далилидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарканд вилоятига ташрифи давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва хар бир вилоятда 1000 гектардан соя экишни ташкил этиш, бунга яраша уруғлик масаласини ички ва ташки имконятлардан фойдаланган ҳолда ҳал этиш борасидаги кўрсатмаси муҳим амалий аҳамият касб этади, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги "2017 йилда бошокли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3027-сонли қарорига асосан 18975 гектар соя экинини экиш белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 октябрдаги 798-Ф-сонли фармойиши билан 2018 йил 1 июлга қадар 24 турдаги сабзавот, 4 турдаги полиз ва 4 турдаги дуккакли экинлар уруғлари кишлок хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан олиб келинганда божхона тўловларидан (божхона йигими бундан мустасно) озод килинган эди.

Бирок, махсар ва кунгабокар учун бундай тартиб жорий этилмаганлиги, ўша йилларда мойли экинлар уруғчилигида маълум номутаносибликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган эди.

Уруғчилик хусусида фикр юритилганда таъкидлаш жоизки, биргина соя экинининг 8 нави истикболли нав сифатида ҳисобот йилида экилди (25-жадвал).

Сояни асосий ва такрорий майдонларда экишни ташкил этишда уруғчилик тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ҳисобот йилида экишга режалаштирилган соя уруғлик навларининг 96,5 фонзи хорижий навлар ҳисобланиб, четдан соя уруғлиги олиб келишга катта миқдорда чет эл валютаси сарфланмокда.

24-жадвал. Мойли экинлар етиштириш иктисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимининг ҳозирги ҳолати ва хусусиятлари[49]

Фаолият тури ва агротехнологик жараёнлар	Дастаклар	Мойли экилар етиштиришдаги хусусият	Давлат буюртмаси асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги хусусият
1. Мойли экинларни жойлаштириш ва экишни ташкил этиш	Ўзбекистон Республикаси қонунлари, кодекслар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва фармойишлари, қарор ва баённома-лари, йўриқнома ва кўрсатмалари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар	Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон, фармойиш, қарор ва йўриқномалари, давлатнинг мақсадли дастурлари, "Ҳаракатлар стратегияси", инновацион ривожлантириш стратегияси, тармоқни истиқболга мўлжалланган ривожланиш Концепцияси, чора-тадбирлар дастури	
2.Ерни экинга тайёрлаш ва экиш билан боғлиқ харажатлар	Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришла ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар (2016-2020 йиллар учун) асосида	"Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномага асосан ҳосилни етиштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг 30 фоиз бўнак сифатида ажратилади ва фермер хўжалигини махсус ҳисоб рақамларига йўналтирилади. Соя етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ, фермер хўжаликларига "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги ёғ-мой корхоналари билан тузган контрактация шартномаларига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчиларга агротехника тадбирларини ўтказиш учун бериладиган соя уруғлигини ҳисобга олган ҳолда шартнома қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аванс маблағларини босқичма-босқич тўлаб бориш тартиби белгиланган. Мойли экинларини етиштириш ва жойлаштиришда ҳар бир фермер хўжалиги учун ажратиладиган экин майдони ҳажми 5 (беш) га дан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган	Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни мувофиқ давлат буюртмаси доирасида контрактация шартномаларига мувофиқ фермер хўжаликлари-да пахта хом ашёси ва бошоқли дон ҳосили етиштиришни молиялаштириш тизими асосида харажатлар қопланади. Кредит фоиз ставкаси ғалла етиштириш бўйича 5 фоиз бўлган бўлса, эндиликда 3 фоиз, пахта хом ашёси етиштириш бўйича кредит муддати 14 ой ва бошоқли дон учун эса 12 ой этиб белгиланган.
3.Уруғликни танлаш ва таъминлаш	Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришла ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар (2016-2020 йиллар учун) асосида	"Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари билан мойли экин етиштириш бўйича шарнома тузган фермер хўжаликлари қайта ишлаш корхонаси томонидан режавий экин майдони учун уруғлик билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 9 сентябрдаги 3064-сон билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ 2019 йилдан бошлаб соя ва кунгабоқарни жойлаштириш, маҳсулот	
4.Ёнилғи-мойлаш материаллари билан	Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришла ва маҳсулот етиштириш		

[49] Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

таъминлаш	бўйича намунавий технологик карталар (2016-2020 йиллар учун) асосида Ўзнефтмахсулот"АЖ ва тижорат банкларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан бизнес-режаларга мувофиқ	ҳаракати, агротехник тадбирларини амалга оширишни мониторинг қилишнинг тартиби белгиланган. "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналарининг маблағи (натура кўринишида ҳам) ҳисобидан таъминланади. Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномага асосан ҳосилни етиштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг 30 фоизи бўнак ҳисобидан тўланади. Аксарият ҳолларда фермер хўжаликлари зарурий хом ашё ва ресурс-хизматларни эркин, биржа нархларида харид қилишади. Ўзбекитон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарорига мувофиқ "Ўзпахтаёғ" АЖ таркибидаги ёғ-мой корхоналарида Соя селекцияси, уруғчилиги, уни етиштириш агротехникаси ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича илмий-техник маркази ташкил этилган. Ўзбекитон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сонли қарори, "Йўл харитаси"нинг 2 банди билан ҳар бир ёғ-мой корхонасига ёғ олинадиган экин экиш учун 200 га дан кам бўлган ер майдони ажратилган.	Молия Вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ҳисобидан "Агробанк" томонидан фермер хўжаликларида пахта хом ашёси ва бошоқли дон ҳосили етиштиришга, ғьни уруғликка, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, минерал ўғитлар ҳамда нефть маҳсулотлари сотиб олиш, механизация хизматларига ва бошқа агротехник тадбирларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Вегетация даврида эҳтиёжидан келиб чиқиб, фермер буюртмалаги барча харажат турларини 15 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Бундан буён очилган ссуда рақамларидан тўлов ва инкасса талабномалари асосида тўлов амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Жорий йил ҳосили учун олинган имтиёзли банк кредитини қоплаш эса топширилган пахта хом ашёси ва бошоқли дон учун тайёрлов корхоналари томонидан ажратиладиган якуний ҳисоб-китоб маблағларидан амалга оширилади. Фермер хўжалиги
5.Минерал ўғит билан таъминлаш	Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришла ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар (2016-2020 йиллар учун) асосида "Ўзкимёсаноат"АЖ ва тижорат банкларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан бизнес-режаларга мувофиқ		
6.Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш воситалари билан таъминлаш	Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришла ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар (2016-2020 йиллар учун) асосида "Ўзагрокимёсаноат"АЖ ва тижорат банкларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан бизнес-режаларга мувофиқ	Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномага асосан ҳосилни етиштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг 30 фоизи ҳисобидан тўланади. Аксарият ҳолларда фермер хўжаликлари зарурий кимёвий восита препаратларни ихтисослашган воситачилик ташкилотларидан эркин бозор нархларда харид қилишади.	
7.Суғурталаш тизими	Экинларни етиштирадиган қишлоқ хўжалик корхоналари билан ихтиёрий суғурта шартномасини тузиш тарғиби асосида.	"Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари фермерларга берилган бўнак суммасини қайтармаслик хавфини суғурталайди	
		Бошқа ҳолларда суғурта қилдирувчи ўз маблағи доирасида суғурталайди; Фермер хўжаликлари мойли экинлари (махсар, соя, кунгабоқар, кунжут)нинг табиий офат туфайли кам ҳосиллиги ёки нобуд бўлиши натижасида кўрадиган молиявий зарарини ихтиёрий суғурталаш ҳуқуқига эга. "Ўзагросуғурта" АЖ томонидан, 8, 9, 14, 16 - классларга оид суғурта турлари амалга оширилиши мумкин. Экинлар, табиий офатлар: жала, сел, дўл, қурғоқчилик, суғориш манбаларидаги сувсизлик ёки камсувлик, узоқ давом этган ёғингарчилик туфайли экиннинг ётиб қолиши натижасида ҳосилнинг нобуд бўлишидан суғурталанади. Суғурта товони экинларнинг ўртача 3 (уч) йиллик ҳосилдорлиги	

		қийматининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари ўз мойлиқий имкониятлари чекланганлиги боис, ушбу ҳуқуқдан деярли фойдаланмайдилар.	раҳбари сеуда ҳисоб-рақамларидаги маблағларини мустақил тассарруф этиши кўзда тутилган.
8.Механизация ва транспорт хизматлари	Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришла ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар (2016-2020 йиллар учун) асосида	Фермер хўжалигининг ҳисобидан ММТП хизматларидан фойдаланилади. Транспорт хизматлари хосилни етиштириш билан боғлиқ бўлган талабларни бажаришга ажратиладиган 30 фоизли бўнак ҳисобидан тўланиш тартиби белгиланган. Аксарият фермер хўжаликлари экин майдонлари кичикли боис механизация ва транспорт воситаларидан фойдаланишда ташкилий жиҳатдан қийинчиликларга учрашмоқда.	
9.Маҳсулот маркетинги	Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ўсиб бораётган талабини барқарор таъминлаш дастурида белгиланган чора-тадбирлар ва прноз параметрларига мувофиқ.	"Ўзпахтаёг" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартнома давлатческий шартномага мувофиқ етиштирилган маҳсулот "Ўзпахтаёг" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари томонидан "Ўзпахтаёг" АЖнинг тавсиявий шартнома нархларида сотиб олади. Фермер хўжаликлари шартномадан ортиқ етиштирилган маҳсулотни кичик ҳажмли хусусий корхоналар, якка тадбиркорлик субъектлари ва воситачиларга келишган нархларда сотишади.	Фермер хўжаликлари билан тузилган контрактация шартномалари доирасида кафолатланган шартномавий нархларда харид қилинади. Маҳсулотни сотиб олиш давлат томонидан кафолатланган.
10.Инновацион гоя ва илғор тажрибани жорий этиш ва амалга ошириш	Қишлоқ хўжалиги соҳасини инновацион ривожланишини таъминлаш стратегияси, "Ҳаракатлар стратегияси", "Йўл харитаси"да белгиланган талбирлар ва прогноз кўрсаткичларга мувофиқ	Қишлоқ хўжалиги соҳасини инновацион ривожланишини таъминлаш стратегияси, "Ҳаракатлар стратегияси", "Йўл харитаси"да белгиланган талбирлар ва прогноз кўрсаткичларга мувофиқ	Қишлоқ хўжалиги соҳасини инновацион ривожланишини таъминлаш стратегияси, "Ҳаракатлар стратегияси", "Йўл харитаси"да белгиланган талбирлар ва прогноз кўрсаткичларга мувофиқ
12.Кадрларни ўқитиш ва касбий малакасини ошириш		Минтақавий, маълум мавсумда узлукли семинар-тренинглар ташкил этилади	Давлат дастури доирасида, хўжалик фаолияти билан боғлиқ барча масалалар бўйича тизимли, узоқ ва қиска муддатли ўқувлар, семинар-тренинглар ташкил этилади
13. Маъмурий-бошқарув жиҳатлар	Талбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонун, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга доирасида	Фермер хўжалиги шартнома шартлари бажарилмаганда шартномада кўрсатилган тартибда жавобгар ҳисобланади	Фермер хўжалиги раҳбари контрактация шартномасида белгиланган хосилни етиштириш бўйича жавобгар шахс ҳисобланади

25-жадвал. Уруғлик соя етиштириш тўғрисида маълумот[50], 2018 й.

Т/р	Соя навлари	Экилган гектар, га	Шундан		Ялпи ҳосил (дастлабки маълумотлар)		Экилган туманлар (мазкур навлардан нисбатан кўпрок экилган туманлар)
			асосий экин	такрорий экин	тн	центнер	
1	"Селекта 302"	1437	1437		647	4,5	Олот, Жондор, Китоб, Сариосиё
2	"Селекта 201"	4466	4466		1751	3,9	Қарши, Қизилтепа, Ўртачирчиқ
3	"Спарта"	3071	1528	1544	497	3,3	Қарши, Булунғур, Шеробод
4	"Ариетта"	7372		7372	2212	3,0	Асака, Дўстлик, Оқолтин, Косонсой
5	"Амиго"	580		580	190	3,3	Асака, Бухоро
6	"Аванта"	204		204	61	3,0	Шахрисабз, Китоб
7	"Ойжамол"	417	417		183	4,4	Ғиждувон, Жомбой
8	"Тўмарис"	195	195		84	4,3	Оқолтин, Оҳангарон

Демак, уруғчилик тизимини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватлашга устуворлик бериш мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Республикамиз Президенти ва ҳукматининг мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришга оид қатор фармон ва қарорларида соҳа иқтисодий самарадорлигини ширишнинг мазмун ва моҳияти ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилдан бошлаб мойли экинлар (соя ва кунгабоқар)ни жойлаштириш, маҳсулот етиштиришни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-кувватлашга йўналтирилган муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 9 сентябрдаги 3064-сон билан рўйхатга олинган "Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бузулганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низом" ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- низом билан қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, соя ва кунгабоқар экинларини ҳам асосий, ҳам такрорий экин сифатида жойлаштириш, экин майдонлари ва етиштириладиган маҳсулотлар ҳисобини юритиш, экинлар ўз вақтида ва сифатли экилишини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализация қилинишини мониторинг қилишнинг аниқ тартиби белгиланган;

[50] "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари.

- фермер хўжаликлари ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ер ижара ва контрактация (фьючерс) шартномаларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил равишда жойлаштиради;

- экинларнинг ҳудудий ирригация бўлимларидан экин майдонларининг сув билан таъминланганлик даражаси тўғрисида хулоса олингандан кейингина жойлаштирилиши тартиби жорий этилмоқда;

- мойли экин турлари ва майдонлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси яратилади, экинлар экилиши ва ҳолати доимий мониторингини юритиш мақсадида электрон базаси асосида "электрон харита" шакллантирилади;

- мойли экинларнинг экинлар «электрон харита»си асосида ҳар бир экин тури бўйича "экин бюджети" ҳолати таҳлил қилиб борилади, молиявий ресурслар ва пул ҳаракати, кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун тўловлар, шунингдек, шартнома шартларининг бажарилиши мониторинги юритилиб, шартномавий муносабатлар шаффофлиги таъминланади.


Ушбу Низомда белгиланан тартибнинг тўлиқ амалга жорий этилиши нафақат мойли экинлар етиштиришни, балки уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга, соя ва кунгабокар экинларини илмий асосда жойлаштириш ҳисобига юқори иқтисодий натижаларга эришишни таъминлайди.

Таҳлиллар кўрсатиштча, бугунги кунда мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришга инсон омилига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган қатор иқтисодий-ташкилий омиллар таъсир этмоқда. Улар соҳа истиқболини белгилаш ва айниқса, уни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини белгилаш ва дастакларини жорий этишда инобатга олиниши лозим (16-расм.).

Бизнингча, ушбу омиллар нафақат соҳани қўллаб-қувватлашда, балки, мойли экинлар етиштиришнинг истиқболга мўлжалланган минтақавий характердаги стратегиясини шакллантиришда инобатга олиниши даркор.

Бундай иқтисодий омиллардан ўсимлик мойларидан фойдаланишда мукобил вариантлар пайдо бўлиши, ўсимлик мойларининг аҳоли ва саноатдаги истеъмоли структураси ўзгариши, мойли экин уруғларини етиштирувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация ва интеграция алоқаларини ривожлантириш, айрим турдаги мойли экинларнинг, айниқса, озиқ-овқат ва кандолатчиликда ишлов берилмаган кунгабокардан фойдаланиш ҳажмининг барқарор ўсиб бориш тенденцияси кучайиши ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги "2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1633-сонли, 2017 йил 1 июндаги "2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун



16-расм. Мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари[51]

[51] Муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган

талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3027-сонли, 2018 йил 19 январдаги "Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3484-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги "Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 105-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 январдаги "2017 йилда мойли экинларни етиштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда "Ўзпахтаёғ" АЖ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар" дастури ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мойли экинлар етиштириш, шунингдек улар иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқи асослари белгилаб берилган. Улар давлат томонидан мойли экинлар етиштиришни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда меъёрий-ҳуқуқий механизм ва дастак бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолатини намоён қилувчи тадбирлардан бири етиштирилаётган ҳосил учун зарур бўлган харажатларни бўнаклаш механизми ва тизими ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, охирги икки йил мобайнида соҳада маҳсулот етиштиришни бўнаклаш тизими икки марта ўзгариб, мойли экин турлари бўйича табақалаштирилди.

Биринчи марта Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар)ни етиштириш ва экспорт ҳажмларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича "Ўзпахтаёғ" АЖ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида ҳудудлардаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида 23202-махсус ҳисоб рақамини очиш ҳамда ёғ-мой корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномаларга асосан ҳосилни етиштириш учун талаб этилдиган маблағларнинг 30 фоизини бўнак сифатида ажратиш ва фермер хўжаликларининг махсус ҳисоб рақамларига йўналтирилишини таъминлаш механизми жорий этилди.

Иккинчи марта соя етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ, фермер хўжаликларига "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги ёғ-мой корхоналари билан тузган контрактация шартномаларига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчиларга агротехника тадбирларини ўтказиш учун бериладиган соя уруғлигини ҳисобга олган ҳолда шартнома қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аванс маблағларини босқичма-босқич тўлаб бориш тартиби белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзпахтаёғ" акциядорлик жамияти тизимидаги ёғ-мой корхоналари билан 2018 йил ҳосили учун соя экинини экиш бўйича контрактация шартномаларини тузган 3316 та фермер хўжаликларига тизимдаги ёғ-мой корхоналари томонидан 35 млрд. 216 млн. сўм миқдорида ёки

ҳар бир шартнома тузган фермер хўжалигига 10,62 млн. сўм бўнак маблағлар берилган[52].

Республикмизда мойли экинлар етиштиришни ташкил этиш ва ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолати ва хусусиятларини соҳани ривожлантириш борасида юқорида қайд этилган ҳуқуқий-меъйрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ташкилий-иқтисодий ва агротехник тадбирларни амалга ошириш босқичларида ҳам кузатиш мумкин (26-жадвал):

26-жадвал. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадлрлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳосилни етиштириш агротехнологик жараёнларда кўриниши[53]

№	Тадбирлар кетма-кетлиги	Муддат
1.	Етишмайдиган, республика иқлим шароитига мос келадиган, юқори ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари (сабзавот, дуккакли, полиз ва мойли экинлар) уруғликларини марказлашган ҳолда хориждан олиб келиш (мартнинг биринчи ўн кунлиги).	10 мартгача
2.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида фермер хўжаликлари томонидан сабзавот, дуккакли, полиз ва мойли экинлар ҳосилини ажратилган бўнак маблағлари ҳисобидан сугурталаш.	март-июль
3.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида фермер хўжаликлари томонидан сабзавот, дуккакли, полиз ва мойли экинлар ҳосилини ажратилган бўнак маблағлари ҳисобидан сугурталаш.	март-июль
4.	Қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган ер майдонларини шудгорлаш, экишга тайёрлаш ва экиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, уруғлик, минерал ўғит, техника хизмати ва иш ҳақи учун талаб қилинадиган маблағларни аниқлаб, ёғ-мой корхоналари томонидан фермер хўжаликларига ҳисоб-китоблар асосида, биринчи навбатда, экиш учун зарур бўладиган бўнак маблағларини шакллантириш.	февраль
5.	Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган фермер хўжаликларини бўнак маблағлар билан таъминлаш мақсадида ёғ-мой корхоналарига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорларда кредитлар ажратиш.	февралга ча
6.	Зарур бўладиган сабзавот, дуккакли, полиз ва мойли экинлар уруғликларини марказлашган ҳолда хориждан олиб келиш учун зарурий пул маблағларини конвертация қилишни ташкил этиш.	
7.	Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш харажатларини	

[52] "Ўзпахтаёғ" АЖнинг тегкор маълумотлари.
[53] Манбалар тадқиқотлари асосида тузилган.

	молиялаштириш мақсадида ҳудудлардаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида 23202-махсус ҳисоб рақамини очиш ҳамда ёғ-мой корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномаларга асосан ҳосилни етиштириш учун талаб этилдиган маблағларининг 30 фоизини бўнак сифатида ажратиш ва фермер хўжаликларининг махсус ҳисоб рақамларига йўналтирилишини таъминлаш.	
8.	Ёғ-мой корхоналарига топширилган хом ашё учун фермер хўжаликлари билан якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш.	31 декабргача
9.	Туманлардаги ҳар бир фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган асосий ер майдонларини тайёрлаш ва экиш ишларини амалга оширувчи махсус отрядлар ташкил этиш, уларни етарли миқдорда ҳайдов техникаси ва бошқа механизмлар билан таъминлаш.	1 мартгача
10.	Такрорий ер майдонларини тайёрлаш ва экиш ишларини амалга оширувчи махсус отрядлар ташкил этиш, уларни етарли миқдорда ҳайдов техникаси ва бошқа механизмлар билан таъминлаш.	10 июлгача
11.	Сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар етиштирилаётган майдонлар агротехник ишлов бериш мақсадида ҳашарот ва касалликларга қарши курашда қўлланиладиган воситалар ўз вақтида ажратилишини таъминлаш.	Экинларнинг агротехник талабларига қараб ўз муддатида
12.	Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирадиган фермер хўжаликлари билан "Ўзнефтмахсулот", "Ўзкимёсаноат" компанияларининг жойлардаги корхоналари, тижорат банклари, ёғ-мой корхоналари ҳамда туман МТП ва ММТПлар ўртасида шартномалар тузишни таъминлаш.	20 февралгача
13.	Мойли экинларни ўз вақтида етиштириш, агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш мақсадида фермер хўжаликларига ўртача котировка нархларида дизель ёқилғиси ва минерал ўғитларни боскичма-боскич етказиб бериш	март-апрель июнь-июль
14.	Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникасида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олиб, уларнинг мақбул муддатларда экилишини ташкил этиш ва назоратга олиш: - асосий экин - такрорий экин	1 майгача 10 июлгача

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 19 январидаги "Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3484-сонли қарори мойли экинлар етиштириш ва ўсимли мойи ишлаб чиқарувчи ёғ-мой корхоналарини жадал ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, корхоналар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Соҳа ривожланиши ва иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолатини намоён қилувчи навбатдаги жиҳат бу мойли экинлар уруғчилиги тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги тадбирлар ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли қарорига мувофиқ, жорий йилда 18 минг 500 гектар майдонда соя етиштириш ва 32 минг 375 тонна ҳосил жамғариш белгиланган. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан "Ўзпахтаёғ" акциядорлик жамияти томонидан Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасидан 1020 тонна, шундан қарорда белгиланган 15 та уруғчилик хўжалиги учун 60 тонна "Селекта-302" навли элита уруғликлари ҳамда Қозоғистон Республикасидан 60 тонна "Эврика-357" навли соя уруғлиги олиб келиш белгиланган (4-илова).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли ва 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининнинг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли қарорларига кўра, 2018 йил ҳосили учун фақат асосий экин сифатида 18 минг 500 гектар майдонга соя экиш ва ҳар бир гектар майдондан 17,5 центнердан, жами 32 минг 375 тонна ҳосил жамғариш белгиланган[54].

Шу билан бирга, республикада соя уруғчилигини ташкил этиш мақсадида 60 тонна элита авлодига мансуб соя уруғликлари олиб келинган ва соя етиштирувчи 76 фермер хўжалиги томонидан 778 гектардан ошиқ майдонга экилган. "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги ёғ-мой корхоналари томонидан 2019 йил ҳосили учун республикада 1 минг 100 тонна соя уруғлиги тайёрланиши ва 1 миллион АҚШ долларлик импорт ўрни қопланиши режалаштирилган.


Хориждан олиб келинадиган уруғлик миқдорини қисқартириш ҳамда бу мақсадларга йўналтирилаётган валюта маблағларини иқтисод қилиш мақсадида жорий йилда биринчи марта элита уруғларини 900 гектар майдонга экиш тадбирлари амага оширилдики, буни соҳа ривожланишини давлат томонидан ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг бир шакли ва механизми, деб баҳолаш мумкин. Ушбу тадбир натижасида 2019 йилда 22,5-27,0 минг гектар майдонга етадиган уруғликни ўзимизда тайёрлашга имкон яратилади.

Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, хориждан олиб келиниб, фермер хўжалигига етиказиб берилаётган 1 кг соя уруғининг нархи ўрта ҳисобда 10776,4 сўмни ташкил этмоқда. Бу 2017 йилдагига нисбатан 2,8 марта кўп. Уруғлик қийматининг бу кадар кескин кўтарилиши бошқа омиллар билан бир қаторда, валюта курсининг эркинлашуви билан изоҳланади.

[54] "Ўзпахтаёғ" АЖнинг тезкор маълумотларига кўра 2018 йил 13 сентябрь ҳолатига 4015 гектар майдондан соя ўрилиб (21,4%), 6223 тн ҳосил йиғиб олинган, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 15,5 центнерни ташкил этмоқда.

Соя етиштириш билан боғлиқ харажатлар таркиби таҳлили шундан далолат бермоқдаки, 2017 йилда етиштирилаётган маҳсулот таркибида уруғлик харажатлари улуши 5,63 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 14,8 фоизга тенг бўлди. Бу кўп жиҳатдан маҳсулот етиштириш учун сарфланаётган моддий ресурслар нархининг маҳсулот сотиб олиш нархидан бир карра юқори суръатларда ўсаётганлиги билан боғлиқ бўлиб, соҳани қўллаб-қувватлаш дастак ва механизмларини ушбу масала билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга йўналтиришни заруриятга айлантирмоқда.

Хориждан олиб келинаётган соя уруғлиги таннархи таҳлили шундан далолат бермоқдаки, унинг таркибида устама тўловлар ва қўшилган киймат солиғи улуши 23,1 фоизни ёки фермернинг олаётган ҳар бир кг уруғлик соя учун тўлаётган маблағининг 2487,19 сўмини ушбу тўловлар ташкил этади (17-расм). Эътиборлиси шундаки, таннарх таркибида соя уруғининг киймати 77 фоизни ташкил этса, 15,4 фоизини (1658 сўм) қўшилган киймат солиғи (ҚҚС) ташкил қилади. ҚҚС билан хўжаликнинг соя етиштириш фаолиятидан оланадиган солиқ миқдорини бирга ҳисобласак, сотиб олинаётган бир кг уруғлик соя таннархининг 19,8 фоизини (2114 сўмдан кўпроқ) ушбу соликлар ташкил этади.



17-расм. Импорт қилинган соя уруғлигининг олиб келиш ва фермерларга етказиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ва тузилиши, 2018 й., жамига нисбатан сўмда[55]


Бизнингча, хўжаликларни сифатли уруғлик материаллари билан таъминлашни яхшилаш, соя уруғи етиштирадиган фермер хўжаликлари ва соя

[55] "Ўзпахтасаноат" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби. Ҳисоб-китобларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 29 январдаги курсига мувофиқ 1 АҚШ доллари киймати 8163,93 сўм қилиб белгиланган маълумот асос қилиб олинган. http://m.cbu.uz/ru/arkhiv-kursov-valyut/

уруғчилиги селекцияси билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассаса, марказ ва лабораторияларни молиявий қўллаб-қувватлаш, пировард натижада соя уруғлик материаллари бўйича хорижга боғликлигимиз даражасини пасайтириш ва келажакда бу боғликликни мутлақ бартараф этиш мақсадида мойли экинлар, хусусан, соя етиштириш тизимида соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг субсидия ва субвенция каби иқтисодий-молиявий шаклларидан фойдаланиш тизими ва механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ (буҳақда кейинги бўлимларда сўз юритилади).

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаш маҳсулот етиштириш таннархи таркиби таҳили ва ушбу таҳлилларга асосланган тадбирларни изчил амалиётга жорий этишга боғлик.

Тадқиқот мақсад ва вазифалари доирасида Жиззах вилояти Зомин туманидаги мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликлари фаолияти таҳлили шундан далолат бермоқдаки, туманда Республика Президентининг ПҚ-2832-сонли қарори билан жами 10 фермер хўжалиги билан 80 га майдонда 898 тонна ёки режага нисбатан 33 фоиз кўп миқдорда соя дуккаклари етиштирилиб, "Бўстон Олами" МЧЖга топширилган (18-расм, 3-илова).



18-расм. Жиззах вилояти туманлари бўйича соя экин майдони, ялпи ҳосил ва бўнак ажратиш[56], 2017 йил (асосий майдонларда).

Таҳлиллар кўрсатишича, соя фермер ва масъулияти чекланган хўжаликларда етиштирилмоқда. Ҳар бир фермер хўжалигида ўртача 10-15 гектар майдонда соя етиштирилмоқда. 2017 йилда ҳар гектар соя майдони ҳисобига олинган бўнак Дўстлик туманидаги фермер хўжаликларида 342,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, Арнасой туманида бу кўрсаткич 466,67 минг сўмни, Зомин тумани бўйича эса 787,5 минг сўмни, ташкил этмоқда.


Соя етиштириш иқтисодий самарадорлиги таҳлиллари шундан далолат бермоқдаки, харажатлар таркибида асосий салмоқни меҳнат ҳақи ажратмалари

[56] "Ўзпахтасаноат" АЖ маълумотлари асосида тузилган

билан боғлик харажатлар ташкил этмоқда (25,7%). Харажат таркибида МТП хизматлари иккинчи ўринни (18,8%) эгалласа, минера ўғит билан болик харажатлар учинчи ўринни (16,5%) ва уруғлик (14,8%) ва ЁММ (13,2%) харид килиш билан боғлик бўлган харажатлар мос равишда кейинги ўринни эгалламоқда (19-расм).

Соя етиштиришда харажатларининг ошишига асосий сабаб бу минерал ўғитлар харид нархларининг ўтган йилдагига нисбатан ўрта ҳисобда 1,7 марта ошганлиги (калийли ўғитлар харид нархи ўрта ҳисобда 2,2 марта ошган) билан изоҳланади.


Соя етиштириш рентабеллиги 2017 йилда ўртача режавий ҳисоб-китобларда 50,0-77,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилги бизнес-режа ҳисоб-китоблари бўйича 26,7 фоизни ташкил этиши режалаштирилган.



19-расм. Жиззах вилояти туманлари бўйича соя етиштириш таннархи таркиби[57]

Тадқиқотлар соя етиштиришда бўнак ажратишда бирмунча ижобий тенденцияларнинг намоён бўлишини кўрсатмоқда.

[57] "Ўзпахтасаноат" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.



20-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича соя етиштириш учун ажратилган бўнакнинг тақсимоти, 2018 йил 26 июнь ҳолатига[58]

Таҳлиллар кўрсатишича, 2018 йилда соя етиштиришга бўнак режага нисбатан 14 фоизга кам ажратилган. Бўнакнинг 63,4 фоизи уруғлик олиш ва экишни ташкил этиш учун ажратилган. Республика бўйича бир фермер хўжалигига 10,0 млн. сўмдан кўпрок, бир гектар ҳисобига эса 1 млн. 897,0 минг сўм бўнак ажратилган.

Соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва механизмини такомиллаштириш мойли экинлар, хусусан, соя етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айниқса мойли экинлар уруғчилиги тизимини тубдан қайта ташкил этиш долзарб вазифалардан саналади. Бугунги кунда соя етиштиришга қилинаётган ҳар 100 сўм харажатнинг 14,0-15,0 сўми айнан уруғлик харид килишга сарфланаётганлигини инобатга олсак, уруғчилик тизимини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш ҳисобига соҳа иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Демак, соя етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларидан бири соя дуккаклари уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга иқтисодий-молиявий енгиллик ва солиқ имтиёзларини жорий этиш ҳисобланади.

Зомин туманида лалми ерларда махсар етиштириш иқтисодий самарадорлиги билан боғлиқ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари Эгамов раҳбарлик қилаётган "Ўзлик" фермер хўжалиги фаолияти мисолида таҳлил қилинди ва монографик тадқиқот усулида ўрганилди.

[58] "Ўзпахтасаноат" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

Хўжалик 2017 йилда 18 га лалми майдонда (2 февраль куни) махсар экқан ва қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширган: ер ҳайдаш, уруғ экиш, ўғитлаш (суперфосфат), кимёвий ишлов бериш, махсарни ўриш, ҳосилни ташиш кисман сақлаш ва сотиш.

Фермер хўжалиги раҳбарининг таъкидлашича[99] охирги йилларда лалми ерларда махсарнинг ўртача ҳосидорлиги 3,5-4,5 ц/га атрофида бўлиб, об-ҳаво шароити ва айниқса баҳорги ёғингарчилик миқдорига қараб махсар ҳосилдорлиги кескин фарқланиб турибди. Чунки, туманнинг Туркман МФЙ ҳудудида айрим хўжаликлар махсардан гектарига 8-10 центнердан кўпрок ҳосил олаётганлиги маълум. Хўжалик раҳбарининг таъкидлашича, махсар етиштириш самарадорлигининг пасайишига иккинчи бир сабаб – экилаётган уруғ сифатининг талаб даражасида эмаслиги ҳисобланади. Аксарият фермерлар экиш мавсуми давомида сифатли ва юкори ҳосилли уруғ таъминоти масалалари билан тўкнашиб, ўтган йилдан олиб колинган ёки аралаш уруғни экишга мажбур бўлмоқдалар.

Махсар вегитацияси даврида унга касалликларга карши кимёвий ишлов бериш дори-дармонлари камлиги, мавжудларининг кимматлиги, кимёвий ҳизмат кўрсатиш тузилмаси фаолияти талаб даражасида эмаслиги, шунингдек, фермерларнинг ўзлари касалликка карши кураш тадбирларини амалга ошираётганда махсус мосламаларининг йўклиги ҳамда уларни ишлатиш борасида етарли билим ва малакаси йўклиги соҳа самарадорлигини оширишга монелик қилаётган омиллардан яна бири ҳисобланади. Махсар етиштирувчи фермер хўжаликларининг фақат 30 фоизи вегитация даврида бу экин касалликларига карши кимёвий препаратлардан фойдаланмоқдалар. Шу боис, ўсимликлар касалликларига карши қандай дори-дармонлардан ва қандай тартибда фойдаланиш, уларни қаердан олиш ҳақидаги маълумотларнифермерларга етказиш, уларнинг бу борадаги малакасини ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бундай тадбир пировард натижада етиштирилаётган ҳосилнинг салмокли кисми йўкотилиши олдини олишга ҳизмат килади, деб ҳисоблаймиз.

Махсар етиштириш самарадорлигини оширишга монелик қилаётган муҳим омиллардан бири лалми ерларда уни етиштириш агротехнологиясининг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги, махсулот етиштириш жараёнига инновацион ғоя ва илғор тажриба, илм-фан ютуқ ва янгиликларини кўллаш борасидаги интилиш ва фаолликнинг сустлиги, айрим йўналишлар бўйича эса бундай фаолликнинг йўклигидир. Масалан, тажрибаларнинг кўрсатишича, Зомин тумани шароитида лалми ерларда махсарни февраль ойининг биринчи ўн кунлигида экиш ҳосилдорикни 15-18 фоиз оширишга имкон бериши амалиётда тасдикланган. Демак, махсарни эрта баҳорда кулай иқлим шароитида тез ва киска муддатларда экиш уни етиштириш самарадорлигини оширишнинг навбатдаги муҳим омили саналади.

Тог ва тоғолди ҳудудларининг лалми ерларида инновацион ёндашув асосида махсар етиштириш самарадорлигини ошириш омилларидан яна бири –

[99] Зомин тумани "Ўзлик" фермер хўжалиги билан бўлган суҳбат, 2018 йил 22 апрель.

агротехник жараёнларни унумдорлиги юқори, бир боришда 4-5 агротехник жараённи бир йўла бажарадиган уруғ экадиган замонавий сеялкалардан фойдаланишдир.

Таъкидлаш жоизки, бундай русумдаги сеялка ҳамда мойли экинларни ўриш ва ғарамлашга ихтисослашган механизмларни олиш учун фермер хўжаликларининг иқтисодий имкони йўклиги. Шу боис лизинг асосида фермерлар учун мақбул шартларда олишга кўмаклашиш, бунда давлатнинг мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни қўллаб-кувватлаш мақсадли, мажмуали дастурлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофик.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2017 йилда хўжаликда етиштирлган махсарнинг 90 фози норасмий воситачиларга 1800 сўм/кг дан сотилган, 10 фоизи эса келгуси йил ҳосили учун сақланган. Агарда етиштирилган махсар уй шароитида тозаланса, у ўртача нархлардан 25-35% кимматга сотилиши мумкин. Нафақат ўрганилаётган хўжалик раҳбарининг, балки тумандаги аксарият фермер хўжаликларининг таъкидлашича, етиштирилган ҳосилни Даштоболдаги кайта ишлаш корхонасига топширишда лаборатория текширувчлари 10-20 фоиз махсулотни чиқитга чиқариб, паст сифатли навларга ўтказиши окибатида махсар етиштириш самарадорлиги пасайиб кетмокда.

Махсар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардан бири бу, ҳосилни қайта ишлаш корхонасига олиб бориб топшириш билан боғлиқ транспорт харажатларнинг юқорилиги (юк ташиш машинасида бир катнаш рейсда 6-8 тонна ҳосил етказиб бергани учун кўшимча равишда (ўртача 30-50 кг бугдойнинг бозор нархида) ҳак тўланиши мумкинлиги ҳам бу турдаги махсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатмокда.

Маълумки, лалми ерларнинг салмокли кисми тоғли ва тоғолди ҳудудларда мужассамлашган. Бундай ҳудудларда иш жараёнларини ташкил этиш, механизация воситаларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, инновацион технология ва илғор тажрибаларни кўллашда махсар етиштираётган фермер хўжаликлари контурларининг катта-кичиклиги муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар кўрсатишича, тоғолди ҳудудларида махсар майдони 5 гектардан 80 гектаргача. Аниқроғи, умумий экин майдонига нисбатан олганда 30 гектаргача бўлган махсарзорлар майдонлар умумий экин майдонининг 30 фоизни, 30-60 гектаргача бўлган махсар майдонларини 30 фоизни ва 60 гектардан ошиқ майдонларини банд этган махсарзорлар 40 фоизни ташкил этади.


Тоғлик ҳудудларида эса бу кўрсаткич бирмунча ўзгача: умумий экин майдонининг 5 фоизини 20 гектаргача бўлган махсарзорлар, 80 фоизни 5-10 гектаргача бўлган майдонлар ва 5 фоизни эса 10 гектардан катта бўлган майдонлари ташкил этади.

Республикамиз вилоятлари бўйича лалми ерларда махсар экин майдони, ялпи ҳосили ва бу жабҳага ажратилган бўнакнинг улуши турлича бўлиб, миқдорий ўлчамлари махсар майдонларига мос равишда ўзгариб турибди. Мойли экинлар, хусусан, махсар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш кўп жихатдан хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлашга

боғлиқ. Шу боис хўжаликларни уруғлик махсар билан таъминлашни соя уруғчилиги тизимидагига ўхшаш шаклда ташкил этилиши максадга мувофик. Бу вазифанинг давлат дастури доирасида, молиявий қўллаб-қувватлаш механизми воситасида хал этилиши сохага инновацион ғоя ва илғор тажрибалар кириб келишига замин яратади.

Республика бўйича лалми ерларда махсар экиш учун фермерларга талаб килинганига нисбатан 7 фоиз кам миқдорда уруғлик етказиб берилган. Бу кўрсаткич Сирдарё вилояти бўйича 45 фоизни, Сурхондарёда эса 67 фоизни ташкил этган. Шунингдек, қайта ишлаш корхоналари томонидан махсар етиштирувчи фермер хўжаликларига хосил етиштириш учун талаб қилинадиган харажатларни коплаш максадида етарлича бўнак ажратилмаганлиги боис, етиштирувчиларда хосил етиштириш жараёнидаги тадбирларни уюшқоқлик билан ташкил этиш, агротехник тадбирларни талаб килинган муддатларда тўлик ва етарли даралажа амалга ошириш имкони бўлмаган. Тадкикотлар кўрсатишича, таҳлил қилинаётган йилда шартнома тузилган фермер хўжаликларига бўнак ажратиш режадагига нисбатан 12,4 фоизни ташкил этган (21-расм).

Экилган хар бир гектар махсар майдонига ўрта хисобда 29,37 минг сўм ёки хар бир фермер хўжалигига ўртача 957,46 минг сўм бўнак ажратилган. Бу кўрсаткич мос равишда Тошкент вилояти бўйича 24,6 минг сўм ва 1396,2 минг сўм бўлган бўлса, Жиззах вилоятида бирмунча



21-расм. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича лалми ерларда махсар экин майдони, ялпи хосил ва ажратилган бўнакнинг улуши, 2017 й.

юкорирок, яъни 53,84 минг ва 1428,4 минг сўмни ташкил этди. Аксарият фермер хўжаликлари махсар майдони кичиклиги боис, агротехник тадбирларни

ўз хисобидан амалга оширишга интилмокдалар. Худудлар бўйич қарайдиган бўлсак, ажратилган бўнакнинг 55 фоиздан кўпроғи Самарқанд вилояти хўжаликларига тўғри келган бўлса, 23,8 фоизи Жиззах вилояти ва 10 фоиздан кўпроғи Тошкент вилояти хўжаликларига тўғри келган.

Демак, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

-мойли экинларни ташиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлар ва бу жараёндаги тўловлар тизимини такомиллаштириш;

- қайта ишлаш корхоналари томонидан ҳосилни қабул қилиш тизими ва механизмини такомиллаштириш;

- қайта ишлаш корхонаси томонидан қабул қилинадиган махсар дони сифатини аниклаш жихозларини модернизациялаш ва автоматлаштириш-компьютерлаштириш;

- топширилаётган махсар дони сифатини аниқлашнинг инновацион йўллари ва электрон-онлайн усулларини жорий этиш ва соддалаштириш хисобига ушбу жараённинг шаффофлигини таъминлаш;

- қайта ишлаш корхонаси билан маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасидаги манфаатлар уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-молиявий тадбирларни амалга ошириш.

IV БОБ. МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1 Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини "субсидия ва субвенция" асосида оширишнинг айрим масалалари

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ҳозирги ҳолатида асосан ёғ-мой санаоти корхоналари билан шартнома тузган фермер хўжаликларининг шартнома предметини қамраб олган, мойли экинлар етиштириш билан боғлиқ муаммоларни эса тўлиқ ифода этмаган. Чунончи, ундан мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларининг уни етиштиришдан манфаатдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда ишлаб чиқариш омилларидан, энг муҳими, ер ва сув ресурслари, инвестиция ва инсон омилидан окилона ва самарали фойдаланиш, соҳага инновацияни жорий этишни рағбатлантириш масалалари тўлиқ қамраб олинмаган.

Фикримизча, республикамизда мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ва истеъмоли бўйича жаҳон озиқ-овқат бозорида юз бераётган ўзгаришлар тенденциясини инобатга олган ва улар билан ўзаро чамбарчас ҳолда амалга ошириб борилиши лозим.

Жаҳон мойли экинлар бозорида 13 турдаги[60] ўсимлик мойи таклиф этилаётган ҳозирги пайтда дунё микёсида 2015-2016 қишлоқ хўжалиги йилларида 178,3 млн. тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарилган. Унинг 34 фоизи пальма мойи, 29 фоизи соя, 16 фоизи рапс, 8 фоизи кунгабоқар ва 2 фоизи пахта мойи ҳиссасига тўғри келган[61]. Ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойининг 87 фоизи тўрт турдаги ўсимлик: пальма, соя, рапс ва кунгабоқар ўсимликлари мойи ҳиссасига тўғри келмоқда. Таъкидлаш жоизки, охирги 10-15 йил мобайнида ўсимлик мойи ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари амплитудаси 0,8-8,6 фоизни ташкил этиб[62], барқарор ўсиши кузатилаётган бир даврда, пахта ва рапс мойи ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиш тенденцияси намоён бўлмоқда. Шунингдек, жаҳон ўсимлик мойи импорти таркибида 71,0 фоизни пальма (44%), соя (14%) ва кунгабоқар (13%) мойлари,[63] экспорти таркибида эса улардан олинган мой 85,8 фоизни (пальма 63,3%, соя 13,9% ва кунгабоқар 8,6%) ташкил этмоқда[64].

Дунё микёсида охирги йилларда ўсимлик мойи ишлаб чиқариш географияси мойли экинлар етиштириш соҳасида инновацион ва ресурстежамкор агро-технологиялар, айниқса, уруғчилик тизимида фан ва техника, генетика ва "ген инженерияси" соҳасидаги янгиликлар кенг қўлланиши таъсирида ўзгариб бормоқда. Бу мойли экинлар майдонларининг диверсификациялашувига, ўсимлик мойи истеъмоли, шунингдек, давлатлар ва минтақалараро бу турдаги мой экспорти ва импорти геграфиясига ҳам таъсир этмоқда.

МДҲга аъзо давлатларда охирги йилларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш масаласи миллий муаммодан минтақавий ва глобал муаммога айланди. Бу муаммони ҳал этишда ўсимлик мойи ишлаб чиқариш соҳасининг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги боис, бу турдаги мой ишлаб чиқариш бирмунча юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, МДҲга аъзо давлатларда 2010-2014 йиллар мобайнида ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 1,6 марта (2010 йилда – 6,6 млн. тонна, 2014 йилда – 10,8 млн. тонна) ошган бўлса-да, унинг истеъмоли бирмунча пастроқ даражада ўзгарди. Чунончи, 2010 йилда мазкур давлатларда истеъмол қилинаётган ўсимлик мойи ишлаб чиқарилаётган жами ўсимлик мойининг 50 фоизини ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсатгкич 31,5 фоиз даражасида бўлди. Аҳоли жон бошига ўсимлик мойи ишлаб чиқариш МДҲга аъзо мамлакатларда таҳлил қилинаётган давр мобайнида барқарор ўсаётганлиги билан тавсифланиб, бу кўрсаткич Қозоғистонда 21 кг бўлган бўлса,

[60] Язев Г.В. Проблемы обеспечения экспорта масличных культур в современном российском АПК. //Экономические науки. Экономика и управление народным хозяйством. Москва, -2016, - № 10, С.-43.

[61] Мировой рынок растительного масла. http://xn--80aplem.xn--p1ai/analytics/Mirovoj-rynok-rastitelnogo-masla/

[62] Мировой рынок растительного масла: тенденции и прогнозы. https://marketing.rbc.ru/articles/507/https://marketing.rbc.ru/articles/507/

[63] Мировой рынок растительного масла. http://xn--80aplem.xn--p1ai/analytics/Mirovoj-rynok-rastitelnogo-masla/

[64] Мировой рынок растительного масла: тенденции и прогнозы. https://marketing.rbc.ru/articles/507/https://marketing.rbc.ru/articles/507/.

Белоруссияда 18 кг, Россияда 14 кг, Арманистон ва Озарбайжонда 10 кг ни ташкил этди[65].

Мутахассислар эътироф этишича, Россия Федерациясида яқин келажакда мойли экинлар майдонларининг кенгайиши глобал иқлим ўзгариши ҳисобига мамлакат шимолий ҳудудларида қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, мойли экинлар етиштириш учун қулай иқлим шаклланиши билан боғлиқ бўлади[66].

Республикамизда аҳоли жон бошига 2010 йилда 8,4 кг, 2016 йилда эса 7,0 кг ўсимлик мойи ишла чиқарилган. Унинг истеъмоли эса таҳлил қилинаётган давр мобайнида 1,8 фоизга кўпайиб, 2010 йилда 4,43 кг ва 2016 йилда 4,51 кг ни ташкил этди[67].

Таҳлиллар дунё микёсида мойли экинлар етиштириш соҳасида иқтисодий самарадорликни ошириш, соҳага инновацион ишланма ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, нафақат уни етиштирувчи хўжаликлар, балки ўсимлик мойи ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қайта ишлаш корхоналарининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ва техник-технологик жиҳатдан модернизация қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида "давлат ва хусусий сектор шерикчилиги" тамойиллари асосида мутлақ янги ёндашув, концептуал жиҳатдан инновацион, стратегик жиҳатдан ресурстежамкор технология ва замонавий илм-фан ютукларига, шунингдек, тактик жиҳатдан инновацияни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган тизим, механизм ва дастаклар асосида чора-тадбирларни амалга ошириш йўлидан бораётганлигидан далолат бермоқда[68]. Бугунги кунда мойли экинлардан олинаётган маҳсулотлар ўсиб борилаётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаб, тўйиб овқатланиш билан боғлиқ муаммони ҳал қилиши билан бирга, ер шарида ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик барқарорликни сақлаш ва таъминлашдек масъул вазфани ҳам бажариб келмоқда[69]. Шунингдек, глобаллашув шароитида мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш нафақат озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ муаммоларни, балки тупроқ унумдорлигини ошириш[70] ва қишлоқ

[65] Потребление растительного масла в государствах - участниках СНГ. https://vuzlit.ru/1389254/potreblenie_rastitelnogo_masla_gosudarstvah_uchastnikah.

[66] Луковец В.М., Зеленцов С.В., Кривошлыков. Перспективы и резервы расширения производства масличных культур в российской Федерации // Масличные культуры. Научно-технический бюллетень Всероссийского научно-исследовательского института масличных культур. – 2015. – Вып. 4(164). С. 81-102.

[67] Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламы: 2010-2016 йй. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитаси. Тошкент, 2017, 40, 124, 212 - бетлар.

[68] Andrianasolo F.N., Casadebaig P., Maury P., Debaeke P., Maza E., Champolivier L. Prediction of sunflower grain oil concentration as a function of variety, crop management and environment using statistical models // EUROPEAN JOURNAL OF AGRONOMY. 2014. p. 84-96. DOI: 10.1016/j.eja.2013.12.002

[69] Mattsson B., Blix L., Cederberg C. Agricultural land use in life cycle assessment (LCA): case studies of three vegetable oil crops // JOURNAL OF CLEANER PRODUCTION. № 4. 2000. p. 283-292 DOI: 10.1016/S0959-6526(00)00027-5

[70] Amanov Sh. Study Some Biological Aspects and Development of pest Management Program for Safflower Weevil, Bangasternus orientalis Cap. // Scholars Academic Journal of Biosciences (SAJB)/ - Bhawer, 2016. – Volume 4(4A). P. 318-319. IF – 4.29. Index Copernicus (17).

хўжалиги ерларининг деградация даражасини пасайтиришнинг муҳим омили бўлиб ҳам хизмат қилмоқда[71,72].

Мойли экинлар глобал иқлим ўзгариши шароитига мослашган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш, агро-экотизим ва ҳудудлар табиий-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда экинларнинг оптимал таркибини шакллантириш ва жойлаштиришда ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик аҳамият касб этмоқда[73, 74]. Ўзбекистонда ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бу йўналишда, айниқса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мойли экинларнинг ўрни ва аҳамиятини оширишга йўналтирилган мажмуали тадбирлар узлуксиз амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз[75,76].

Хорижий давлатларда мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш, улардан олинадиган мойнинг нафақат ички, балки ташқи озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг субсидия ва субвенция каби молиявий дастакларидан унумли фойдаланиб келинмоқда.

Масалан, Қозоғистонда ўсимликчиликда тармоқ тузилишини диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларини мойли экинлар етиштиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 2017 йил август ойидан бошлаб давлат томонидан субсидиялашнинг янги механизми жорий этилди. Унга мувофиқ мойли экин дони етиштираётган ҳар бир хўжалик етиштирган 1 тонна мойли экин дони учун 8,5-11,0 минг тенга олади[77].

Россия Федерациясининг Олтой ўлкасида 2018 йилдан мойли экинлар уруғлик дони етиштирувчи хўжаликлардан харид қилинадиган уруғлик дон учун ажратиладиган субсидия 1,5-2 маротаба оширилган[78].

Африканинг қатор давлатларида, жумладан, Ганада фермер хўжаликларига мойли экин етиштиришда қўлланиладиган кимёвий ўғитлар давлат томонидан

[71] R.A.L. Kanton,S. S. J. Buah, A. Larbi, A. M. Mohammed, J. K. Bidzakin, and E. A. Yakubu. Soil amendments and rotation effects on soybean and maize growths and soil chemical changes in northern Ghana. Nternational Journal of Agronomy. Volume 2017, Article ID 4270284, 9 pages. https://doi.org/10.1155/2017/4270284

[72] Ludy Keino, Frederick Baijukya, Wilson Ng'etich, Abigael N. Otinga, John R. Okalebo, Ruth Njoroge, and John Mukalama. Nutrients Limiting Soybean (*glycine max l*) Growth in Acrisols and Ferralsols of Western Kenya. PLoS One. 2015; 10(12): e0145202. Published online 2015 Dec 30.doi:10.1371/journal.pone.0145202.https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC4696802/

[73] Мухторов А. ва бошқ. Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш учун қишлоқ хўжалиги янги технологияларининг имкониятлари. "Иқлим ўзгаришига мослашиш: Ўзбекистон ва Қозоғистон мисолида". БМТ Тараққиёт дастури, ЮНДП, Тошкент.-2012. 12-13 б. http://www.climate.uz/rusection.scm?sectionid=4316&contentid=4344; http://uznature.uz/rus/newsmain/337/html; http://uznature.uz/rus/ekologicheskieugrozy.html

[74] A.Kh.Mukhtorov, F.M.Yusupova, Z.A.Mukhtorova, G.M.Abdulhaeva. The Impact of Climate Change on Agricultural Production and Adaptations to Climate Change in Uzbekistan. Экономика и предпринимательства. №5. 2018 г. – 533-536.

[75] Файзиев О.Р. Социально-экономическое значение возделывания масличных культур в Узбекистан. International Scientific Practical Conference "WORLD SCIENCE" № 3(3), Vol.3, November 2015. P/10-1. ISSN 2413-1032.

[76] Мухторов А., Юсупова Ф., Мухторова З. Повышение экспортного потенциала аграрного сектора Узбекистана на основе инновационных технологий. «Развитие бизнеса в аграрном секторе экономики Республики Белорусь» Материалы XI Международной научно-практической конференции. Минск, 13-14 октября 2016 г./В.Г.Гусакова – Минск: Институт системных исследований в АПК НАН Белоруси, 2017. – 251с.–ISBN978-985-6972-89-1.

[77] http://kagro.kz/stati/vyuriki-gazety/30-394/subsidii-na-maslichnye-za-i-protiv.html.

[78] Agroinfo.com.

субсидияланиб, фермерларнинг барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш тизими жорий этилган[79].

Канадада эса соҳани ривожлантириш мақсадида нафақат мойли экинлар етиштирувчиларга, балки уларнинг донини қайта ишловчи корхоналарга ҳам давлат томонида турли молиявий, иқтисодий-солиқ имтиёз ва енгилликлари жорий этилган. Мойли ўсимликлар етиштириш ва мой ишлаб чиқариш соҳасининг инновацион ривожланишини таъминлаш давлатнинг мақсадли дастурлари асосида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларига, жумладан, ёғ-мой саноати корхоналари ва ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ имтиёзларидан чегирмалар жорий этилган. Бундай имтиёзлар икки турдан иборат бўлиб, биринчисида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойи ҳажми, иккинчисида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойи ҳажмининг ўсган қисми асос ва мезон бўлиб хизмат қилади. Ҳажм бўйича солиқ имтиёзи корхонанинг илмий тадқиқотларга қилган харажатлар миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

Эътиборлиси шундаки, Канадада ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг илмий тадқиқот ишларига йўналтирган маблағлари юз фоиз уларнинг солиқ солинадиган даромади базасидан чегириб ташланади.

Ўсиш мезонларига асосланган солиқ имтиёзлари эса корхона жорий йилда илмий тадқиқотларга сарфлаган харажатларининг базис йилига ёки маълум давр мобайнидаги ўртача кўрсаткичга нисбатан сарфланган харажатларга нисбатан ўсган қисмига жорий этилади. Одатда, бу 20 фоизни ташкил этади[80]. Канаданинг турли провинцияларида мойли ўсимлик етиштирувчи кичик қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан ҳам турли солиқ имтиёзлари ва енгилликлари жорий этилган[81,82].

Эътиборлиси шундаки, канадада мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш давлатнинг мақсадли дастури асосида "Қишлоқ хўжалиги инновацион дастури" воситасида амалга оширилади. Мамлакатда мақсадли дастурлардан инновацияни бошқариш дастаги сифатида фойдалниш учун етарли меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган.

Республикамизда ҳам мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш тизимида дунёда ўсимлик мойи экспортида тўртинчи ўринда турган Канада давлати тажрибасидан келиб чиқиб, инновацияни бошқаришнинг ушбу дастаклари(инструментлари)дан фойдаланган ҳолда давлат томонидан шундай солиқ имтиёз ва чегирмаларини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

[79] R. A. L. Kanton, S.S.J. Buah, A.Larbi, A.M.Mohammed, J.K.Bidzakin, and E.A.Yakubu. Soil Amendments and Rotation Effects on Soybean and Maize Growths and Soil Chemical Changes in Northern Ghana. Nternational Journal of Agronomy. Volume 2017, Article ID 4270284, 9 pages. https://doi.org/10.1155/2017/4270284

[80] Язев Г.В. Проблемы обеспечения экспорта масличных культур в современном российском АПК. //Экономические науки. Экономика и управление народным хозяйством. Москва, -2016, - № 10. С.-43.

[81] Камодцева М.Е. Управление инновационным развитием АПК:опыт США и Канады. // М. - 2011. С. 16.

[82] Базаров З. Анализ зарубежного опыта государственной подержки агропромышленного коплекса. //"Biznes-Эксперт", №2, 2017, - 92-95 б.

Фикримизча, нафақат мойли экинлар етиштириш соҳаси, балки қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги ёндашув, йўналиш, усул ва дастакларни тубдан такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади.

Шунингдек, давлатнинг қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан бўлган иқтисодий муносабатлари орқали тармоқни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш функцияларини кенгайтиришга эришишни таъминлаш лозим. Буларнинг барчаси республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион иқтисодиётни шакллантиришни таъминлайди, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, эндиликда мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда соҳани "субсидия ва субвенция" тамойиллари асосида қўллаб-қувватлаш механизмини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз аграр иқтисодиёти амалиётида молиявий қўллаб-қувватлашнинг субсидия ва субвенция каби турлари ранг-баранг кўринишларда қўлланиб келинмоқда. Маъно ва мақсад нуқтаи назаридан, субсидия ва субвенциялар маълум муаммони ҳал этишга йўналтирилган молиявий кўмак ҳисобланади.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадррлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда соҳани "субсидия ва субвенция" тамойиллари асосида қўллаб-қувватлаш механизмини қўллаш мақсадга мувофиқ:

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг (2013 й.) 3 моддасида, " ... **"субвенция"** - муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

"субсидия" - товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари", ...деб, таъриф берилган.

Маълумки, жаҳон аграр соҳаси иқтисодиёти тизимида нисбатан истиқболли ҳамда ижтимоий-иқтисодий, экологик нуқтаи назардан зарур ҳисобланган лойиҳалар, соҳа ва ишлаб чиқариш йўналишларини тезкор тарзда ва манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида молиявий маблағлар билан қўллаб-қувватлаш амалиёти кенг қўлланиб келинмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти амалиётида ҳам молиявий қўллаб-қувватлашнинг субсидия ва субвенция каби турлари ранг-баранг кўринишларда қўлланиб келинмоқда. Том маънода олганда, маълум мақсадларга йўналтирилган субсидия ва субвенциялар аграр-тадбиркорлик субъектларига бериб келинмоқда. Маъно ва мақсад нуқтаи назардан, ушбу субсидия ва субвенциялар маълум муаммони ҳал этишга йўналтирилган молиявий кўмак ҳисобланади.

Субсидия ва субвенция – бюджет мамлағлари ҳисобидан кўрсатиладиган молиявий кўмакнинг икки тури ҳисобланади. Одатда, бу иқтисодий атамалар давлат молияси ёки давлат томонидан молиялаштириш борасида сўз борганда кўпроқ қўлланилади.

Субсидия (lot. subsidium – ёрдам, нафақа, қўллаб-қувватлаш) – давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар маблағлари ёки махсус фондлардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга, бошқа давлатларга бериладиган пул маблағи ёки натурал шаклидаги ёрдам.

Маблағлар кўринишидаги аниқ манзилли субсидиялар бевосита субсидия, солиқ ёки бошқа имтиёзларни жорий этиш билвосита субсидия, деб аталади.

Субсидия давлат томонидан қайтариб олмаслик шарти билан ажратилади. Субсидиялар иқтисодиётни диверсификациялаш (таркибан ўзгартириш), экспорт-импортни мувозанатлаб туриш, фан-техника янгиликларини ўзлаштиришни йўлга қўйиш, миллий иқтисодиёт реал секторини ўстириш, айрим ҳудудларни ривожлантириш, конверсия ва бошқа мақсадларда ажратилади.

Жаҳон бозоридаги нархни ушлаб туриш учун бозорга қўшимча товарларни чиқармаслик зарур бўлганда давлат ўз товарларини захирага ўтказиб турган фирмаларга субсидия бериб, товарларни сақлаб туриш харажатларини коплайди. Давлатнинг иқтисодий дастурларида иштирок этадиган корхоналар ҳам субсидия олади.

Субвенция – давлат бюджети томонидан юридик шахсларга ёки бюджет ташкилотларига ажратиладиган пул маблағлари ҳисобланади. Давлат томонилан кўрсатиладиган бундай кўмакнинг асосий ўзига хос хусусияти ва шарти – маблағлардан мақсадли ва муддатида фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу шартлардан бирининг бузулиши ёки унга риоя этилмаслиги, ушбу пул маблағларни қайтариб олишга асос бўлиб хизмат қилади. Этиборлиси шундаки, субвенциялар уни олаётган ташкилот томонидан ўз маблағларини жалб қилмасдан у ёки бу фаолият турини тўлиқ амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлиқ коплаши мумкин.

Субвенциялар фақат пул маблағлари кўринишида, аниқ бир мақсад ёки лойиҳани амалга ошириш учун берилади.

Субсидиялар пул кўринишидан ташқари натурал (моддий ёрдам, озиқ-овқат, кўчат, уруғлик ва х.к.) кўринишда берилиши мумкин. Субвенция ҳам, субсидия ҳам солиққа тортилмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, субвенция ва субсидиялар тизими соҳа ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакли сифатида дунёнинг турли давлатларида қўлланиб келмоқда, мойли экинлар етиштириш соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Республикамизда давлат буюртмаси асосида етиштирилаётган стратегик аҳамият касб этувчи айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида бундай шаклларнинг қўлланиши бунга мисол бўла олади.

Тадқиқотлар мойли экинлар, хусусан, соя етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида хориждан харид

қилинаётган уруғлик соя таннархида салмоқли улушни ташкил этаётган ҚҚС (15,4%) даражасини қайта кўри чиқиш ҳамда уруғлик етказиб берувчиларга нисбатан маълум муддатларда солиқ имтиёзи бериш ёки "солиқ таътиллари"ни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Ҳисоб-китобларимизнинг кўрсатишича, хориждан харид қилиниб, фермер хўжаликларига етказиб берилаётган тадбиркорлик субъектлари, таъминотчи ташкилотларни соя уруғлиги таннархи таркибидаги ҚҚСдан маълум муддатга (5 йилга) озод этиш асосида, давлатнинг молиявий кўмаги билан соя уруғлигини шу суммадаги миқдорга (5,5%) пасайтирган ҳолда фермерларга етказиб бериш (1 кг сояни 9118,8 сўмдан) тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Бунинг натижасида соя етиштираётган ҳар бир фермер хўжалигининг бир гектар соя экини майдонидан оладиган фойдаси миқдори қўшимча соф фойда (132,6 минг сўм/га) ҳисобига 1691,5 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 29,63 фоизни ташкил этади.

Бу соя етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ажратиладиган **субсидия ҳажмининг ўрта ҳисобда ҳар йили 1,8-2,3 фоиз бўлишини таъмин этади.**


Хориждан уруғлик соя етказиб бераётган хўжаликлар давлат томонида кўрсатилаётган молиявий кўмак натижасида иқтисод қилинаётган маблағи мойли экинлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда хўжалик инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилиши мумкин.

4.2. Мойли экинлар етиштиришда суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида соҳа иқтисодий самарадорлигини ошириш

Бугунги кунда республикамизда соя, кунгабоқар, махсар каби мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларининг аксарияти суғурта тизимидан тўлиқ фойдаланмаяпти.

Фақатгина "Ўзпахтаёғ" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари асосий майдонда экилган соя экини бўйича икки турдаги суғуртани амалга оширмоқдалар:

- етказиб берилаётган уруғлик соя дони қийматини;
- берилаётган бўнак маблағ суммаси қийматини.



Берилган бунак 50%

22-расм. Соя етиштириш сохасида суғурта тизими.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бўлғуси қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини суғурта қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳокама учун эълон қилинди.

Ҳужжат билан қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда янгича услубларни кенг қўллаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини турли табиий офатлар натижасида кўрадиган зарарлардан суғурта механизми орқали ҳимоялаш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишни таъминлаш мақсадида пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича ишлаб чиқилган "Бўлғуси қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини суғурта қилиш тўғрисида"ги Низомни, "Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолати мониторингини ўтказиш Тартиби"ни ҳамда "Қишлоқ хўжалик экинларини суғурта қилиш механизми"ни тасдиқлаш назарда тутилди. Унга мувофиқ суғурта ташкилотлари пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи хўжалик субъектлари билан экинлар ҳосили қийматининг 2 (икки) фоизи миқдорида суғурта қилиш харажатларига ажратиш бўйича ҳар йили:

- ғалла ҳосили учун 10 декабргача;

- пахта ҳосили учун 20 апрелгача муддатларда суғурта шартномаларини расмийлаштириши мумкин.

Экинлар ҳосилига етказилган зарарлар бўйича аниқланган молиявий қопламалар ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш ҳамда суғурта ташкилотларининг тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта ташкилотлари томонидан суғурта шартномасига асосан тўланиши лозим бўлган суғурта товонлари ҳажми йиғилган суғурта мукофотларининг 80 фоизидан ошган қисмини қоплаш максадида суғурта ташкилотига 1 йил муддатга фоизсиз бюджет ссудаси ажратилишини таъминлайди.

Суғурта ташкилоти томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига аниқланган суғурта товонлари қишлоқ хўжалик корхоналарининг 23210 - ҳисоб-ракамига ўтказиб берилади ва ўтказилган суғурта товонлари биринчи навбатда тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредит ва унга ҳисобланган фоизларни сўндиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилади.

Таъкидланганлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги тизимида суғурта тизими амалий жиҳатдан аксарият ҳолларда пахат ва ғалла етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ноанъанавий экинлар – соя, кунгабоқар, махсар каби мойли экинлар суғурта тизими доирасида эътибордан четда қолмоқда.

Шу боис республикамизда мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим иқтисодий дастакларидан бири соҳада суғурталаш тизимини кенгроқ жорий этиш саналади. Бунинг учун эса, нафақат давлат буюртмаси доирасидаги қишлоқ хўжалиги экинлари, балки бошқа, жумладан, мойли экинлар етиштиришни суғурталаш, бунинг учун, суғурталаш тизими ва механизмининг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш давр талабига айланмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Хориж тажрибасига асосланган ҳолда республикамизда "Ўсимликчиликда мажбурий суғурта" қонуни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Ушбу қонун бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари қаторида соя, кунгабоқар, махсар, зигир, кунжут каби мойли экинларни суғурталаш тизими ва уни амалда қўллаш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, бугунги кунда республикамизда соя, кунгабоқар, махсар каби мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларининг аксарияти суғурта тизимидан тўлиқ фойдаланишлари учун молиявий имкониятлари бирмунча чекланган.

Гарчанд, "Ўзагросуғурта" АТК хизматлари таркибида мойли экинларни суғурталаш кўзда тутилган бўлса-да, хавф юқорилиги боис мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари билан суғурта шартномаларининг умумий тузилган шартномалар таркибидаги улуши пастлиги, ниҳоятда ташвишли ҳол, албатта.

Масалан, 2015 йилда мойли экинлар ҳосилини суғурталаш бўйича суғурта жавобгарлиги 1230000 минг сўм бўлган 22 та шартнома тузилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич мос равишда 185000 минг сўм ва 13 тани ташкил этди.

"Ўзпахтаёг" АЖ тизимидаги қайта ишлаш корхоналари юқорида қайд этилганидек, фақатгина асосий майдонда экилган соя экини бўйича икки турдаги суғуртани амалга оширмоқдалар:

- етказиб берилаётган уруғлик соя дони қийматини суғурталаш;

- берилаётган бўнак маблағ суммаси қийматини қайтариб бермаслик хавфини суғурталаш.

Соҳада молиявий кўмак ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастакларидан бири мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларини суғурталаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини давлат томонидан қоплаш тизими ҳисобланади. Бунда мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларини суғурталаш билан боғлиқ харажатларни давлат томонидан қоплаш тизимини табақалашган механизм асосида жорий этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, фермер хўжалиги 2019 йилда 10 га майдонда махсар экишни режалаштирган. Хўжаликда режавий ҳосилдорлик гектаридан 5,0 центнер қилиб белгиланган.

"Ўзагросуғурта" АЖнинг 2015 йил 19 августдаги 146-сонли байённомаси билан тасдиқланган "Ёғ-мой берадиган экинлар етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг экинларидан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарини ихтиёрий суғурталаш қоидалари"га мувофиқ суғурта пули ва суғурта мукофатини ҳисоблаш жадвали қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

27-жадвал. Суғурта пули ва суғурта мукофотини ҳисоблаш жадвали, (минг.сўм)

№	Қишлоқ хўжалик экинларининг номи	Умумий экин майдони, га	Суғурта қабул қилинган ҳосилдорлик, ц*	1 центнер ҳосил нархи**	1 гектар ҳосил қийматн (4*5)	Бутун майдондаги экин ҳосил нинг қиймати (3*6)	Суғурта жавоб гарлиги фоиз (%)	Суғурта пули (7*8/100)	Қўлла-нилган ставка (%) ***	Ҳисобла б чиқилган суғурта мукофоти (қўшимча қиймат солиғисиз) (9*10/100)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Биринчи вариант										
1	Махсар	10	5,0	230,0	1150,0	11500,0	50	5750	8	460,0
Иккинчи вариант										
	Махсар	10	5,0	230,0	1150,0	11500,0	50	5750	5	287,5

Демак, фермер кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарари суғурталанганда ҳар бир гектар учун биринчи вариант бўйича 46,0 минг сўм, иккинчи вариант бўйича 28,7 минг сўмдан тўлаши лозим. Таклиф этилаётган механизмга мувофиқ эса бу тўлов мос равишда 23,0 минг сўм/га ва 14,35 минг сўм/га ни ташкил этади. Давлатнинг суғурта тизимини қўллаб-қувватлаш бўйича субсидияси ҳар бир гектар ҳисобига 2,0-1,25 фоизни ташкил этиши мумкин.

Маълумки, пахта хом ашёси етиштиришда тупроқ шароитлари, агротадбирларни бажариш технологияси ва нефть махсулотлари сарфи

турличалигини ҳисобга олган ҳолда, республика туманлари уч минтақага бўлинган[83].

Фикримизча, мойли экинлар етиштиришда сарфланадиган меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи тартиблари ҳам шундай минтақавий ёндашув асосида ишлаб чиқилиши, улар асосида етиштирилаётган маҳсулот таннархи ҳисоб-китоблари амалга оширилиши, бу ҳисоб-китоблар ва амалдаги кўрсаткичлар асосида мойли экинларга «Ўзпахтаёғ» АЖ томонидан ажратилаётган бўнаклар табақалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларида бу экин ҳосилини суғурталаш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини давлат томонидан қоплаш тизими асосини минтақалар бўйича табақалаштирилган тўлов механизми ташкил этиши лозим. Табақалашган механизм асосини эса, экин тури бўйича маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат сарфи ва меҳнат сиғими ҳамда маҳсулот етиштиришда банд бўлган ишчилар сони ташкил этиш даркор. Бунда ҳудуд ва минтақа бўйича ушбу индикаторларнинг ўртачаси инобатга олинса ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларини олинадиган ҳосилни суғурталаш билан боғлиқ харажатлар тўловини давлат томонидан қоплаш даражаси юқорида қайд этилган минтақалар бўйича мос равишда 0,25:0,50:0,75 нисбатда бўлиши ижобий натижа бериши мумкин.

Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

- мойли экинлар республикамизнинг табиий-иқлим шароити турлича бўлган ҳудуд ва минтақаларида етиштирилиши боис, уларни етиштиришда меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи бир-биридан кескин фарқланади;

- мойли экин етиштиришда етиштирилаётган маҳсулотнинг меҳнат сиғими ҳамда фермер хўжаликларининг техника воситалари билан таъминланганлик даражасининг тебраниш амплидудаси юқори бўлиб, кучли дифференциацияланган;

- мойли экинлар етиштириш агротехнологик жараёнларининг ҳудуд ва минтақалар бўйича ўзига хос хусусиятлари мавжуд;

- мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларининг ҳудудий жойлашуви, мойли экин майдонининг аксарият ҳолларда кичик ҳажмдалиги ҳамда таъминоат, хизмат кўрсатиш ва маҳсулотни қабул қилувчи корхоналарнинг географик жойлашуви хусусиятлари боис, етиштирилаётган маҳсулт таннархи таркиби бир-биридан фарқланади;

- мойли экинлар (маҳсар, зиғир ва кунжит) об-ҳаво ва иқлим шароитларининг кескин ўзгаришига ўта сезгирлиги ва улар таъсирига мойиллиги ва бошқалар.

Унинг жорий этилиши мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

[83] "Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 йиллар учун". 1 қисм. Тошкент, 2016. -137 бет.

4.3. Мойли экинлар етиштиришда уруғчилик тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида соҳа иқтисодий самарадорлигини ошириш

Республикамизда мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишга дахлдор навбатдаги муҳим йўналишлардан бири мойли экинлар уруғчилиги тизимини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш асосида, уларнинг маҳаллий шароитларга мослашган, қурғоқчиликка ва касалликка чидамли ва юқори ҳосилли ҳамда таркибида мой миқдори кўп бўлган навларини яратиш ҳисобланади.

Шу ўринда бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоиз. 2010 йилда республика ёғ-мой тармоғида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарорида, юртимизда мавжуд бўлган ёғ-мой саноати корхоналарининг 50 фоизи хориждан келтириладиган хом ашё асосида ишлаши белгилаб қўйилан эди. Аниқроқ айтганда, ўша йилларда тармоқдаги 52 та корхонадан йиллига 1 млн. тонна мойли экинлар уруғини қайта ишлаш қувватига эга бўлган 25 та ёғ-заводи республикамизда етиштирилмайдиган ёки бўлмаса, ҳаддан ташқари кам миқдорда етиштириладиган ҳамда тўлиқ хориждан сотиб олинадиган мойли экинлар уруғ-дуккакларини қайта ишлашга йўналтирилиши белгиланган ҳамда шу йўналишларда муайян ишлар амалга оширилган.

Қолган 27 та корхона эса фақат пахта чигитини қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Тармоқ ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти паст даражада бўлган.

Ёғ-мой саноати тармоқларини модернизация қилиш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ соҳадаги 21 корхонада қиймати 38,0 млн. АҚШ доллари бўлган 35 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Унинг 51,8 фоизи корхоналарнинг ўз маблағлари, 33,7 фоизи хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри йўналтириладиган маблағлари ва 14,5 фоизи банк кредитлари ҳисобидан йўналтирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, ушбу инвестиция маблағларининг асосий қисми пахта чигитини қайта ишлашга ихтисослашган техника ва жиҳозларни харид қилишга йўналтирилган. Бу ноанъанавий мойли экинлар – соя, кунгабоқар, маҳсар ва зиғир етиштириш ва улардан мой олиш масалалари бирмунча эътибордан четга қолганлигидан далолатдир.

Республикамизда мойли экинлар, жумладан, табиий-иқлим шароит мавжуд бўлган минтақа ва ҳудудларда соя уруғи етиштиришни ташкил этиш хориждан хар йили валюта ҳисобига сотиб олинадиган соя дуккаклари миқдорини камайтирган ҳолда, соя уруғчилиги тизимини ривожлантиришга, демак, мойли экинлар майдонини диверсификациялашга имкон беради[84].

Таҳлиллар кўрстишича, четдан олиб келинган соя уруғлик қийматида воситачи ташкилот томонидан тўланадиган ҚҚСнинг улуши 15,4% фоизни ташкил этади.

[84] Соя дуккаклари республика ёғ-мой саноати тармоғи томонидан тижорат банкларининг 8 фоизли миғёзли кредит маблағлари ҳисобига, миллий валютада харид қилиниши белгиланган.

Фикримизча, бугунги ва эртанги кунни ҳамда узоқ муддатлардан кейин соядан олинадиган ўсимлик мойининг республикамиз озиқ-овқат ховфсизлигини таъминлаш, чорва озука базасини мустаҳкамлаш, озиқ-овқат саноати ва саноатнинг бошқа соҳаларида ундан фойдаланиш даражаси ва имкониятларини инобатга олган ҳолда:

- соя етиштиришга қулай шароит мавжуд бўлган ҳар бир туманда соя уруғчилиги билан шуғулланадиган фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларни молиявий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг мақбул механизмларини жорий этиш;

- уруғлик сояни жаҳон баҳоларидан кам бўлган нархларда сотиб олиш тартибини жорий этиш;

- соя, кунгабоқар, махсар ва рапс каби мойли экинлар селекцияси билан янги навларини яратишга йўналтирилган инновацион, амалий ва фундаментал тадқиқотларга устуворлик бериш;

- четдан олиб келинаётган соя уруғи бўйича воситачи ташкилотлар томонидан тўланадиган ҚҚСни бекор қилган ҳолда фермер хўжалигига 15-20 фоиз арзон нархларда уруғлик етказиб бериш механимини жорий этиш максадга мувофик..

Четдан келтирилаётган соя уруғлигини давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам натижасида субсидиялаш даражаси бир гектар соя майдонидан етиштирилаётган ҳосил кийматига нисбатан 0,04-0,05 фоиз даражасида бўлиши мумкин.

Бу соя етиштираётган фермер хўжаликларига ҳар бир гектардан ўрта ҳисобда 116,8-146,1 минг сўмдан қўшимча фойда кўриб, ишлаб чиқариш рентабеллигини 31,9-33,3 фоизгача кўтариб, хўжаликда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга молиявий жиҳатдан имкон яратади. Агарда 2019 йилда ҳам соя экин майдонлари 2018 йилдаги даражада сақланадиган бўлса, фермер хўжаликларининг давлат томонидан кўрсатиладиган молиявий кўмак ҳисобидан жами кўрадиган фойдаси 2160,8 млн. сўмни ташкил этади.

Ушбу малагларнинг хизмат кўрсатувчи, айни дамда воситачилар ихтиёрларида қолдириб, корхонани инновацион ривожлантириш ҳамда мойли экинлар етиштиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилишини шарт қилиб белгилаш нафақат соя, балки бошқа мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Мойли экинлар уругчилиги тизимини қўллаб-қувватлаш механизми ва дастакларини жорий этишда бир-бири билан боғлиқ ҳамда соҳа самарадорлигини тавсифловчи икки ҳолат инобатга олиниши даркор:

- биринчидан, хўжаликлар ташки ва ички бозор талабларига жавоб берадиган мойли экинлар етиштириши мумкин бўлган юкори сифатли уруглик етиштириш;

- иккинчидан, ёғ-мой саноати корхоналарининг ишлаб чикариш ва техник стандартлари талабларига ўзининг таркиби, шакл ва техник-технологик параметрлари бўйича мос келадиган мойли экинлар уруғини етиштириш масаласи ҳал килиниши лозим.

Биринчи масаланинг ҳал этилиши мойли экинлар етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғ билан таъминлаб, ҳосилдорлик ошиши ҳисобига уларнинг даромадини кўпайтиришга, соҳа рақобатбардошлигини ошириб, иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга имкон беради. Бу, соҳада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга шарт-шароит яратиши билан бирга, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-экологик жиҳатдан илҳомлантирувчи куч ва омил бўлиб ҳам хизмат қилади.

Иккинчи масаланинг ҳал этилиши ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўта аҳамиятли бўлиб, қайта ишлаш корхоналарини сифатли мойли дуккаклар билан таъминлаш баробарида уларнинг қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга шароит яратади, қимматли ва илмий сиғими юқори техника воситалари ҳамда дастгоҳлардан ўта самарали фойдаланган ҳолда аъло сифатли ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга имкон беради.

Бу эса, республикамиз аҳолисини сифатли ўсимлик мойи билан таъминлаш даражасини оширишга, минтақа ва ҳудудлар бўйича озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга, хориждан ўсимлик мойи харид қилиш учун сарфланаётган кўп миқдордаги валюта ресурсларини тежаб қолишга замин бўлади.

Шу боис мойли экинлар етиштириш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизм ва дастакларини шакллантириш ва жорий этишда айнан юқорида таъкидланган омил ва ҳолатлар бош мезон бўлмоғи даркор. Ушбу омилларнинг инобатга олиниши мойли экинлар етиштириш тизими ва самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналиш ва механизмларини шакллантиришга хизмат килади, деб ҳисоблаймиз.

4.4 Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари

Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш, бу экинларни етиштириш жараёни бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан унчалик мураккаб, йирик машина ва механизмлар ҳамда меҳнат ва илмий сиғими юқори бўлган меҳнат ва иш жараёнларидан иборат бўлмаса-да, биологик хусусияти, айникса, ер ва сув каби ишлаб чиқариш омилларига талабчанлиги боис, махсулот етиштиришда маълум ташкилий-иқтисодий шароитлар мавжуд бўлишини талаб қилади.

Шундай ташкилий омил ва шартлардан бири экин майдонлари ўлчамларининг ҳар бир ҳудуд рельефи ва шаклий тузилишига мос келадиган ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона ҳамда самарали фойдаланишни таъминлайдиган экин майдонининг оптимал ҳажмларда бўлиш лозимлиги хисобланади.


Охирги йилларда ташкилий-маъмурий ва иқтисодий-маъмурий чора-тадбирлар билан мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликлари, айникса соя ва кунгабоқар етиштираётган хўжаликлар ўртача ер майдонининг йириклашиш тенденцияси намоён бўлмоқда.

Масалан, 2013-2018 йиллар мобайнида фермер хўжаликларида кунгабоқар экин майдонларининг ҳажми ўртача 1,5 мартага ошиб, 2013 йилдаги 5,6 га ўрнига 2018 йилда 8,4 га ни ташкил этиб, таҳлил қилаётган давр мобайнида 2,8 гектрага кўпайди. Бу кўпайиш ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланиши ҳисобига юз бериб, шу йиллар мобайнида кунгабоқар етиштирувчи фермер хўжаликлари сони 4,7 маротаба қисқарди.

Шунингдек, тенденция соя экин майдонлари ҳажми бўйича ҳам кузатилиб, 2013-2018 йиллар мобайнида соя экин майдонлари 2013 йилдаги 5,6 гектардан 2018 йилда 8,4 гектарга қадар кўпайди. Буерда кунгабоқар экинидан фарқли ўлароқ, соҳа интенсив омиллар таъсирида ривожланаётганлиги, таҳлил қилинаётган давр мобайнида соя етиштирган фермер хўжаликлари сони 11 мартадан кўпроққа кўпайди.

Махсар экини бўйича мутлоқ тескари ҳолат кузатилиб, охирги йилларда асосий эътибор соя ва кунгабоқарга қаратилганлиги боис, таҳлил қилинаётган давр мобайнида расмий равишда махсар экаётган фермер хўжаликлари сони, ва умуман махсар экин майдонларининг қисқариши кузатилди (24 ва 25 расмлар).

Аммо таҳлиллар кўрсатишича, мойли экинлар майдонининг йириклашуви ишлаб чиқариш қўлами самарасини келтириб чиқариб, экин майдонларининг йириклашуви билан меҳант ва моддий ресурслар сарфи камайиб, иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгариши тенденциясини намоён этди.



24-расм. Ўзбекистон Республикасида 2008-2018 йиллар бўйича мойли экинлар майдони ва хосилдорлигининг ўзгариши диаграммаси[85]

[85] "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

25-расм. Ўзбекистон Республикасида 2008-2018 йиллар бўйича мойли экинлар майдони ва хосилдорлигининг ўзгариш диаграммаси[86]

[86] "Узпахтаёг" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

Демак, ҳар бир ҳудуд ва минтақа бўйича мойли экинларнинг ҳар бир тури бўйича бугунги кунда оптимал ва нисбатан самарали ҳисобланган экин майдонлари ўлчамларини шакллантириш соҳа самарадорлигини оширишнинг муҳим омилига айланиб борди. Шу боис, бу тенденцияни шакллантиришга йўналтирилган ташкилий тадбирларни давлат томонидан ташкилий-маъмурий ҳамда ташкилиймеъёртй ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Турли ҳудуд ва минтақаларда мойли экинлар майдонининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш мақсадида Тошкет, Жиззах, Наманган, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг қатор туманларида олиб борган тадқиқотлар, анкета сўровномалари ҳамда монографик кузатувлар натижасида тоғ ва тоғолди ҳудудларида махсар экин майдони ҳажмининг махсулот етиштириш иқтисодий самарадрлигига таъсири аникланди.

Тадқиқот давомида тоғ ва тоғолди худудлардаги табиий иклим шароити, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш имконияти ва салоҳияти, техника воситалари билан таъминланганлик даражаси ҳамда махсар етиштириш бўйича шаклланган меҳнат кўникмаси ва агротехнологик маданият каби омилларни инобатга олган ҳолда 47 та фермер хўжалигидаги махсар экин майдонлари гуруҳланиб, экин майдони ҳажми ўзгаришининг натижавий кўрсаткичларга таъсири аникланди.

Тўпанган маълумотлар корреляция, регреция ва боғликликни кўрсатувчи бошқа усулларни қўллаган ҳолда турли ишлаб чиқариш омилларнинг ўзаро боғликлиги ва уларнинг даромад ҳамда самарадорлик даражасига таъсири баҳоланди (28-жадвал).

Гуруҳлаш натижасида шундай қонуният аникландики, махсар экилган майдоннинг ортиши билан ҳосилдорлик даражаси тенг ва мутаносиб равишда ошиб боради. Масалан, бешинчи гуруҳга кирувчи хўжаликларда махсар экин майдони ўртача 22 га тенг бўлиб, бу биринчи гуруҳга кирувчи хўжаликлар гуруҳи бўйича ўртача кўрсаткичдан 14,7 марта юқори бўлган. Бешинчи гуруҳдаги ҳосилдорлик кўрсаткичи биринчи гуруҳдаги ўртача кўрсаткичдан 2,8 марта юқори, бир гектардан олинган даромад эса, мос равишда бешинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан 3,8 мартадан кўпроқ юқори бўлган. Экин майдонининг бир бирлик ошиши қонуний равишда даромаднинг 0,81 даража, кейинги бир бирлик ошиши эса бир гектардан олинган даромадни 0,55 даража ошишини таъминламоқда. Аммо, экин майдонлар ҳажмининг навбатдаги бир бирлик ошиши, олдин кузатилганнидек, даромад ҳажмининг ошишини намоён қилсада, аммо унинг ўсиш суръатлари ар галги ўсиш суръатларига нисбатан пасайиб боради. Экин майдонларининг ошиши билан етиштирилаётган махсулот таннархининг пасайиш тенденцияси ҳам намоён бўлмоқда.

Масалан, бешинчи гуруҳда экин майдони ва ҳосилдорлик биринчи гуруҳга нисбатан мос равишда 14,7 ва 6,7 марта ортган бир пайтда таннархнинг ўрта ҳисобда 27 фоизга пасайгани, рентабеллик эса аксинча 30,4 бандга ошганлиги кузатилмоқда.

28-жадвал. Тог ва тоголди ҳудудларда махсар экин майдони ҳажмининг маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигига таъсири[47]

Махсар экин майдони бўйича хўжаликлар гуруҳи	Гуруҳларга кирувчи фермер хўжаликлари сони, бирлик	Гуруҳлардаги ўртача экин майдони		Гуруҳларнинг ўртача ҳосилдорлик		Бир ц махсарининг таннархи		Бир гектардан олинган даромад		Рентабеллик даражаси	
		га	1- гуруҳга нисбатан индекси	ц/га	1- гуруҳга нисбатан индекси	минг сўм	1-гуруҳга нисбатан индекси	минг сўм	1-гуруҳга нисбатан индекси	%	1-гуруҳга нисбатан индекси
I-гуруҳ, 1,0 га дан – 3,0 га гача	8	1,5	1	2,4	1	129,88	1	234,56	1	3,95	1
II- гуруҳ, 3,01 га дан – 6,0 га гача	18	4,8	3,2	4,6	1,9	121,72	0,93	606,26	2,58	10,0	+6,05 ф.б.
III - гуруҳ, 6,01 га дан – 9,0 га гача	9	8.2	5,5	5,3	2,1	114,88	0,88	716,33	3,05	15,84	+11,89 ф.б.
IV – гуруҳ, 9,01 га дан – 11,0 га гача	6	10,3	6,9	6,0	2,5	109,20	0,84	799,98	3,41	23,63	+19,68 ф.б
V – гуруҳ, 11,01 га дан юкори	6	22,0	14,7	6,7	2,8	100,47	0,77	894,38	3,81	34,36	+30,41
Гуруҳ бўйича ўртача	47	7,3		5,3		118,51		619,79		14,0	

[47] Жизах вилояти Зомин тумани махсар етиштирувчи фермер хўжаликлари маълумотлари асосида муаллифларнинг монографик тадқиқотлари асосида хисоб-китоб қилинган.

Демак, бугунги кунда тоғ ва тоголди ҳудудлар лалмикор майдонларида махсар майдонининг энг оптимал ва максадга мувофик ҳажми 20-22 гектарни ташкил этиши максадга мувофик, бундай ўлчамдаги мойли экин майдонига эга бўлган хўжаликларда таннарх 3-5 га махсар экаётган хўжаликларга нисбатан 17,3-27,0 фоизгача паст бўлиб, даромад эса 1,5-3,8 мартагача юкори бўлиши таъминланади.

Бундай конуният корреляция тахлил усули билан амалга оширилган хисоб-китобларимизда ҳам ўз тастигини топиб, экин майдони ўлчамининг даромадга таъсири кучли экинлигини таслдиклади (23-расм.).

23-расм. Фермер хўжаликларида махсар етиштиришда экин майдонининг даромалга таъсири

Ҳисоб-китоблар натижасида омиллар ўртасидаги боғликликнинг эмперик кўриниши куйидаги регрессия чизиғи кўринишида бўлди:

$$y = 1,6838 + 1,2394x_1 + 0,8263x_2 \quad (1)$$

Олинган моделнинг иқтисодий-статистик маъно ва моҳияти куйидагича.

- экин майдонининг (X_1) 1 бирлика ошиши рентабеллик(Y) даражасининг 1,239 бирликка ошишини таъминлайди;
- хосилдорликнинг (X_2) бир бирликка ошиши рентабеллик (Y) даражасини 0,826 бандга ошишини таъминлай.


Энг максимал коэффициент β_1=0,81 га тенг бўлганлиги боис, рентабеллик (Y) даражасига энг кучли таъсир этувчи омил экин майдони (X_1) хисобланади.

Тенгламанинг статистик аҳамияти ва киммати детерминация коэффициенти ва Фишер мезони билан текширилганда, тадкик килинаётган холатда (Y) нинг вариабельностлиги (X) омилининг ўзгарувчанлиги билан изоҳланади.

Бундан чиқадиган хулоса ва таклиф шундан иборатки, тоғ ва тоғолди ҳудудларда махсар майдонининг бир контуридаги майдони ҳажми 20-22 га бўлишини таъминлаш мақсадга мувофик.

Мойли экинлар етиштириш ва соҳани ривожлантириш, бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари каби, катта хавф билан боғлиқлиги, яъни уларнинг табиий-иқлим шароитининг ўзгариши таъсирига кучли даражада мойилдир. Шу боис, гарчанд, мамлакат бўйича юқори ҳосилдорлик нархнинг пасайишини таъминласада, мойли экинларга бўлган талаб нарх ва даромадга нисбатан ноэластик ҳисобланади. Окибат натижада мойли экин етиштирувчилар махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирган тақдирда ҳам режалаштирилган даромадга нисбатан бирмунча кам дармад ёки зарар кўришлари мумкин.


Бошқача сўз билан айтганда, ишлаб чиқариш омиллари нархининг товар нархига қараб ўзгариши, унга боғлиқлиги ҳодисаси намоён бўлади-ки, фанда уни "Столпер-Самуэлълсон теоремаси" ёки "Самуэлъсон парадокси" деб номланади[88] (24-расм).



24-расм. Мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ва даромад ўсиш суръатларининг бир-бирига боғлиқлиги ва ноэластиклик графиги[89]

[88] Самуэльсон П., Столпер В. Протекционизм и реальная заработная плата // Вехи экономической мысли. Т. 6. Международная экономика / Под ред. А. П. Киреева. — М.: ТЕИС, 2006. — С. 188-204. — ISBN 5-7598-0439-1. http://www.seinstitute.ru/Files/Veh6-11_Stolp-Samu.pdf

[89] Муаллифларнинг монографик тадқиқотлари асосида тузилган.




25-расм. Тоғ ва тоғолди ҳудудларда ўртача махсар экин майдони ўзгаришининг ҳосилдорлик ўзгаришига таъсири[90]

Мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бу махсулот таннархини пасайтириш, сотиш каналларини диверсификациялаш ҳамда харид нархларини махсулот етиштиришга сарфланаётган моддий ресурслар нархларининг ўсиш суръатларига мутаносиб равишда ошишини таъминлаш ҳисобланади.

Бу ҳақда олдинги бўлимларда тўхталиб ўтганлигимиз боис, шуни таъкидлашни истар этикки, бу ерда бош масала мойли экинлар етиштиришдан якуний натижа самараси кандай ва етиштирилаётган мойли экин махсулотидан уни етиштирувчи манфаатдорми, деган масала ҳисобланади. Шу боис, тадқикот мақсад ва вазифалари доирасида мойли экинлар етиштиришда киймат занжирини аниклашга харакат килдик.


Тадкикотлар кўрсатишича, бугунги кунда етиштирилаётган соя таннархида салмокли улушни иш хаки (2017 й. – 38,7%, 2018 йилдаги дастлабки маълумотлар бўйича – 25,7%), МТП хизматлари (2017 й. – 16,9%, 2018 йилдаги дастлабки маълумотлар бўйича – 18,8%), уруғлик (2017 й. – 5,6%, 2018 й. – 14,8%) хамда ЁММ (2017 й. – 9,8%, 2018 й. 13,2%) ташкил этмокда (26-расм.)

[90] Муаллифларнинг монографик тадқиқотлари асосида тузилган.



26-расм. Соя етиштириш таннархи таркиби ва тузилиш, 2017-2018 йй., фоизда жамига нисбатдан

Бу фермер хўжалигининг махсулот етиштириш билан боғлик харажатлари таркиби ва тузилиши бўлиб, ёғ-мой корхоналари ушбу нархларда сояни харид қилиб, бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаб ундан кўп турдаги махсулот яратишади, яъни қўшилган қиймат занжирида қайта ишлаш корхоналари иштирок этиб, юкори даражада даромадни ўзлаштирмоқдалар (27-расм.).



27-расм. Бир кг соя етиштиришда қўшилган қиймат занжирининг таркиби ва тузилиши[91].

[91] "Ўзпахтаёғ" АЖ маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби. Эслатма. Сотиш ни ҳисобламаганда (соя мой (0,157 кг - 1658,18 сўм + соя шроти (0,7448 кг -1680,72 сўм + ДЖК (0,0098 кг – 24,5 сўм);

Демак, фермер хўжалигида етиштирилаётган соянинг қиймат занжирида яратилган фойданинг 18,9 фоизга якини фермерга уни ишлаб чиқаргани учун қайтиб келмоқда, колган 81,1 фоизи эса ёғ-мой корхонаси томонидан тасарруф этилмоқда.

Агарда, кунгабокар ва махсар етиштириш таннархи ва унинг қиймат занжирига назар ташлайдиган бўлсак, шундай ҳолатга ўхшаш вазиятни кузатишимиз мумкин (28-расм).



28-расм. "ПАХТАКОР СИФАТ ЁҒ" МЧЖ ҚКда кунгабоқарни қайта ишлаш харажатлари таркиби ва тузилиши[92], 2017 й.

Мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришда қуйидагилар таклиф этилади:

- мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари билан ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш корхоналари хамкорлигини кучайтириш ва ўзаро иктисодий муносабатларини такомиллаштириш максадида мойли экинлар етиштиришни кластер асосида ташкил этиш;

- мойли экинларни кластер асосида ташкил этишнинг ташкилий-иктисодий ва меъёрий-ҳуқуқий базасини асослашга йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ташаббускори бўлиб, молиялаштиришда устуворлик бериш ва бошқалар;

- мойли экинлар етиштиришда фермер хўжалиги менежменти ва маркетинги бозор тамойилларига асосланган тўрт тамойил - ҳамкорлик ва хамжихатлик, ишчи-ходим ва кадрлар билан доимий ишлаш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, молиявий тартиб-коидаларга риоя этиш, хўжаликни инновацион ривожлантириш асосида ташкил этишга ва юритишга устуворлик бериш. Бу йўналишдаги давлатнинг максадли дастурлари ва чора-тадбирларини амалга ошириш;

[92] "ПАХТАКОР СИФАТ ЁҒ" МЧЖ ҚК маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

- кайта ишлаш корхоналарининг ноанъанавий - соя, махсар, кунгабоқар ва зигир каби мойли экинларни қайта ишлашдан олинган фойданинг 10 фоизини мойли экинлар етиштиришни инновацион ривожлантиришнинг молиявий манбаи сифатида шакллантириш, ларни ушбу экинларни етиштиришни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтириш;

- мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига лизинг асосида мойли экинларни экиш ва ҳосилини сифатли ўриб олишга ихтисослашган универсал кўп функцияли сеялка, кишлоқ хўжалиги техникаси, механизм ва мосламаларини харид қилиш учун ажратиладиган кредит маблағларининг фоиз ставкаларини пасайтириш билан бирга, имтиёзли кредит муддатларини ушбу экин тури етиштириладиган минтақа ва ҳудудлар хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда табақалаштириш ва муддатларини камида 15 йил қилиб белгилаш;

- уруғлик сояни харид қилишни жаҳон баҳоларидан кам бўлган нархларда сотиб олиш тартибини жорий этиш;

- соя, кунгабоқар, махсар ва рапс каби мойли экинлар селекцияси билан янги навларини яратишга йўналтирилан инновацион, амалий ва фундаментал тадқиқотларга устуворлик бериш;

- четдан олиб келинаётган соя уруғи бўйича воситачи ташкилотлар томонидан тўланадиган ҚҚСни бекор қилган ҳолда фермер хўжалигига 15-20 фоиз арзон нархларда уруғлик етказиб бериш механимини жорий этиш мақсадга мувофик.

4.5 Мойли экинлар етиштириш самарадорлигини кластер тизими асосида ошириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Таҳлиллар кўрсатишича бугунги кунда мойли эктнлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий тавсифдаги катор муаммолари мавжудки, улар кетма-кетлик ва тизимли хал этилмаса, соҳа самарадорлигини киска муддатларда кескин ривожлантириш бирмунча мушкул бўлади.

Шундай муаммолар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Республикамизнинг жанубий ва марказий ҳудудларида жойлашган вилоятларда мойли экинлар донини қайта ишловчи кичик ҳажмли, иш жараёнларининг механизациялашганлик даражаси паст, инфратузилмаси шаклланмаган, технологик жараёнларда сифат ва стандартларга тўлиқ риоя этилмайдиган, кадрлар махсус билимга эга бўлмаган, санитария ва СНиП талабларига жавоб бермайдиган биноларда жойлашган цех ҳамда қайта ишлаш корхоналари сонининг кўпайиб кетганлиги;

- мойли экинлар савдоси, қайта ишлаш жараёни билан шуғулланувчи норасмий воситачиларнинг кўпайиши ва улар ўртасидаги кооперация муносабатларининг кучайганлиги;

- мойли экинлар етиштириш ва махсулотни қайта ишлаш, асосий ва қўшимча махсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда улар савдоси аксарият ҳолларда нақт пул асосида амалга оширилиши;

- юртимизда ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш корхоналарининг тўлиқ кувватда ишламаслиги, уларнинг аксарияти хориждан келтириладиган хомаш асосида фаолият кўрсатиши, хориждан келтирилаётган ўсимлик мойи, кир ювиш воситалари, жумладан, совунларга бўлган талаб ортиб бораётганлиги ва бошқалар.

Ушбу ва шу каби бошка муаммоларни инновацион ёндашув асосида ҳал этиш йўлларидан бири бу соҳани кластер тизими асосида қайта ташкил этиш ҳисобланади.

Республикамизда жаҳон амалиётида синалган ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларини ва тажрибаларини ҳатётга жорий этишга катта эътибор қаратилмокда. Шундай тадбирлардан бири кластерлар ташкил этиши билан боғлиқ тадбирлар ҳисбланиб, ҳозирда иқтисодиётимизнинг пахтачилик, мева-сабзавотчилик ва бошқа соҳаларда ушбу тузилма фаолияти йўлга қўйилмокда.

Кўпгина ривожланган давлатларда кластерлар инновацион иқтисодиётни шакллантиришда, баркарор ижтимоий-иқтисодий тараккиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, ракобатбардош товарлар ишлаб чикаришда халкаро логистик марказлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда юкори ўрин эгаллайди.

Мойли экинлар етиштириш иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлларидан бири республикамиз ҳудуд ва минтақаларида ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар салоҳият ва имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат. Шу боис ушбу ҳудудларда "стартап" инновацион лойиҳалар асосида мойли экинлар етиштиришда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чикишни ташкил этишга устуворлик бериш мақсадга мувофик.

Аниқрок қилиб айтганда, мойли экнлар етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари эркин иқтисодий ҳудудларнинг ахборот-технологиялари ва алока комуникацияси, транспорт, алока ва ишлаб чикариш ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси, техник-технологик ва кадрлар салоҳияти, солик, молиявий ва инвестицион имкониятларидан "стратап" лойиҳалари воситасида уйғунлашган ҳолда фойдаланишлари учун ташкилий-иқтисодий шарт-шароит яратиш даркор. Бу уч бирлик "мойли экин етиштирувчи тадбиркорлик субъекти" + "стратап" лойиҳалари молиявий маблағи + эркин иқтисодий ҳудуд имкониятлари"нинг уйғунлашган фаолияти учун замин бўлиб хизмат қиладики, биз уни "ақилли ҳудудлар" ("Smart Land"), деб аташни лозим топдик.

"Ақилли ҳудудлар" "стратап" лойиҳалари асосида "ақилли соҳалар"нинг пайдо бўлиши ва шаклланишига имкон яратади, "ақилли соҳалар" эса "ақилли тармоқлар"нинг шаклланишига ва ривожланишига омил бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар ва дунё амалиёти тажрибасига асосланиб таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларининг мойли экинлар, айникса, соя ва кунгабоқар

етиштириш ва улардан мой ишлаб чиқариш бўйича жаҳон ўсимлик мойи бозорларида муносиб ўрин эгаллаши, улар етиштираётган хом ашё ва ундан олинаётган четдан кириб келаётган соя ва кунгабоқар дони ҳамда мойи билан рақобатлаша олиши учун аввалам бор республикамиз ички бозорида ушбу мойли экинлар бозорини давр талаблари мос ҳолда вужудга келтириш, барча бозор иштирокчилари ўртасида "маъмурий усулга асосланган рақобат" устуворлик қилаётган ҳолат ўрнига бозор тамойилларига асосланган эркин ва шаффоф рақобатни шакллантириш, бунинг учун уларга шароитлар яратиш ва имкон бериш лозим. Республикамиз ичида ўсимлик мойи бозорида бундай рақобат шаклини вужудга келтириш давлат томонидан мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастур ва чора-тадбирлар мақсад ва вазифаларини ташкил этиши лозим.

Ушбу вазифани мойли экинлар етиштириш соҳасини инновацион ёндашув асосида ривожлантиришга йўналтирилган инновацион ғоя ҳамда илғор тажрибани соҳага жорий этишга устуворлик бермасдан ҳамда амалий жиҳатдан турли восита ва дастаклар билан қўллаб-қувватламасдан ҳал этиб бўлмайди.

Мойли экинлар етиштиришни мажмуали қўллаб-қувватлаш республикамизда ўсимлик мойи бозорида рақобатни нафақат шакллантиришга, балки унинг янада фаоллашувига, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган барча тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик, омилкорлик ва маҳоратини, меҳнат унумдорлигини оширишга даъват қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса маҳаллий мойли экинлар етиштирувчи ва ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлиб, муносиб ўрин эгаллашларини таъминлайди.

Бу стартап лойиҳаларига асосланган "ақилли тармоқлар"ни шакллантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни талаб этади. Шундай "ақилли тармоқлардан" бири соя ва кунгабоқар, истиқболда эса рапс ва маккажўхори каби экинларни етиштириб, улардан саноат ишлаб чиқариши, озиқ-овқат саноати ва бошқа ўнлаб соҳалар учун зарур маҳсулот ва хом ашё етиштириш имконини берувчи "соя етиштириш ва ундан мойи ишлаб чиқариш", "кунгабоқар етиштириш ва ундан мойи ишлаб чиқариш", "рапс етиштириш ва ундан мой ишлаб чиқариш" каби тармоқлар ҳисобланади. Республикамиз миллий иқтисодиёти реал секторининг бу каби "ақилли тармоқлари"ни шакллантириш тадрижий тарзда "ақилли соҳалар" – "мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш" соҳаси мажмуи вужудга келишига ташкил-иқтисодий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай "ақилли соҳа"нинг эмперик кўриниши бугунги кунда жаҳон аграр иқтисодиётида кузатилаётганидек, республикамизда ҳам "кластер тизими" шаклида бўлиши эътироф этилмоқда.

Демак, бугунги кунда республикамизда мойли экилар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг инновацион йўли "Мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқаришнинг кластер тизими"ни ташкил этиш ҳисобланади.

Бизнингча, "стартап" лойиҳалари, "ақилли тармоқ", "ақилли соҳа" ва "кластер тизими"нинг уйғунлиги фақатгина "ақилли ҳудудларда"(" Smart

Land") таъминланади. "Ақилли ҳудудлар"нинг инкооси ва эмперик кўриниши бугунги кунда "эркин иқтисодий ҳудудлар" ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳудудлардагина ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлашнинг "ақилли тизим" ва "ақилли механизм"лари мавжуд бўлади.

Демак, аграр соҳани инновацион ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳатлар мазмун ва моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, республикамизда мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш инновацион ривожланишини таъминлашнинг бугунги кундаги стратегик йўналиши юқорида таъкидланган уйғунликни таъминлаш асосида "ақилли ҳудуд"лар замирида "Мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқаришнинг кластер тизими"ни ташкил этиш ҳисобланади. Бунинг учун бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи уч йўналишдаги вазифани ҳал этиш лозим:

- республика, вилоят, туман ва минтака қўламларида мойли экинларни етиштирувчи тадбиркорлик субъектларини мойли экинларга оид маълумот ва ахборотлар билан таъминловчи хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш. Улар зиммасига барча мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини ушбу соҳани ташкил этиш ва мониторингини юритувчиларни мойли экинлар бозоридаги товар маҳсулот конъюнктураси, ресурслар бозори, соҳа маҳсулотларига бўлган талаб, сифатли уруғлик манбаи ва уларни харид қилиш, шунингдек, технология, механизация ва ва транспорт воситалари ҳақида маълумотлар билан таъминлаш каби масалалар юклатилиши лозим;

- мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш стандартларини такомиллаштириш, уларнинг жаҳон талаблари билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу стандарларни мойли экинлар етиштирувчилар орасида оммалаштириш, уларнинг нафақат ички бозорлардаги, балки ташқи бозорлардаги стандартлар бўйича билмини ошириш;

- мойли экинлар етиштириш технологиясини такомиллаштириш, мавжуд агротехнологиялардан тезкор тарзда фойдаланиш ва ишлаб чиқариш режасига ўзгартиришлар киритиш имконини берувчи онлайн-электрон технологик карталарни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш ва бошқалар.

Иқтисодиётда агрокластер (инг. тил. - klaster) – ҳудудий концентрациялашувга асосланган кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва уларни қайта ишловчи, моддий-техник ресурслар билан таъминловчи, турли хизматлар кўрсатувчи, бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи корхоналар, молиявий институтлар, ўқув юртлари ва илмий тадқикот муассасаларини бирлаштирган мажмуа ҳисобланади. Кластерлар ўз хусусиятларга эга (29-жадвал).

29-жадвал. Кластернинг асосий хусусиятлари[93].

т/р	Асосий хусусиятлари	Кластер
1.	Бирлашишнинг таянч жараёни	Соҳаларнинг ўзаро уйғун бирикмаси, боғлиқлик, бир-бирини тақозо қилиш, бир-бирини тўлдириш
2.	Боғланиш характери ва йўналиши	Горизонтал ва вертикал алоқалар занжири мавжудлиги
3.	Иқтисодий самарадорликни баҳолашдаги ёндашув	Инвестициядан келган самарани кластернинг кўплаб таркибий қисмларига таъсир қилиши
4.	Ҳудуднинг роли	Кластер, бу – географик жиҳатдан бир-бири билан боғланган компанияларнинг кўшничилиги
5.	Жойлашувининг аҳамияти	Жойлашув – рақобат афзалликларнинг муҳим омили


Шуни алоҳида таъкидлаш керк-ки, республикамизда қишлоқ хўжалиги кластерларини шакллантириш қўшимча иш ўринларни яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, ваколатларни тақсимлаш, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро боғланиш, ахборот базасини шакиллантириш ва маълумотлар алмашишни жадаллаштириш, янгиликларни таргиб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ҳамда ҳудудлар инновацион жозибадорлигини юксалтириш, ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилиш каби янги имкониятларни беради.

Юқоридаги афзалликларни инобатга олган ҳолда, фикримизча, мойли экинларни етиштириш самарадорлигини ошириш мақсадида "Мойли экинларни етиштириш кластери"ни шакиллантириш мақсадга мувофик.

Мазкур кластер ички ва ташқи контурлардан иборат бўлиб, ички контурга кластернинг асосий қисмларидан бири "Ўзпахтаёғ" АЖ, мойли экинларни етиштирувчилари (фермер, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар), уларни уруғ ва моддий-техника ресурслари билан таъминловчи ташкилотлар, уларга сервис хизмат кўрсатувчи, ахборот билан таъминловчи, инновацияларни жорий килишга кўмакловчи марказлар ва уларни молиялаштирувчи банклар киради ҳамда "акилли ҳудуд"ни шакллантиришда асосий ўрин эгаллайди.

Ушбу кластернинг ташқи контури мойли экинларга буюртма берадиган – кайта ишлайдиган корхона ва ташкилотларни, улгуржи ва чакана истеъмолчиларни ҳамда олий ўқув юртлари ва илмий-тадкикот институтларини, мазкур соҳа мутахассисларини ўқитиш ва малака ошириш марказларини, кластернинг ҳар бир субъектини маълумотлар билан таъминловчи ахборот-ресурс

[93] Савченко Т.В. Управление производством масличных культур на основе кластерного подхода / Т.В.Савченко, А.В. Узенько, И.Н. Кравченко. – Воронеж: ФГБОУ ВПО Воронежский ГАУ, 2013. – 160 с.



29-расм. Мойли экинларни етиштириш кластери[94]

[94] Муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган

марказларини, уларни молиялаштирувчи ва уларга кўмаклашувчи – банк, лизинг ва суғурта компаниялари, венчур лойиҳалар, халқаро молиявий ташкилотларини, уларни ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватловчи давлат бошқаруви органларини ўз таркибига қамраб олади ва интеграциясини таъминлайди.

Мазкур тузилма мойли экинларни етиштирувчи ва уларнинг хом ашёсини қайта ишловчиларни йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этиш, қўшимча даромад олиш, ички ва ташқи бозорларга чиқиш, инновацияларни жорий этиш ва харажатларни қисқартириш, инновацион фаолиятга жалб этиш, ходимлар малакасини ошириш, малакавий ходимларга, ахборотларга, хизмат ва таълим марказларига тўғридан-тўғри боғланишлари сабабли меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кичик корхоналарни инновацион фаолиятга жалб этиш, мойли экинлар маълумотлар базасини шакиллантириб ҳамма иштирокчиларни керакли маълумотлар билан таъминлаш ва пировардида ракобатбардошликни оширишда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, кластер тизимида таълим ва илмий-тадқиқот марказлари мойли экинлар бўйича янги илмий-услубий ишланмаларни яратиш, уларни қиска муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқаришдаги ва илмий изланишлар биланд банд ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпрок рағбатлантириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқиш учун шароит пайдо бўлади.

4.6 Мойли экинлар етиштиришни инновацин ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўллари

Иқтисодий-математик моделлар ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоқ ва соҳаларини прогнозлаш ва режалаштириш соҳани давлат томонидан бошқаришнинг муҳим дастагига айланиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги соҳа ва тармокларининг узоқ ва қиска муддатларга мўлжалланган ривожланиш параметрлари иқтисодий жараёнларни моделлаштириш воситасида асослаб берилиши зарур. Бунда иқтисодий жараёнлар моделлари вариантлар (масалан, мобилизацион, инерцион, шаклланган ҳолатни экстраполяциялаш ва бошқа усуллар) бўйича ишлаб чиқилиши максадга мувофиқ.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги, шу жумладан мойли экинлар етиштириш соҳасини прогнозлаштириш турли маъмурий-бошқарув тизимига мансуб бўлган илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа-конструкторлик бюролари, халқаро ташкилот ва марказларнинг лойиҳалари ҳамда айрим инновцион, амалий ва фундаментал тадқиқотлар доирасида тарқоқ, ўзаро келишмаган ва прогнозлаштиришнинг турли моделларини қўллаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бу борадаги уюшган ҳамжиҳатлик, турли ташкилотлар томонидан тарқоқ ҳолда ривожланишинги акс эттирувчи моделларни уйғунлаштирадиган илмий марказ ёки муассасанинг йўқлиги илмий-амалий жиҳатдан юқори даражада тайёрланган кўпгина дастурлардан тўлиқ фойдаланиш имконини бермаяпди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида вертикал ва горизантал йўналишда ишлаб чиқилаётган соҳани ривожлантиришнинг прогноз параметрларини шаклга солиб тизимли шакллантирувчи илмий-услубий, маълумот-ресурс жиҳатидан кучли базага эга ташкилий тузилмани шакллантириш давр талаби, деб биламиз.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш борасидаги таклиф ва тавсиялар, истиқболга мўлжалланган ривожланиш параметрлари иқтисодий жараёнларни моделлаштиришнинг турли моделларини қўллаган ҳолда "прогноз параметрларини генерация қилиш" билан шуғулланувчи ташкилий тузилма – "Қишлоқ хўжалиги ахборот-ресурс базаси аналитик Маркази" ташкил этилиши максадга мувофиқ.

Марказ замонавий компьтер технологиялари, жаҳон амалиётида қўлланилаётган электрон дастурлар, ахборот технологиялари, микро ва макро кўламидаги статистик маълумотлар, ер, сув, экология, об-ҳаво ва иқлим ўзгариши борасидаги аналитик ҳисобот ва илмий-амалий ишланмалар, шунингдек, тегишли йўналиш ва ихтисосликлар бўйича мутахассислар билан таъминланган бўлиши лозим.

Марказнинг асосий вазифаси тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва илмий муассасалар томонидан тайёрланган таклиф ва тавсияларни "генерация қилиш" асосида прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва тегишли вазирлик, қўмита ва муассасаларга тақдим этиш ҳисобланади.

Марказнинг самарали фаолият кўрсатиши учун, қишлоқ хўжалигини прогнозлаштириш моделларини амалда қўллай оладиган дастурчилар (программистлар) гуруҳини шакллантириш лозим бўлади. Бу вазифани икки боскичда амалга ошириш мумкин: дастлабки дастурчиларни ривожланган хорижий давлатларда малака оширишини ташкил этиш; республикамизнинг етакчи олийгоҳларида тайёрланаётган "дастурловчилар" ўқув дастури ва жараёнига ўзгартиришлар киритиш.

Шу асосда мамлакатимизда "Миллий аграр иқтисодиётини юритиш модели тизимлари"ни шакллантириш максадга мувофиқ.

Бундай ёндашув, дунё тажрибасида кенг қўлланилаётган "Жаҳон озиқ-овқат модели BLS" (Basic Linked System) тизимини мамлакатимизда боскичма-боскич шакллантириш, ўзлаштириш ва қўшилишга имкон яратади.

Прогнозлаштирш моделларидан фойдаланган ҳолда миллий ва минтакавий, шунингдек, мезо максадларга эришиш таъминланади, мамлакат, ҳудуд ва тармоқ имкониятларидан мумкин кадар оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда давлат максадли дастурлари амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига илмий изланишлар натижалари ва инновацияларни жорий этиш соҳа ва тармоқлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда фан ва илмий-тадқиқот фаолиятини, технологик ва илмий сиғими юқори бўлган соҳаларни молиялаштиришни ушбу соҳага хусусий секторнинг кириб келишини рағбатлантиришга йўналтирилган тизимни шакллантириш асосида ташкил этиш максадга мувофиқ.

Ривожланган давлатлардаги фан ва илмий-тадқиқотларни молиялаштириш тизими "иқтисодий тарихи" таҳлили шундан далолат бермоқдаки, бугунги кунда улардаги мавжуд тизимнинг самарадорлиги ушбу соҳага хусусий секторнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлган.

Соҳага хусусий капиталнинг кириб келишига икки омил кучли таъсир этган:

- биринчидан, кучли рақобат шароитида хаётчан ва рақобатбардош бўлишга интилиш омили (бу хусусий сектор субъектларининг стратегик мақсадларга йўналтирилган тадбирларга асосланган бўлиб, маълум вақт мобайнида шаклланиши мумкин);

- иккинчидан, давлатнинг хусусий капиталнинг фан ва илмий-тадқиқтларга кириб келишини кучли тарзда рағбатлантиришга йўналтирилган механизми ва дастаклари омили (мамлакат доирасида конун, меъёрий ҳужжат ва тартиботларга ўзгартириш йўли билан дериктив тарзда амалша оширилиши мумкин).

Республикамизда аграр соҳасида хусусий секторнинг тармоқлар илмий-тадқиқот интитутлари ва конструкторлик лабораторияларини молиялаштиришини давлат томонидан солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш воситасида қўллаб-кувватлашга асосланган механизм ва дастакларини жорий этиш орқали шаклантириш мақсадга мувофик.

Дарҳақиқат, жаҳон амалиётининг далолат беришича, Японияда тармок илмий-тадқиқот институтлари мамлакатда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг 71 фоизини, Ғарбий Европа давлатларида эса 3/2 қисмини ва АҚШда 4/3 қисмини ташкил этмокда.

Ривожланган давлатлар тажрибасига асосланиб, фан ва илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштиришни қўллаб-кувватлаш борасида қуйидаги механизм ва дастакларни амалиётга тжорий этиш таклиф этилади:

1.Илмий-тадқиқот интситутлари ва конструктор лабораторияларининг фан ва илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштирган хусусий корхоналарга:

- тадқиқот фаолияти билан боғлиқ бўлган янги восита ёки курилмани, шунингдек, бино ёки иншоотни барпо қилиш, сотиб олиш ва шаклантиришга йўналтирилган капитал қуйилмалар қиймати миқдорида солиқ солинадиган суммадан чегирмалар жорий этиш. Бунинг учун "инвестицион солиқ кредитлари" тизимини амалиётга қўллаш ижобий натижалар бериши мумкин. Чегирма ҳажмини фан ва илмий-тадқиқот фаолиятига жорий этилаётган восита ёки курилма қийматидан, ҳудуд, соҳа ва йўналиш хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда 50-100% оралиғида белгилаш мақсадга[95] мувофик;

- фан ва илмий-тадқиқот ҳамда конструкторлик фаолиятини молиялаштириш йўналтирилган маблағ қиймати миқдорида солиқ солинадиган суммадан чегирмалар жорий этиш[96] [97];

[95] Японияда электрон техникаси ва курилмалари – 5,3%, Канада – ўзлаштирилмаган ҳудудларда – 10-15%, Буюк Британия – янги техника, технология ва материаллардан фойдаланишнинг биринчи йили учун – 50%, Ирландияда – 100% ҳажмда. //Ж. "Экономические системы", №1, 2014, -40 с.

[96] АҚШ, Буюк Британия, Канада, Белгия, Швеция, Италия каби давлатларда – 100% ҳажмда.

- фан ва илмий-тадқиқот ҳамда конструкторлик фаолиятини молиялаштирган кичик корхоналар учун бу йўналишга йўналтирилган маблағ қиймати миқдорига боғлиқ ҳолда табақалашган (масалан, солиқ солинадиган суммадан 30, 40 ва 50 фоиз паст бўлган) солиқ ставкаларини жорий этиш;

- "Фан ва илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-кувватлаш Фонд"ларига йўналтирилган маблағ миқдори ҳажмида солиқ солинадиган суммадан чегирмалар жорий этиш;

- корхонада "Фан ва илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-кувватлаш Фонд"ини шакллантиришга йўналтирилган маблағни солиқ солинадиган сумма тасарруфидан чиқариб ташлаш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари катта илмий ходим тадқиқотчилар, мустақил изланувчиларни ўкитиш, илмий ходим ва мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштирган корхона ва муассасаларнинг ушбу фаолият турига йўналтирган маблағ ҳажми миқдорида солиқ солинадиган суммадан чегирмалар жорий этиш ва бошқалар.

Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, соҳада инновацияни жорий этиш асосида ўсимлик мойи ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга монелик қилаётган мухим омиллардан бири фермер хўжаликлари менежментини бозор иқтисодиёти талаблари асосида тўлиқ қарор топтириш ҳамда хўжаликда маркетинг тизими бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида юритилмаётганлигидир. Бунда барча куч ва имконият соҳа ёки тармок ривожланишини назорат ва бошқаришга эмас, балки инновацияни жорий этиш ва ҳар бир гектар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Мойли экинлар етиштириш бўйича Европа мамлакатлари тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, ушбу соҳада фермер хўжалиги менежменти ва маркетинги тўрт тамойил асосида ташкил этилган ва юритилади, яъни:

3. **ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик тамойили** – хўжаликларни энги сара ресурслар билан таъминлаш ва сифатли хизматлар кўрсатишга интилиш;

4. **ишчи-ходим ва кадрлар билан доимий ишлаш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш тамойили** – фермер хўжалиги раҳбари хўжаликда банд бўлган ишчи-ходимлар тўғрисида қайгуради, уларни ўкитиш, малакасини ошириш ва касбий маҳоратини оширишга доимо эътибор беради, кадрларни ўкитади ва бу тадбирларни молиялаштиради. Дарҳақиқат биргина Буюк Британияда 40 дан ортик фермер хўжаликлари менежерлари тайёрлайдиган йирик махсус марказ ва муассасалар мавжуд бўлиб[98], улар фермер хўжаликлари хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шунингдек, фермер хўжаликларида банд бўлган ишчи-ходим ва менежер-мутахассисларни ўкитиш ва малакасини ошириш ҳам фермер хўжалиги маблағлари ҳисобидан, ҳам давлатнинг мақсадли дастурлари доирасида тўловсиз амалга оширилади;

[98] http://agroportal.ua/news/ekskluzivy/ifin-2018-v-ukraine-kontroliruyut-poteri-a-v-velikobritanii-sledyat-za-rezultativnostyu-agrobiznesa/

5. **молиявий тартиб-қоидаларга риоя этиш тамойили** – фермер хўжалигининг молиявий фаолиятини режалаштириш ва ҳар бир экин тури бўйича алоҳида, шунингдек, тармоқ, соҳа ҳамда хўжаликнинг умумий бюджети режалаштирилади, шакллантирилади ва унга риоя этилади;

6. **хўжаликни инновацион ривожлантириш тамойили** – хўжаликда қайси турдаги маҳсулот ёки хизмат тури бўлмасин, унга инновация ва илм-фан ютуқларини жорий этиш хўжалик эгаси ва менежери диққат марказида бўлиб, бу жараёнга доимо инвестициялар йўналтирилади. Фермер хўжалиги томонидан инновацион ишланмаларни жорий этишга йўналтирилган ҳар бир хусусий инвестиция, давлатнинг турли мақсадли дастурлари доирасида қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириб борилади. Бунда асосий мезон – фермер хўжалигининг ўзи ташаббускор ва фаол иштирок этиши шартлиги.

Ўйлаймизки, республикамизда мойли экнлар етиштираётган фермер хўжалиги фаолиятида ушбу тўрт тамойилнинг мужассамлигини таъминлаш улар фаолиятида бозор иқтисодиёти талабларига асосланган менежмент ва маркетинг тизимини янада кучлирок қарор топтиришни, соҳага инновацияни жорий этиш асосида ўсимлик мойи ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайди. Шунингдек, фермер хўжаликларида мойли экиилар етиштиришда бозор конун ва тамойилларига асосланган менежмент ва маркетинг тизимини шакллантиришга йўналтирилган давлатнинг мақсадли дастурлари ва чора-тадбирларини амалга оширишга устуворлик бериш лозим.

Бизнингча, мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- мойлн экинлар, айникса соя ва кунгабокардан тайёрланаётган ўсимлик мойининг миллий иқтисодиётимизнинг реал сектори ва айникса озиқ-овқат саноатидаги ҳамда аҳоли истеъмолидаги бугунги ва истикболдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, биринчидан, мойли экинларни давлат буюртмаси асосида етиштиришни ташкил этиш, иккинчидан, истикболда республикамизнинг минтақавий ва жаҳон ўсимлик мойи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш, ички бозоримизни ўсимлик мойига бўлган талабини кондириш мақсадида мойли экинлар етиштиришни инновацион тизим "кластр тизими" асосида ташкил этиш;

- мойли экинлар(соя, кунгабокар)ни асосий экин сифатида жойлаштиришга устуворлик бериш.

- мойли экинлар (соя, кунгабокар)ни сувга талабчанлигини инобатга олган ҳолда сув таъминоти яхши бўлган худудлардаги майдонларда жойлаштириш;

- пахта ва ғалла етиширида қўлланилаётганидек, мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларига имтиёзли банк кредитлари ажратиш тизими, механизми ва усулларини жорий этиш;

- фермер хўжаликларига талаб этиладиган минерал ўғит ва ёкилғи-мойлаш материалларини пахта ва ғалла учун ажратилаётган имтиёзли нархларда етказиб бериш тизимига ўтиш;

- мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чикариш билан боғлик сифат ва стандартларни жаҳон савдо ташкилоти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва уларнинг жаҳон озик-овкат маҳсулотлари бозорларида қўйилган талаблар билан уйғунлигини таъминлаш ва бошкалар.

Хулоса ва таклифлар

1. "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси"нинг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш масалаларига бағишланган қисмида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини ошириш каби вазифалар бажарилишини таъминлашнинг муҳим йўлларидан бири мойли экинлар етиштиришни ривожлантириш асосида экологик тоза ўсимлик мойи ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобланади.

2. Мустақиллик йиллари давомида мойли экинлар майдони 6,0 мартадан кўпроқ ортиб, республика жами экин майдонларининг 2,9 фоизини (такрорий экилган майдонларни ҳисобга олган ҳолда) ташкил этмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат қишлоқ хўжалиги, балки агросаноат мажмуи тизимида ҳам етакчи тармоқлардан бирига айланди.

2015 йилда соя 1,3 минг, махсар – 63,0 минг гектар майдонда етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда мос равишда 18,5 минг ва 50 минг гектарни ташкил этди. 2015-2018 йиллар мобайнида махсар етиштириш 2,7 фоизга, соя дони етиштириш салкам 17,1 мартага ошди. Буни соя майдонлари 14,1 маротаба, ҳосилдорлиги 20 фоизга яқин кўпайиши ва махсар экиладиган майдонларнинг камайишига қарамасдан унинг ҳосилдорлиги 28 фоздан кўпрокка ошгани билан изоҳлаш мумкин.

Республикмизда мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилиш йўналишида белгиланган ва амалга оширилган чора-тадбирлар, муболағасиз, "инкилобий" деб, баҳоланиши мумкин.

Бунга қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- мойли экинлар майдонининг кўпайиши ва таркибининг диверсификациялашуви;
- мойли экинлар етиштириш географиясининг ўзгариши ва уларни иқлим ва шароити қулай бўлган ҳудудларда кўпроқ жойлаштиришга устуворлик берилиши;
- мойли экинлар уруғчилик тизими инновацион ёндашув асосида қайта ташкил этилиши ва қўллаб-қувватланиши йўлга қўйилиши туфайли хориждан мойли экинлар уруғини олиб келиш ҳажмлари ва унга сарфланаётган валюта ресурсларининг қисқариб бориш тенденцияси тобора кўпроқ намоён бўлаётганлиги;
- мойли экинлар етиштириш борасида узоқ муддатга мўлжалланган, ўзида минтақавий ва тармоқ хусусиятларини мужассам этган мойли экинлар етиштириш давлат сиёсати шаклланганлиги, унинг асосида мойли экинлар етиштириш давлат дастурлари ва концепциялари амалга оширилиши;
- мойли экинлар етиштирувчи, айникса, мойли экинлар уруғчилиги билан шуғулланувчи хўжаликлар сони бирмунча кўпайиши ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг жорий этилиши;

- мойли экинлар етиштириш ва мойли экинлар уруғчилиги масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институти, марказ ва лабораториялар шаклланганлиги, уларнинг қўллаб-қувватланиши ва соҳани инновацион ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши;
- ёғ-мой саноати корхоналари техник-технологик жиҳатдан қайта қурилиши ва модернизация қилиниши;
- мойли экинлар етиштириш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлашни ташкилий-иқтисодий, бошқарув-мувофиқлаштириш, таъминот ва молиявий қўллаб-қувватлаш, соҳа экспорт салоҳиятини ошириш тизимининг мутлақ янги ташкилий тузилмаси ҳудудлар ва минтақалар бўйича босқичма-босқич шаклланганлиги;
- мойли экинлар етиштириш инфратузилмасининг жаҳон мойли экинлар бозорига босқичма-босқич кириб боришни таъминловчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий-меъёрий асослари шаклланганлиги;
- соҳа илмий-техник салоҳиятини техник-технологик жиҳатдан модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва фан-техника ютқларини жорий этиш тизими шаклланганлиги ва бошқалар.

3. Республикамизда мойли экинлар асосан фермер хўжаликларида ҳамда ҳудудий ёғ-мой корхоналари тасарруфидаги корхона ва МЧЖларда, шунингдек, қайта ишлаш саноати тизимидаги қўшма корхоналар томонидан етиштирилмоқда.

Республикамизда мойли экинларни етиштириш "Ўзпахтаёғ" АЖ таркибидаги ёғ-мой корхоналарининг фермер хўжаликлари билан тузган контрактация шартномалари асосида ташкил этилмоқда.

2013 йилда мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларининг 78,3 фоизи кунгабоқар етиштириш, 17,8 фоизи махсар, атаги 3,8 фоизи соя дуккакларн етиштириш билан шуғулланган бўлса, 2018 йилда кунгабоқар етиштирувчи фермер хўжаликлари 23,1 фоизни, кунгабоқар 18,5 фоизни ва соя етиштирувчи фермер хўжаликлари 58,4 фоизни ташкил этди. Мойли экинлар майдонининг республикамиз вилоятлари ҳудудлари бўйича таксимланиши таҳлили шундан далолат бермоқдаки, улар республика вилоятлари ва ҳудудлари бўйича мавжуд табиий-иқлим шароити ҳамда агроиқтисодий имкониятлардан келиб чиккан ҳолда турлича таксимланган. Репсубликамизнинг 6 та вилояти(Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари)да мойли экинлар (соя ва кунгабоқар) жами майдонининг 67,5% мужассамлашган бўлиб, бу экинлар ялпи ҳосилининг 70 фоизга яқини етиштирилади. Мезо даражада қарайдиган бўлсак, фақатгина Бухоро билан Навоий вилоятлари ҳудудларида республикадаги мойли экинлар жами майдонининг 28 фоизга яқини мужассамлашган бўлиб, ялпи ҳосилнинг 26 фоизи яратилмоқда.

4. Мойли экинларни етиштиришни ташкил этиш борасида ҳукумат қарорларида (2016 й.) – "мойли экинларини етиштиришда ҳар бир фермер хўжалиги учун ажратиладиган экин майдони ҳажми 5 (беш) гектардан кам бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратиш" кўрсатиб ўтилган.

Мойли экинлар етиштириш тизими иқтисодий самарадорлигини оширишда мойли экинлар етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий-ташкилий механизмлари ва дастаклари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида ҳудудлардаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида 23202-махсус ҳисоб рақамига ёғ-мой корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномаларга асосан ҳосилни етиштириш учун талаб этилдиган маблағларининг 30 фоизини бўнак сифатида ажратиш;

- ёғ-мой корхоналарига топширилган хомашё учун фермер хўжаликлари билан якуний ҳисоб-китобларни 31 декабргача амалга ошириш;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида фермер хўжаликлари томонидан мойли экинлар ҳосилини ажратилган бўнак маблағлари ҳисобидан суғурталаш;

- 2017 йил 1 апрелга қадар фермер хўжалигидан сотиб олинадиган кутилаёт соя ҳосилининг 50 фоиз киймати ҳажмида боскичма-боскич бўнак билан таъминлаш ва бошқалар.

5. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини қуйидаги кўламларда баҳолаш ва сўнгра хулоса ҳамда таклифларни шаллантириш мақсадга мувофик:

- **миллий иқтисодиёт миқёсда**, яъни макроиқтисодий кўламда баҳолаш. Бунда мойли экинлар етиштириш ва самарадорлигининг миллий иқтисодиёт, шу жумладан аграр соҳадаги иқтисодий-ижтимоий ўрни ва аҳамияти нуқтаи-назаридан баҳолашга асосланади;

- **мезо, ҳудудлараро миқёсда баҳолашда** ҳудудларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олинади;

- **тармоқ миқёсида баҳолаш** ҳам қишлоқ хўжалиги тармоғи, ҳам мойли экинлар уруғини қайта ишлаш ҳисобига соҳа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

- **хўжалик юритиш субъекти миқёсида баҳолаш** фермер ва деҳкон хўжалиги, МЧЖ ёки турли мулкчиликнинг бошқа шаклидаги хўжалик ёки корхона манфаатларини ҳисобга олишни кўзда тутади,

- **экологик ҳолатни** ва табиий био-хилма-хилликни сақлаш ва муҳофаза қилиш нуқтаи-назаридан баҳолаш бу боралаги тамойилларидан келиб чиқиб келиб чиккан ҳолда баҳолашдир;

- **технологик самарадорлик** нуқтаи назаридан баҳолаш технологик самарадаорлик тамойиллаорига таянади.

Мойли экинлар мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжаликларда етиштирилиши ҳамда маҳсулот етиштириш учун талаб қилинадиган меҳнат ва моддий ресурслар турли манбаалардан олиниши ҳамда молиялаштирилиши боис, мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини юкорида кўрсатиб ўтилган кўламлар асосида ҳисоблаб топиладиган интеграл кўрсаткич воситасида баҳолаш мақсадга мувофик, деб ҳисолаймиз.

6. Таҳлиллар кўрсатишича мойли экинлар, жумладан, махсар ва соя етиштириш билан боғлик харажатлар таркибида ЁММ етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг сотиш баҳолари нисбатан бир маромда бўлишига карамасдан умумий ҳажмининг етишмовчилиги, бевосита мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларига белгиланган муддатларда етказиб беришнинг бекарорлиги етиштирилган ҳосилни вақтида ўриб-йиғиб олиш жараёнлари кечиктирилиши хисобига ҳосилнинг маълум қисми нобуд бўлишига, сифати ёмонлашувига, прировард - натижада таннарх ошиб кетиб, самарадлорлик пасайишига сабаб бўлмоқда.

7. Мойли экинлар етиштириш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасидаги хориж тажрибасига асосланиб, унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор каратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- мойли экинлар етиштириш бўйича ривожланган, дунё миқёсида етакчи ҳисобланган ва турли табиий-иқтисодий салоҳиятга эга блган давлатлар (АҚШ, Бразилия, Аргентина ва бошқалар) тажрибасини ўрганишга устуворлик бериш;

- мойли экинлар етиштиришнинг мақсадли ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тажрибасини ўрганиш;

- мойли экинларни етиштирувчи хўжалик юритиш субъектларини давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг иқтисодий-молиявий ҳамда ҳуқукий-меъёрий асосларини чуқуррок, улар манфаатларини ҳимоя этувчи ва ҳуқукларини кафолатовчи дастакларни шакллантириш тажрибасини атрофлича ўрганиш;

- мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадкикотлар натижаларини ўрганиш ва бошқалар.

Шу боис, республикамиз шароитида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

- мойли экинларни етиштириш бўйича махсус қонун қабул қилиш;

- мойли экинлар етиштиришни ўрта ва узок муддатларга мўлжалланган ривожлантириш дастурларини минтақалар ва ҳудудлар бўйича аник манзили ва молиявий манбаалари кўрсатилган чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш;

- мойли экинлар етиштирувчи фермерларга субъсидия, субьвенция ва дотациялар бериш тизмини жорий этиш;

- мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликларини соҳага оид ахборот ва маълумотлар билан таъминловчи махсус Марказлар ташкил этиш;

- махсус фақат ноанъанавий мойли экинлар соя, кунгабоқар экинлари бўйича "Мойли экинлар" акциядорлик жамиятини ташкил этиш асосида соҳадаги ташкилий-иқтисодий, МТТ таъминоти, соҳада махсус қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатиш тузилмалари фаолиятини мувофиклаштириш лозим.

8. Мойли экинларни етиштириш "Ўзпахтаёғ" АЖ таркибидаги ёғ-мой корхоналарининг фермер хўжаликлари билан тузган шартномалари асосида ташкил этилмоқда.

Маъно моҳияти жиҳатидан олганда фермер хўжалиги ушбу шартномага мувофиқ, ўзи етиштирган махсулотни қайта ишлашга топширади. Унда у

конунда белгиланган тартибдаги солик шаклини қўллаган ҳолда солиқларни тўлайди. Қайта ишлаш корхонаси (ёғ-мой корхонаси) соддалаштирилган солиқ тўлаш шаклида фаолият юритади. Қайта ишлаш корхонасининг монопол мавкеи хом ашёни қайта ишлаш хизмат ҳақини энг юкори қилиб кўрсатиб, юкори даромад ва фойда олишга имкон беради. Фермер хўжалиги маҳсулот етиштиришда кўшилган киймат яратилиш занжирида энг кўп харажат килади, тўлов ва солиқлардан сўнг энг кам даромад ва фойда олади. Қайта ишлаш корхонаси эса, монопол ҳолат, соҳада рақобат йўклиги ҳамда бошқа солиқ енгилликлари (соддалаштириган солиқ тизими ва бошқалар)ни қўллаган ҳолда кўшилган киймат яратилиш занжирида энг кўп фойдага эга бўлади.

Шу боис фермер хўжаликлари учун мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларидан бири фермер хўжалиги билан ёғ-мой саноати тасарруфидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида иқтисодий муносабатларни ва айникса "...Маҳсулотни қайта ишлаш хизмат ҳақи ушаб колган ҳолда маҳслотни қайта ишлаб қайтариб ..." бериш борасидаги шартномаларга аниқлик киритишни таклиф этамиз.

Бунда "давальческий" шартномаларнинг қайси бир шаклидан фойдаланилаётганлиги тузилаётган шартномаларда аник кўрсатилиши лозим ва бу ҳолат шартнома шартлари ҳамда томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятларида ўз аксини топиши даркор.

9. Фермер хўжаликларининг мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларидан бири хом ашё етказиб берувчи билан уни қайта ишловчи корхона ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришдир. Бунда мойли экинлар етказиб бериш бўйича шартномаларда фермерлар ҳуқук ва манфаатларига аниқлик ва ойдинлик киритиш муҳим ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, маҳсар етиштириш бўйича тузилган шартномаларнинг II."Тарафларнинг ҳуқуклари ва мажбуриятлари" бўлимининг 2.1 - Хўжлик ҳуқуклари қисмидаги а) бандида "Тайёрловчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги Давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш" ҳамда ушбу бўлимнинг 2.2 - Хўжаликнинг мажбуриятлари қисмидаги а) бандида "Тайёрловчига .... кечиктирмай шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда сифатли маҳсулот топшириш" деб кўрсатилган. Аммо, ушбу шартноманинг бирон бир бандида етказиб бериладиган маҳсулот (айни дамда махсар)нинг ассортименти ва сифати тўгрисида аник бир ҳолат қайд этилмаган.

Шу билан бирга, шартноманинг ушбу бўлими 2.3 - Тайёрловчининг ҳуқуклари қисмидаги а) бандида "Маҳсулотнинг шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, ҳажмлар ва ассортиментда ҳамда томонлар келишган жадвалга мувофик ўз вактида топширилишини талаб қилиш", деб кўрсатилган, холос.

Ушбу шартномага мувофик, тайёрловчи, қабул қилувчи, қайта ишловчи корхона, хўжаликни амалдаги Давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлаш мажбуриятини олмайди.

Бизнингча, хўжалик томонидан топшириладиган маҳсулот сифатига нисбатан тайёрлов ташкилотининг ҳам масъуллигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулот сифати учун манффатдорлигини ҳуқукий жиҳатдан расмийлаштириш мақсадида, шартноманинг тайёрловчи мажбуриятлари қисми "Тайёрловчи хўжаликнинг шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги Давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлайди", деб алохида бир банд киритиш мақсадга мувофиқ.

10. Шартноманинг II бўлим 2.3 - қисмининг а) бандида кўрсатилган ҳолатлар "Хўжалик" ҳуқук ва манфаатлари акс эттирилган бўлимдаги ҳолатлар ва шартларга икки жиҳатдан мос келмайд.

Биринчидан, "Тайёрловчи" маҳсулотни шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, **хажмлар** ва ассортиментда талаб қилиш ҳуқукига эга. Аммо, "Хўжалик" мажбуриятларида (2.2 - қисмнинг а) банди) ҳеч қандай "ҳажм" сўзи йўк. У қандай, қанақа хажм, нимада ўлчанади ва ҳоказо ҳолатлар, маҳсулот етказиб берувчи билан қабул қилувчи, қайта ишловчи корхона ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, шартноманинг "Хўжалик" мажбуриятлари бўлимида маҳсулотни топшириш кўрсатиб ўтилган. Аммо, ҳуқукий нуқтаи назардан "Махсулотни топшириш" ва "Маҳсулотни етказиб бериш" ҳуқукий жиҳатдан икки турли йўналишдаги тушунча бўлиб, уларни турлича талқин қилиш мумкин. Шунингдек, шартноманинг IY бўлими 4.6 бандидаги ҳолатлар ҳам аниқлик киритишни талаб этади.

11. Мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш услубий асосларини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири мойли экинлар хом ашёсини етказиб бериш шартномалари ва умуман, мойли экинлар етиштиришда кўшилган киймат занжири шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи омил мойли экинлар етиштиришнинг **"Давлат стандартлари ва бошқа норматив-меъёрий ҳужжатлар билан" боғлиқ ҳолатдир.** У нафақат мойли экинлар, хусусан, махсар балки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ ҳолат ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамиз аграр соҳасида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, етказиб бериш ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ бўлган ва янгидан ишлаб чиқилиши, такомиллаштирилиши, модернизацияланиши ҳамда шароитларимизга мослаштирилиши лозим бўлган 200 га якин меъёрий-ҳуқукий ҳужжат ва стандартлар мавжуд.

Шундай меъёрий ҳужжат ва стандартларнинг мойли экинлар етиштириш тизимида, хусусан, кунгабокар (ГОСТ 22391-89, ГОСТ 22391-89, ГОСТ 22391-89), соя (ГОСТ17109-88) ҳамда махсар етиштиришда қўлланиладиганлари ҳам мавжуд. Аммо улар 1976 - 1989 йилларда ишлаб чиқилган бўлиб, шу кунга қадар қайта ишлаб чиқилмаган, ўзгартирилмаган ва туб ўзгаришлар кечаётган ҳозирги шароитда мослаштирилмаган.

Республикамизда мойли экинлар етиштириш тизими самарадорлигини оширишнинг усулий асосларини такомиллаштириш учун мойли экинлар етиштириш билан боғлиқ Давлат стандартлари ва бошқа норматив-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, янгиларини асослаш ва ишлаб чиқиш,

мавжудларига ўзгартиришлар киритиш ёки мослаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, бу вазифани соҳанинг тармоқ ва аграр соҳа кўламидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда икки йўл билан:

- "Ўзпахтаёғ" АЖ ҳамда бошқа манфаатдор ташкилот ва муассасалар буюртмаси асосида;

- Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқикот интситутининг минтақакий "Меъёрлаш-тадқикот" бўлимлари орқари инновацион лойиҳалар асосида амалга ошириш мақсадга мувофик.

12. Мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришга инсон омилига боғлик ва боғлиқ бўлмаган катор иқтисодий-ташкилий омиллар таъсир этмокда. Улар соҳа истиқболини белгилаш ва айникса, уни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш йўналишларини белгилаш ва дастакларини жорий этишда инобатга олиниши лозим.

Бундай иқтисодий омиллардан ўсимлик мойларидан фойдаланишда мукобил вариантлар пайдо бўлиши, ўсимлик мойларининг аҳоли ва саноатдаги истеъмоли структураси ўзгариши, мойли экин уруғларини етиштирувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация ва интеграция алоқаларини ривожлантириш, айрим турдаги мойли экинларнинг, айникса, озик-овкат ва кандолатчиликда ишлов берилмаган кунгабокардан фойдаланиш ҳажмининг барқарор ўсиб бориш тенденцияси кучайиши ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофик.

12. Мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишга монелик қилаётган муҳим омиллардан бири лалми ерларда уни етиштириш агротехнологиясининг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари тўлик ўзлаштирилмаганлиги, махсулот етиштириш жараёнига инновацион ғоя ва илғор тажриба, илм-фан ютуқ ва янгиликларини қўллаш борасидаги интилиш ва фаолликнинг сустлиги, айрим йўналишлар бўйича эса бундай фаолликнинг йўклигидир. Масалан, тажрибаларнинг кўрсатишича, Зомин тумани шароитида лалми ерларда махсарни февраль ойининг биринчи ўн кунлигида экиш ҳосилдорикни 15-18 фоиз оширишга имкон бериши амалиётда тасдикланган. Демак, махсарни эрта баҳорда қулай иклим шароитида тез ва киска муддатларда экиш уни етиштириш самарадорлигини оширишнинг навбатдаги муҳим омили саналади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларининг лалми ерларида инновацион ёндашув асосида махсар етиштириш самарадорлигини ошириш омилларидан яна бири – агротехник жараёнларни унумдорлиги юкори, бир боришда 4-5 агротехник жараённи бир йўла бажарадиган урут экадиган замонавий сеялкалардан фойдаланишдир.

Таъкидлаш жоизки, бундай русумдаги сеялка ҳамда мойли экинларни ўриш ва гарамлашга ихтисослашган механизмларни олиш учун фермер хўжаликларининг иқтисодий имкони йўклиги. Шу боис лизинг асосида фермерлар учун макбул шартларда олишга кўмаклашиш, бунда давлатнинг мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни қўллаб-

қувватлаш мақсадли, мажмуали дастурлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофик.

13. мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимининг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

-мойли экинларни ташиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлар ва бу жараёндаги тўловлар тизимини такомиллаштириш;

- қайта ишлаш корхоналари томонидан ҳосилни қабул қилиш тизими ва механизмини такомиллаштириш;

- қайта ишлаш корхонаси томонидан қабул қилинадиган махсар дони сифатини аниклаш жиҳозларини модернизациялаш ва автоматлаштириш-компьютерлаштириш;

- топширилаётган махсар дони сифатини аниклашнинг инновацион йўллари ва электрон-онлайн усулларини жорий этиш ва соддалаштириш ҳисобига ушбу жараённинг шаффофлигини таъминлаш;

- қайта ишлаш корхонаси билан маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасидаги манфаатлар уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-молиявий тадбирларни амалга ошириш.

14. Республикамизда ҳам мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш тизимида дунёда ўсимлик мойи экспортида тўртинчи ўринда турган Канада давлати тажрибасидан келиб чикиб, инновацияни бошқаришнинг ушбу дастаклари(инструментлари)дан фойдалаиган ҳолда давлат томонидан шундай солиқ имтиёз ва чегирмаларини жорий этиш мақсадга мувофик, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, нафакат мойли экинлар етиштириш соҳаси, балки қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш борасидаги ёндашув, йўналиш, усул ва дастакларни тубдан такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади.

Шунингдек, давлатнинг қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан бўлган иқтисодий муносабатлари оркали тармокни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-кувватлаш функцияларини кенгайтиришга эришишни таъминлаш лозим. Буларнинг барчаси республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион иқтисодиётни шакллантиришни таъминлайди, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, эндиликда мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштиришда соҳани "субсидия ва субвенция" тамойиллари асосида қўллаб-кувватлаш механизмини қўллаш мақсадга мувофик.

15. Ҳисоб-китобларимизнинг кўрсатишича, хориждан харид килиниб, фермер хўжаликларига етказиб берилаётган тадбиркорлик субъектлари, таъминотчи ташкилотларни соя уруглиги таннархи таркибидаги ҚҚСдан маълум муддатга (5 йилга) озод этиш асосида, давлатнинг молиявий кўмаги билан соя уруглигини шу суммадаги миқдорга (5,5%) пасайтирган ҳолда фермерларга етказиб бериш (1 кг сояни 9118,8 сўмдан) тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Бунинг натижасида соя етиштираётган ҳар бир фермер хўжалигининг бир гектар соя экини майдонидан оладиган фойдаси миқдори қўшимча соф фойда (132,6 минг сўм/га) ҳисобига 1691,5 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 29,63 фоизни ташкил этади.

Бу соя етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ажратиладиган субсидия ҳажмининг ўрта ҳисобда ҳар йили 1,8-2,3 фоиз бўлишини талаб этади. Ушбу механизмнинг самарадорлиги ва мақсадли эканлигини таъминлаш мақсадида хориждан уруғлик соя етказиб бераётган хўжаликларнинг давлат томонида кўрсатилаётган молиявий кўмаги натижасида иқтисод қилинаётган маблағи мойли экнлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда хўжалик инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилиши мақсадга мувофик.

16. Республикамизда мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим иқтисодий дастакларидан бири соҳада суғурталаш тизимини кенгрок жорий этиш саналади. Бизнигча, нафақат давлат буюртмаси доирасидаги кишлок хўжалиги экинлари, балки бошқа, жумладан, мойли экинлар етиштиришни суғурталаш, бунинг учун, суғурталаш тизими ва механизмининг меъёрий-ҳуқукий асосини такомиллаштириш давр талабига айланмокда.

Шубоис, хориж тажрибасига асосланган ҳолда республикамизда "Ўсимликчиликда мажбурий суғурта" конунини ишлаб чикилиши ва кабул килиниши лозим.

Фермер кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарари суғурталанганда ҳар бир гектар учун биринчи вариант бўйича 46,0 минг сўм, иккинчи вариант бўйича 28,7 минг сўмдан тўлаши лозим. Таклиф этилаётган механизмга мувофик эса бу тўлов мос равишда 23,0 минг сўм/га ва 14,35 минг сўм/га ни ташкил этади. Давлатнинг суғурта тизимини қўллаб-қувватлаш бўйича субсидияси ҳар бир гектар ҳисобига яратилаётган ҳосил қийматининг 2,0-1,25 фоизни ташкил этиши мумкин.

Бизнингча, мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларида бу экин ҳосилини суғурталаш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини давлат томонидан қоплаш тизими асосини минтақалар бўйича табақалаштирилган тўлов механизми ташкил этиши лозим. Табақалашган механизм асосини эса, экин тури бўйича маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат сарфи ва меҳнат сигими ҳамда маҳсулот етиштиришда банд бўлган ишчилар сони ташкил этиш даркор. Бунда ҳудуд ва минтака бўйича ушбу индикаторларнинг ўртачаси инобатга олинса ҳам мақсадга мувофик бўлар эди. Шунингдек, мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларини олинадиган ҳосилни суғурталаш билан боғлиқ харажатлар тўловини давлат томонидан қоплаш даражаси юқорида қайд этилган минтақалар бўйича мос равишда 0,25:0,50:0,75 нисбатда бўлиши ижобий натижа бериши мумкин.

17. Фикримизча, бугунги ва эртанги кунни ҳамда узок муддатлардан кейин соядан олинадиган ўсимлик мойининг республикамиз озик-овкат ховфсизлигини таъминлаш, чорва озука базасини мустаҳкамлаш, озик-овкат

саноати ва саноатнинг бошқа соҳаларида ундан фойдаланиш даражаси ва имкониятларини инобатга олган ҳолда:

- соя етиштиришга қулай шароит мавжуд бўлган ҳар бир туманда соя уругчилиги билан шуғулланадиган фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларни молиявий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг мақбул механизмларини жорий этиш;
- уруғлик сояни жаҳон баҳоларидан кам бўлган нархларда сотиб олиш тартибини жорий этиш;
- соя, кунгабокар, махсар ва рапс каби мойли экинлар селекцияси билан янги навларини яратишга йўналтирилган инновацион, амалий ва фундаментал тадкикотларга устуворлик бериш;
- четдан олиб келинаётган соя уруғи бўйича воситачи ташкилотлар томонидан тўланадиган ҚҚСни бекор килган ҳолда фермер хўжалигига 15-20 фоиз арзон нархларда уруғлик етказиб бериш механимини жорий этиш мақсадга мувофик..

18. Четдан келтирилаётган соя уруғлигини давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам натижасида субсидиялаш даражаси бир гектар соя майдонидан етиштирилаётган ҳосил қийматига нисбатан 0,04-0,05 фоиз даражасида бўлиши мумкин.

19. Мойли экинлар етиштириш самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришда қуйидагилар таклиф этилади:

- мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари билан ўсимлик мойи ишлаб чикарувчи қайта ишлаш корхоналари ҳамкорлигини кучайтириш ва ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш мақсадида мойли экинлар етиштиришни кластер асосида ташкил этиш;
- мойли экинларни кластер асосида ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий базасини асослашга йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқикотлар ташаббускори бўлиб, молиялаштиришда устуворлик бериш ва бошқалар;
- мойли экинлар етиштиришда фермер хўжалиги менежменти ва маркетинги бозор тамойилларига асосланган тўрт тамойил - ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, ишчи-ходим ва кадрлар билан доимий ишлаш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, молиявий тартиб-коидаларга риоя этиш, хўжаликни инновацион ривожлантириш асосида ташкил этишга ва юритишга устуворлик бериш. Бу йўналишдаги давлатнинг мақсадли дастурлари ва чора-тадбирларини амалга ошириш;
- қайта ишлаш корхоналарининг ноанъанавий - соя, махсар, кунгабокар ва зигир каби мойли экинларни қайта ишлашдан олинган фойданинг 10 фоизини мойли экинлар етиштиришни инновацион ривожлантиришнинг молиявий манбаи сифатида шакллантириш, уларни ушбу экинларни етиштиришни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтириш;
- мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига лизинг асосида мойли экинларни экиш ва ҳосилини сифатли ўриб олишга ихтисослашган универсал кўп функцияли

сеялка, кишлок хўжалиги техникаси, механизм ва мосламаларини харид қилиш учун ажратиладиган кредит маблағларининг фоиз ставкаларини пасайтириш билан бирга, имтиёзли кредит муддатларини ушбу экин тури етиштириладиган минтака ва ҳудудлар хусусиятларидан келиб чиққан холда табақалаштириш ва муддатларини камида 15 йил қилиб белгилаш;

- уруғлик сояни харид қилишни жаҳон баҳоларидан кам бўлган нархларда сотиб олиш тартибини жорий этиш;

- соя, кунгабоқар, махсар ва рапс каби мойли экинлар селекцияси билан янги навларини яратишга йўналтирилан инновацион, амалий ва фундаментал тадқиқотларга устуворлик бериш;

- четдан олиб келинаётган соя уруғи бўйича воситачи ташкилотлар томонидан тўланадиган ҚҚСни бекор қилган холда фермер хўжалигига 15-20 фоиз арзон нархларда уруғлик етказиб бериш механимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

- мойли экнлар етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари эркин иқтисодий ҳудудларнинг ахборот-технологиялари ва алоқа комуникацияси, транспорт, алоқа ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси, техник-технологик ва кадрлар салоҳияти, солиқ, молиявий ва инвестицион имкониятларидан "стратап" лойиҳалари воситасида уйғунлашган ҳолда фойдаланишлари учун ташкилий-иқтисодий шарт-шароит яратиш даркор. Бу уч бирлик "мойли экин етиштирувчи тадбиркорлик субъекти" + "стратап" лойиҳалари молиявий маблағи + эркин иқтисодий ҳудуд имкониятлари"нинг уйғунлашган фаолияти учун замин бўлиб хизмат қиладики, биз уни "ақилли ҳудудлар" ("Smart Land"), деб аташни лозим топдик.

20. "Ақилли ҳудудлар" "стратап" лойиҳалари асосида "ақилли соҳалар"нинг пайдо бўлиши ва шаклланишига имкон яратади, "ақилли соҳалар" эса "ақилли тармоқлар"нинг шаклланишига ва ривожланишига омил бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, "стартап" лойиҳалари, "ақилли тармоқ", "ақилли соҳа" ва "кластер тизими"нинг уйғунлиги фақатгина "ақилли ҳудудларда"(" Smart Land") таъминланади.

"Ақилли ҳудудлар"нинг инкооси ва эмперик кўриниши бугунги кунда "эркин иқтисодий ҳудудлар" ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳудудлардагина ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлашнинг "ақилли тизим" ва "ақилли механизм"лари мавжуд бўлади.

21. Бизнингча, мойли экинлар етиштиришни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- мойли экинлар, айниқса соя ва кунгабоқардан тайёрланаётган ўсимлик мойининг миллий иқтисодиётимизнинг реал сектори ва айниқса озиқ-овқат саноатидаги ҳамда аҳоли истеъмолидаги бугунги ва истиқболдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, биринчидан, мойли экинларни давлат буюртмаси асосида етиштиришни ташкил этиш, иккинчидан, истиқболда республикамизнинг минтақавий ва жаҳон ўсимлик мойи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш, ички

бозоримизни ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш мақсадида мойли экинлар етиштиришни инновацион тизим "кластр тизими" асосида ташкил этиш;

- мойли экинлар(соя, кунгабоқар)ни асосий экин сифатида жойлаштиришга устуворлик бериш.

- мойли экинлар (соя, кунгабоқар)ни сувга талабчанлигини инобатга олган ҳолда сув таъминоти яхши бўлган ҳудудлардаги майдонларда жойлаштириш;

- пахта ва галла етиширида қўлланилаётганидек, мойли экинлар етиштираётган фермер хўжаликларига имтиёзли банк кредитлари ажратиш тизими, механизми ва усулларини жорий этиш;

- фермер хўжаликларига талаб этиладиган минерал ўғит ва ёқилги-мойлаш материалларини пахта ва галла учун ажратилаётган имтиёзли нархларда етказиб бериш тизимига ўтиш;

- мойли экинлар етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш билан боғлиқ сифат ва стандартларни жаҳон савдо ташкилоти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва уларнинг жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида қўйилган талаблар билан уйғунлигини таъминлаш ва бошқалар.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 4 августдаги ПФ-5134-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "2017 йилда бошоқли дон экинлардан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли қарори.

6. Постановление Президента Республики Узбекистан "О мерах по организации посева соевых бобов в республике на 2017-2021 годы" ПП-2832 от 14 марта 2017 г.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича Биринчи Саммитидаги нутқи. "Халқ сўзи" газетаси. 2017 й. 11 сентябрь.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 январдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги махсулотлари (сабзавот, полиз, дуккакли ва мойли экинлар)ни етиштириш ва экспорт ҳажмларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича дастур. 2016 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 январдаги "2017 йилда мойли экинларни етиштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда "Ўзпахтаёғ" АЖ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар" дастури.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги "Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 105-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги "Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3484-сонли Қарорлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги " фармони.

13. А.Ориповнинг ҳаракат дастури. Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг янги муддат ҳамда истиқболдаги ҳаракат дастури. http://kun.uz/news/category/jamiyat

14. Базаров.З. Анализ зарубежного опыта государственной подержки агропромышленного комплекса. /Ж// "Biznes-Эксперт", №2, 2017, - 92-95 б.

15. Баранов А., Кушхов Г. Развитие продовольственного рынка в регионе // АПК: экономика и управление №3. – 2006. – С. 24-25

16. Дадажанова М.М. Пути повышения эффективности масложировой промышленности Узбекистана - автореферат диссертации на соискание учёной степени к.э.н., (специальность: 08.00.04 Микроэкономика). – Ташкент,1997, - с. 17.

17. Ёрматова Д. Мойли экинлар. – Самарканд. - "Зарафшон", - 240 б.

18. Жиззах вилояти Зомин тумани "Ўзлик" фермер хўжалиги маълумотлари

19. Камодцева М.Е. Управление инновационным развитием АПК:опыт США и Канады. // М. - 2011, С. 16

20. Луков М. Кунгабокар ҳосилини йиғиштиришнинг қулай муддати // O'zbekiston qishloq xo'jaligi, №12. – 2010. – Б. 21.

21. Потребление растительного масла в государствах - участниках СНГ. https://vuzlit.ru/1389254/potreblenie_ rastitelnogo_masla_gosudarstvah_uchastnikah.

22. Луковец В.М., Зеленцов С.В., Кривошлыков. Перспективы и резервы расширения производства масличных культур в российской Федерации // Масличные культуры. Научно-технический бюллетень Всероссийского научно-исследовательского института масличных культур. – 2015. – Вып. 4(164). С. 81-102.

23. Луков М. Кунгабоқарнинг юқори навли уруғларини етиштиришда янги усул // O'zbekiston qishloq xo'jaligi, №12. – 2007. – Б. 28.

24. Мировой рынок растительного масла. http://xn--80aplem.xn--p1ai/analytics/Mirovoj-rynok-rastitelnogo-masla/

25. Мировой рынок растительного масла: тенденции и прогнозы. https://marketing.rbc.ru/articles/507/https:// marketing.rbc.ru/articles/507/.

26. Мухторов А. ва бошк. Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш учун қишлоқ хўжалиги янги технологияларининг имкониятлари. "Иқлим ўзгаришига мослашиш: Ўзбекистон ва Қозоғистон мисолида". БМТ Тараққиёт дастури, ЮНДП, Тошкент, - 2012. 12-13 б. http://www. climate.uz/rusection.scm?sectionid =4316& contentid=4344; http://uznature.uz/rus/ newsmain /337/html; http:// uznature.uz/rus/ekologicheskieugrozy. html

27. Мухторов А., Юсупова Ф., Мухторова З. Повышение экспортного потенциала аграрного сектора Узбекистана ан основе инновационных технологий. «Развитие бизнеса в аграрном секторе экономики Республики Белорусь» Материалы XI Международной научно-практической конференции, Минск, 13-14 октября 2016 г./В.Г.Гускова.– Минск:Институт системных исследований в АПК НАН Белоруси, 2017. – 251с.–ISBN978-985-6972-89-1.

28. Нарижний И.Ф., Московцева Л.В., Румянцева Ю. Экономика производства и использования ярового рапса. Монография. Липецк. – 2006. 100 с.

29. Нурматов Ш., Эшмирзаев К. ва бошқалар. Лалми майдонларда махсар етиштириш агротехнологияси. – Тошкент, 2009, - 15 б.

30. Обзор мирового рынка растительного масла."РБК. research". http://www.foodmarket.spb. ru/current.php?aticle =1811

31. Салимов С., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш:илмий монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011 й., 45 б.

32. Савченко Т.В. Управление производством масличных культур на основе кластерного подхода //Т.В.Савченко, А.В. Улезько, Н.Н. Кравченко. – Воронеж: ФГБОУ ВПО Воронежский ГАУ, 2013. – 160 с.

33. Сипеговский М. О. Направления повышения экономической эффективности производства сои в зависимости от сортовых особенностей (на материалах Амурской области) - автореферат диссертации на соискание учёной степени к.э.н., 2016.

34. Толибаев А. Оптимизация основных параметров и режима работы пневматического высевающего аппарата одиночного отбора при посеве семян сои // Agro ilm, 1(9). – 2009. – Б. 81.

35. Тимофеева Г.В., Беликина А.В. Стратегические цели развития производства масличных культур в регионе в условиях вступления в ВТО // Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2013. № 2 (23). – С.27-36.

36. Соя дони етиштириш агротехнологияси. – Тошкент, 2016, 8 б.

37. Статистический ежегодник Республики Узбекистан, за 2000-2015 гг.

38. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за январь-июнь 2017 года [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://statistic.uz/

39. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами: 2010-2016 йй. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2017, 40, 124, 212 - бетлар.

40. Ўзбекистон Республикаси "O'zpaxtayog'" AJ маълумотлари

41. Файзиев О.Р. Социально-экономическое значение возделывания масличных культур в Узбекистан. International Scientific Practical Conference "WORLD SCIENCE" № 3(3), Vol.3, November 2015. P/10-1. ISSN 2413-1032.

42. Язев Г.В. Проблемы обеспечения экспорта масличных культур в современном российском АПК. /Ж//Экономические науки: Экономика и управление народным хозяйством. Москва, -2016, - № 10, С.-43.

43. Amanov Sh. Study Some Biologocal Aspects and Development of pest Management Program for Safflower Weevil, Bangasternus orientalis Cap. // Scholars Academic Journal of Biosciences (SAJB)/ - Bhawor, 2016. – Volume 4(4A). P. 318-319. IF – 4.29, Index Copernicus (12).

44. Andrianasolo F.N., Casadebaig P., Maury P., Debaeke P., Maza E., Champolivier L. Prediction of sunflower grain oil concentration as a function of variety, crop management and environment using statistical models // EUROPEAN JOURNAL OF AGRONOMY. 2014. p. 84-96. DOI: 10.1016/j.eja.2013.12.002

45. R.A.L. Kanton,S. S. J. Buah, A. Larbi, A. M. Mohammed, J. K. Bidzakin, and E. A. Yakubu. Soil amendments and rotation effects on soybean and maize growths and soil chemical changes in northern Ghana. Nternational Journal of Agronomy. Volume 2017, Article ID 4270284, 9 pages. https://doi.org/10.1155/2017/4270284

46. Rudel TK, Schneider L, Uriartec M, II BLT, DeFries R, et al. (2009) Agricultural intensification and changes in cultivated areas, 1970–2005. Proceedings of the National Academy of Sciences 106: 20675–20680. DOI: 10.1073/pnas.0812540106 [PMC free article] [PubMed]

47. Mattsson B., Blix L., Cederberg C. Agricultural land use in life cycle assessment (LCA): case studies of three vegetable oil crops // JOURNAL OF CLEANER PRODUCTION. № 4. 2000. p. 283-292 DOI: 10.1016/S0959-6526(00)00027-5

48. A.Kh.Mukhtorov, F.M.Yusupova, Z.A.Mukhtorova, G.M.Abdulhaeva. The Impact of Climate Change on Agricultural Production and Adaptations to Climate Change in Uzbekistan. Экономика и предпринимательства, №5, 2018 г.– 533-536.

49. Andrianasolo F.N., Casadebaig P., Maury P., Debaeke P., Maza E., Champolivier L. Prediction of sunflower grain oil concentration as a function of variety, crop management and environment using statistical models // EUROPEAN JOURNAL OF AGRONOMY. 2014. p. 84-96. DOI: 10.1016/j.eja.2013.12.002

50. Bassil E.S., Kafka S.R., Hutmacher R.A. Response of safflower (Carthamus Tinctorius L.) to residual soil n following cotton (Gossypium SPP.) in rotation in the San Joaquin valley of California // THE JOURNAL OF AGRICULTURAL SCIENCE. № 4. 2002. p. 395-402 DOI: 10.1017/S0021859602002204

51. VanWey LK, Spera S, Sa Rd, Mahr D, Mustard JF (2013) Socioeconomic development and agricultural intensification in Mato Grosso. Philosophical Transactions of the Royal Society of London Series B20120168 DOI: 10.1098/rstb.2012.0168 [PMC free article] [PubMed]

52. IBGE (2014) Produção Agicola Municipal (Municipal Agricultural Production) 1990–2010. São Paulo: Instituto Brasileiro de Geografia e Estatística [Brazilian Institute of Geography and Statistics] DOI: 10.1016/S0176-1617(85)80065-1

53. Hunan Agricultural Group Co., Ltd. China-Aid Training Programs Sponsored. by Ministry of Commerce of People's Republic of China. 2017. http://www.exchangecenter99.com

54. Corn and Soybean Production Costs and Export Competitiveness in Argentina, Brazil, and the United States. EIB-154 Economic Research Service/USDA. www.ers.usda.gov/publications/eib-economic-information-bulletin/eib-154

55. Самуэльсон П., Столпер В. Протекционизм и реальная заработная плата // Вехи экономической мысли. Т. 6. Международная экономика/Под ред. А. П. Киреева. - М.: ТЕИС, 2006. -С. 188-204. -ISBN 5-7598-0439-1.http://www.seinstitute.ru/Files/Veh6-11_Stolp-Samu.pdf.

56. USDA, National Agricalche Statistics Sewrvise, crop production and grain stock and US department of Commerse, U.S. Census Bureau, Foreien Trade Statistics

57. http://www.review.uz/novosti-main/item/11115-v-uzbekistane-v-2010-2016-godakh-proiz vodstvo-avtobenzina-snizilos-na-26-2-protsenta

58. www.bipl.ru

59. http://kagro.kz/stati/vypuski-gazety/30-394/subsidii-na-maslichnye-za-i-protiv.html.

60. http://agroportal.ua/news/eksklyuzivy/lfm-2018-v-ukraine-kontroliruyut-poteri-a-v-velikobritanii-sledyat-za-rezultat ivnostyu -agrobiznesa/

1-илова

СОЯ ДУККАКЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА КОНТРАКЦИЯ ШАРТНОМАСИ

20__ йил "___"_____ _____-сон _____
(шартнома тузилган жой)

(хўжалик номи ва манзили)
(кейинги ўринларда "Хўжалик" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар _____бир тарафдан ва "_____" (кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият кўрсатувчи _____ иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузидилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. "Хўжалик" 20__ йил ҳосилидан _____ гектар майдонидан _____ тонна соя дуккакларини етказиб бериш (кейинги ўринларда Маҳсулот деб юритилади), "Корхона" эса, етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Хўжалик"нинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартноманинг 2.4-бандида кўрсатилган соя уруғлиги билан таъминлашни "Корхона"дан талаб қилишга;

б) "Корхона"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги Давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

в) маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда қатнашиш;

г) "Корхона"дан ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда ҳақ тўланишини, шу жумладан бўнак (аванс) тўланишини талаб қилиш;

д) маҳсулотни ташиш бўйича транспорт харажатларини қоплашни "Корхона"дан талаб қилишга;

е) "Корхона" томонидан соя уруғлиги ўз вақтида етказиб берилмаганда ва етказиб берилган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарларни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир.

"Хўжалик" амалдаги қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

2.2. Хўжаликнинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартноманинг 2.4-бандида белгиланган миқдордаги соя уруғлигини "Корхона"дан қабул қилиб олиш;

б) "Корхона"дан олган уруғлик ва бўнак (аванс)дан мақсадли фойдаланиш;

в) "Корхона"дан олинган уруғликдан ва бўнак пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш;

г) шартномада кўрсатилган маҳсулотни "Корхона"га 20__ йил "___"_____гача Давлат стандарт талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулотни топшириш;

д) шартномада белгиланган муддатда маҳсулотни топшириш имкони бўлмаган тақдирда, бу ҳақда "Корхона"га маҳсулотни топшириш бошланишидан 15 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда маълум қилиш;

и) агар "Хўжалик" шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса 20__ йил "__" _____ гача "Корхона"га сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиш.

"Хўжалик" қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

2.3. "Корхона"нинг ҳуқуқлари:

а) шартномада кўрсатилган миқдорда соя дуккакларини топширишни "Хўжалик"дан талаб қилиш;

б) сифати Давлат стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулотни ўз вақтида топширишини талаб қилиш;

в) "Хўжалик" томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир.

"Корхона" амалдаги қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

2.4. "Корхона"нинг мажбуриятлари:

а) 201___ йилнинг "___" _____ гача ёки шу муддатгача "Хўжалик"нинг буюртмасида кўрсатилган муддатда ва миқдорда "Хўжалик"ни жами _____ кг. соя уруғлиги билан таъминлаш;

б) етказиб берилган маҳсулотга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларини маҳсулот қабул қилинган пайтдан бошлаб 1 кунлик муддатда "Хўжалик"ка расмийлаштириб бериш;

в) "Хўжалик"ни ушбу шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги тегишли Давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

г) "Хўжалик" томонидан топширилган маҳсулотни қабул қилиш, белгиланган сифатини аниқлаш ва ушбу шартномада белгиланган муддатда ва тартибда маҳсулот ҳақини тўлаш;

д) маҳсулотни қабул қилиш жойига "Хўжалик" транспортида ёки у ёллаган транспорт воситасида етказилганда транспорт харажати ҳақини "Хўжалик"га тўлашни олдиндан ўзаро келишув баённига мувофиқ амалга оширади;

е) топширилган маҳсулот ҳақини мазкур шартномада белгиланган тартибда ва муддатда "Хўжалик"га тўлаб бериш.

"Корхона" қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

3.2. "Корхона" томонидан "Хўжалик"га маҳсулот баҳосининг ___ фоиз (50 фоиздан кам бўлмаган) миқдорида 20__ йилнинг 1 апрелига қадар бўнак (аванс) беришни амалга оширади.

3.3. "Корхона" томонидан "Хўжалик"га берилдиган _____ кг. миқдорида берилган соя уруғлиги баҳоси _____ сўмни ташкил қилади.

3.4. "Корхона" маҳсулот қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб 30 кун муддатда хўжалик билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилишда аванс (бўнак) суммаси ва берилган уруғлик суммалари чегириб қолинади.

3.5. Шартномада белгиланган миқдордан ортиқча топширилган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган харид нархига ___ фоиз қўшимча ҳақ тўланади ёки қўшимча келишув асосида қайта ишлаб берилади. (давалчилик)

3.6. Белгиланган тартибда 201_ йил ҳосили учун маҳсулотнинг харид нархлари тасдиқлашгунга қадар 201_ йил учун харид нархларни тўлов сифатида қўлланилади.

Жорий ҳосил учун маҳсулотнинг харид нархларига ўзгартиришлар киритилганда *(қонун ҳужжатлари ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида)* ҳисоб-китоблар белгиланган нархларга мувофиқ равишда амалга оширилади.

3.7. Мазкур шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартномабажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни қабул қилиш бўйича якуний ҳужжатлар тузилган сана "Хўжалик" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Маҳсулот муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

Якуний ҳисоб-китобларнинг тўлов ҳужжатидаги банк муассасаси штампида кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича "Корхона" томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Маҳсулот "Корхона"нинг _____ манзилдаги омборига "Корхона"нинг ёки "Хўжалик"нинг транспортида (кераклисини тагига чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

4.4. Уруғлик ушбу шартноманинг 2.4 "а"-бандида кўрсатилган муддат ва миқдорларда ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва миқдорларда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Буюртманома уруғликнинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Корхона"нинг ходими "Хўжалик"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

"Хўжалик" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд уруғликнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Корхона"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хўжалик" маҳсулотни шартномада белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган тақдирда "Корхона"га топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой,чорак,йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

5.2. Маҳсулотни шартномада белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олишни рад этган хар бир ҳолат учун "Корхона" "Хўжалик"га белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб кзбул қилинмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли "Хўжалик" кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

5.3. "Корхона" уруғликни шартнома шартларига мувофиқ равишда етказиб бермаса, етказиб бериламаган уруғлик бахосининг 15 фоизи миқдорида "Хўжалик"га жарима тўлайди. Бундан ташқари, уруғликни етказиб берилмаганлиги туфайли "Хўжалик"га етказилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам Корхона томонидан қопланади.

5.4. Шартномага мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) маҳсулот учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда "Корхона" "Хўжалик"га тўланмаган сумманинг, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 20 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. "Корхона" жаримадан ташқари "Хўжалик"га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортик бўлмаган пеня тўлайди.

5.5. "Хўжалик" томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлиги учун "Корхона" "Хўжалик"га тўлов муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. "Корхона" томонидан маҳсулотнинг сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ҳоллари аниқланган тақдирда, "Корхона" маҳсулотнинг сифатини, шунингдек унинг миқдорини, ҳисобга олган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб қилади, нотўғри ҳисоблаб чиқилган сумманинг 20 фоизи миқдорида "Хўжалик"га жарима тўлайди.

VI. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

6.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч ҳолат (форс-мажоа)лари (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, енгин, сел, дул, жала ва бошқа табиий офатлар) сабабли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар тудлик билан бир-бирларини ҳамда туман (шаҳар) лар ҳокимликлари ҳузурида енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиклаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиклаш бўйича комиссия бундай ҳолатлар оқибатида ёки "Корхона"нинг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун "Хўжалик"ни жавобгарликдан озод қилиш бўйича хулоса беришлари мумкин.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиклаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниклашда шартнома тарафлари катнашиши керак.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун судга бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартномага тмонларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилади ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади.

8.2. Шартнома "Хўжалик" жойлашган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан кучга киради ва 20___ йилнинг "__" декабригача кадар амал қилади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нухада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эга.

8.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ХЎЖАЛИК:

"_____ _____" ф/х

Манзил:_____

_____

Телефон:_____

Х/Р_____

Банк:_____

МФО_____

(ИНН):_____

ОКОНХ:_____

Рахбар:_____

Имзо:_____

М.Ў.

КОРХОНА:

"_____"

Манзил:_____

_____

Телефон:_____

Х/Р_____

Банк:_____

МФО_____

(ИНН):_____

ОКОНХ:_____

Рахбар: _____

Имзо:_____

М.Ў.

20__ йил "___" _____да _____/_____ рақам билан
Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ

М.Ў. _____ _____
(имзо) (Ф.И.Ш)

Туман Фермерлар кенгашининг фермер хўжаликларининг
шартномавий-хуқуқий муносабатлари бўйича мутахассиси

_____ _____
(Ф.И.Ш.) имзо

Хуқуқшунос _____ _____
(Ф.И.Ш.) имзо

Ўлчов бирлиги	2016 й.				2017 й				2018 й. (кутилаётган)			
	Кўрта бозор	Мавсум	Соя	Жами	Кўрта бозор	Мавсум	Соя	Жами	Кўрта бозор	Мавсум	Соя	Жами
Минг га	43,0	63,0	1,5	107,5	8,93	50,01	12,30	71,24	11,00	24,00	18,50	53,50
Минг тонна	73,10	25,20	2,25	100,55	12,65	26,56	13,65	52,86	14,24	120,00	32,37	166,62
тонн	20396,0	4780,8	350,4	25527,2	3683,4	5399,0	2148,5	11230,9	4146,1	24520,6	5120,2	33786,9

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ноозиқ-овқат маҳсулотлари, яъни хосил ва ўсимлик моғи ишлаб чиқаришнинг ўзгариш динамикаси, 2008-2018 йй.

Ўлчов бир лиги	2013 й				2014 й.				2015 й.			
	Кўрта бозор	Мавсум	Соя	Жами	Кўрта бозор	Мавсум	Соя	Жами	Кўрта бозор	Мавсум	Соя	Жами
Минг га	24,96	44,20	0,66	69,82	33,00	62,00	5,00	100,00	42,70	62,39	1,30	106,4
Минг тонна	25,70	15,56	0,53	41,79	57,09	31,00	7,50	95,59	71,73	24,33	1,89	97,97
тонн	7211,5	3123,4	86,0	10420,8	5203,0	6222,4	121,6	11547,0	20124,0	4849,5	308,1	25321,6

2-илова

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида ноозиқ-овқат маҳсулотлари, яъни хосил ва ўсимлик моғи ишлаб чиқаришнинг ўзгариш динамикаси[99], 2013-2018 йй.

3-илова

2-жадвал. "Ўзпахтаёг" АЖ тизимидаги ёғ-мой корхоналари билан фермер хўжаликлари ўртасида шартномалар тузиш, экиш учун ер тайёрлаш ва экиш тўғрисида 2018 йил 26 июн ҳолатига тезкор маълумот[100]

Т/р	Худудлар	Соя экиш режаси, га	фермер хўжаликлар сони	Тузилган шартнома			Бўнак маблағи (млн.сўм)									Соя экиш	
							Жами ажратилган (млн.сўм)			1- босқич (уруғ ва экиш ишлари учун)			2- босқич (агротехник тадбирлари учун)			Мавсум бошидан	
				режа	амалда	фоиз	Режа	Амалда	фоиз	Режа	Амалда	фоиз	Режа	Амалда	фоиз	гектар	фоиз
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1500	221	1500	1585	106	3060	2537	83	1530	1850	121	1071	687	64	1500	100
2	Андижон	1600	356	1600	1604	100	3263	4123	126	632	2645	162	1142	1477	129	1604	100
3	Бухоро	2000	326	2000	2002	100	4497	3689	82	2248	2732	122	1574	957	61	2001	100
4	Жиззах	1500	189	1500	1500	100	3060	3249	106	1530	2343	153	1071	906	85	1500	100
5	Қашқадарё	2200	644	2200	2339	106	4488	2894	64	2244	1642	73	1571	1252	80	1515	69
6	Навоий	700	93	700	700	100	1428	1311	92	714	776	109	500	534	107	700	100
7	Наманган	1900	409	1900	1666	88	3946	3696	94	1973	1824	92	1381	1872	136	1605	84
8	Самарқанд	1000	250	1000	1000	100	2040	2251	110	1020	1167	114	714	1085	152	1000	100
9	Сурхондарё	1200	143	1200	1201	100	2448	1649	67	1224	1078	88	857	571	67	1201	100
10	Сирдарё	800	149	800	948	119	1632	1507	92	816	1202	147	571	305	53	870	109
11	Тошкент	2000	99	2000	2001	100	4369	2395	55	2184	1379	63	1529	1016	66	1949	97
12	Фарғона	1500	331	1500	1521	101	3203	2767	86	1601	1631	102	1121	1136	101	1499	100
13	Хоразм	600	106	600	621	104	1224	1221	100	612	853	139	428	368	86	600	100
	Жами	**18500**	**3316**	**18500**	**18687**	**101**	**38658**	**33287**	**86**	**19329**	**21120**	**109**	**13530**	**12165**	**90**	**17545**	**95**

[100] – "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари

МУХТОРОВ АБДУХОЛИК ХАЛИМОВИЧ
ИСРОИЛОВ АЛИШЕР САМАНДАРОВИЧ
ЮСУПОВА ФАРИДА МАРАТОВНА
АБДУЛХАЕВА ГУЛШАН МАХМУДОВНА

МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИКТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

(монография)

4-илова

3-жадвал. Етиштириладиган 1 тонна мойли экинлар (кунгабокар, соя, махсар) бўйича чекланган шартномавий нархлар[101], сўм/т

Мойли экинлар	Мойли ўсимликлар синфи	ГОСТ	Чекланган шартномавий нархлар
	2015 й.		
Кунгабокар	Олий синф	ГОСТ 22391-89	1458111
	1-синф	ГОСТ 22391-89	1400000
	2-синф	ГОСТ 22391-89	1347662
Соя		ГОСТ17109-88	1350000
Махсар		ГОСТ 12096-76	1200000
	2016 й.		
Кунгабокар	Олий синф	ГОСТ 22391-89	1562262
	1-синф	ГОСТ 22391-89	1500000
	2-синф	ГОСТ 22391-89	1443924
Соя		ГОСТ17109-88	1500000
Махсар		ГОСТ 12096-76	1350000
	2017 й.		
Кунгабокар	Олий синф	ГОСТ 22391-89	2500000
	1-синф	ГОСТ 22391-89	2400000
	2-синф	ГОСТ 22391-89	2310000
Соя		ГОСТ17109-88	3000000
Махсар		ГОСТ 12096-76	2000000
	2018 й.		
Кунгабокар	Олий синф	ГОСТ 22391-89	3500000
	1-синф	ГОСТ 22391-89	3400000
	2-синф	ГОСТ 22391-89	3300000
Соя		ГОСТ17109-88	3700000
Махсар		ГОСТ 12096-76	2300000

Изоҳ: 2018 йил хосилдан фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган уруғлик соя донлари учун қуйидаги устама фоизлар белгиланиши таклиф этилган: super элита учун – 200 фоиз; элита учун 100 фоиз; R1 авлод учун 65 фоиз нав устамалари белгиланган.

[101] "Ўзпахтаёг" АЖ маълумотлари

35800 с

Мухаррир А. Мухторов
Техник мухаррир О. Мухторов
Сахифаловчи Х. Сафаралиев
Дизайнер Д. Акрамов

Nashriyot litsenziyasi A1№ 231.16.11.12.
Terishga berildi: 22.08.2018-y.
Bosishga ruxsat etildi: 12.09.2018-y. Ofset qog'ozi.
Qog'oz bichimi 84x108 $^{1}/_{32}$
"Times New Roman" garniturasi. Ofset usulida bosiladi.
Shartli b.t.:10. Adadi:100 nusxa.
Оригинал макет "TAFAKKUR" нашриётида тайёрланди ва
Зангиота тумани, Бунёдкор МФЙ, Кўл 17-тор кўча, 9-уй,
индекс: 111109 чоп этилди

UMB 20230



